

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН
фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

(бакалавриятнинг ўзбек филологияси йўналиши учун)

ФАРҒОНА - 2011

1-МАВЗУ: КИРИШ. ФАННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008.
2. И.А.Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., 2010.
3. Н.Каримов, С.Мамажонов ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Т., 1999.
4. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
5. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. Т., “Фан”, 1991-1993.
6. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., “Янги аср авлоди”, 2004.
7. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Т., “Ўзбекистон”, 2002.
8. И.Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 2005.
9. Д.Курунов. Адабиётшуносликка кириш. Дарслик. Т., “Фан”, 2007.
10. Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий мақолалар. Т., 2006.

РЕЖА:

1. “Ҳозирги адабий жараён” фанининг объекти. Мақсад ва вазифалари.
2. Ҳозирги адабий жараённинг тараққиёт манбалари, омиллари.
3. Ҳозирги адабий жараённинг асосий тенденциялари ва хусусиятлари.

Биз ўрганмоқчи бўлган “Ҳозирги адабий жараён” фани тўла маънода мустақиллик меваси ҳисобланади. Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, бу фан Ўзбекистон республикаси мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилдан то ҳозиргача бўлган давр ҳақида маълумот беради. Шунинг учун уни дастлаб “Мустақиллик даври адабиёти”, “Истиқлол даври адабиёти”, “Энг янги ўзбек адабиёти” деган номлар билан ҳам аталди. Икки асрни туташтирган, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги билан шиддатли XX1 асрнинг илк декадасини ўзига хос олтин кўприк билан боғлаган бу адабий жараён ғоятда мураккаб даврни босиб ўтди.

“Ҳозирги адабий жараён” фанининг объекти XX асрнинг 90-йилларидан XX1 асрнинг шу кунгача бўлган даврда яратилган адабий-бадний асарларни ўз ичига олади. Аслида 20 йил боботарих учун нон ушоғидек қисқа муддат ҳисобланади. Аммо ана шу кичик муддат мустақиллик ишқи билан ёнган ўзбек халқи ҳаётида жуда катта ишлар амалга оширилган олтин давр бўлиб қолди. Бу кичик муҳлат худди атом зарраси каби мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий жабҳаларида ижобий маънодаги кучли портлашларни вужудга келтирди. Бундай ижобий ўзгаришлар ўзбек халқининг маънавий потенциали туганмас захираларга бойлиги ва яшовчанлиги туфайли рўёбга чикди. Бу ўсиш, ўзгаришларнинг туб асослари ва сабабларини билиб олиш учун Сиз мухтарам Президентимизнинг адабиётлар рўйхатида берилган “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли асарларини пухта ўрганишингиз, конспектлаштиришингиз шарт.

“Ҳозирги адабий жараён” фанининг бош мақсади ана шу 20 йиллик давр адабиётининг асосий хусусиятлари, бу йиллар ўзбек адабиётида пайдо бўлган муҳим концепциялар (лот. қарашлар, фикрлар тизими, дунёни тушуниш, англаш усули) ва асосий тенденциялар (лот. йўналиш, ҳаракат, интилиш, майл)ни аниқлаш, бу даврда яратилган асарларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан, вазифаси эса бадний асарни тушуниш малакасини шакллантириш, ҳозирги давр адабиётининг энг янги фазилатларини тарғиб этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборатдир. Албатта, “Ҳозирги адабий жараён” фанини сўнгги 20 йиллик адабиёт билан чеклаб қўйиш уни тор тушунишдан иборат бўлур эди. Чунки истиқлол ғояси, эрк мавзуси адабиётнинг доимий йўлдоши бўлиб, у эрамыздан олдинги VI асрдаёқ пайдо бўлган (бу ҳақда қаранг: Й.Солижонов. “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” 125-134-бетлар).

Адабиёт сўзи ҳар доим эрк ва озодликка чақириқ бўлиб янгради. Лоақал XX аср бошларидаги жадид адабиёти намояндаларининг асарларини эсланг. Ёки совет тузумининг дастлабки босқичида Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпонларнинг фарёдига кулоқ солинг! II жаҳон уруши йилларида ижод қилган “совет” адиблари Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, М.Осим кабиларнинг нега тарихий мавзуга мурожаат

қилганликларининг туб сабабини аниқланг! 70-йилларда коммунистик мафкура мустамлака қиличини қайраб, сал кўтарилган бошни, овоз чиқарган тилни кесиб турган пайтда Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, А.Ориповнинг “Ҳангома”, О.Матжоннинг “Ҳаққуш қичкириғи”, Р.Парфининг Туркистон ҳақидаги ёниқ асарлари не-не машаққатлар билан дунёга келиб, халқимизнинг зимистон кўнгилга озодлик нури олиб киргани, кўзини очгани адабиёт сўзининг ўлмаслигидан, унинг ҳар доим эрк бонгини чалиб турганлигидан дарак бермайдими?! Буларсиз ҳозирги адабий жараёни тасаввур этиш мумкин эмас.

Демак, ҳозирги адабий жараён ўзининг шу кунги босқичига қуйидаги манбалар ва омиллар асосида эришди:

Манбалар

1. Кўп асрлик ўзбек адабиётининг энг яхши анъаналарини ўрганиш, тадбиқ этиш, ижодий ёндашиш ва янгилаш туфайли;
2. Буюк Шарқ адабиётининг барҳаёт илдизларидан баҳрамандлик, Ғарб адабиёти билан ҳамкорлик;
3. Халқ ҳаётини чуқур ўрганиш ва реал ифодалаш, ҳақиқат ва адолат устиворлиги учун курашиш;
4. Халқ оғзаки ижодига хос буюк оптимистик ғоянинг барҳаётлиги.
5. Бошқа халқлар адабиёти билан доимий ижодий ҳамкорлик, ўрганиш ва таъсир этиш;

Омиллар

6. Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши;
7. Ўзбекистонда СССР таркибида яшаб туриб, Президентлик лавозимининг вужудга келиши;
8. Мустақилликнинг эълон қилиниши:
 - а) мадҳия (18.11.91);
 - б) байроқ, герб (18.11.91);
 - в) БМТга аъзо (2.03.92);
 - г) жаҳон ҳамжамиятига аъзолик (2.06.91);
 - д) миллий валюта-сўм (08.94).

Адабий жараёни даврлаштириш ҳар доим адабиётшунослик фанининг энг муҳим ва мураккаб масалаларидан бири бўлиб келган. Кўп асрлик тарих ва тажрибага эга бўлган ўзбек мумтоз адабиётини, қарийб бир асрлик даврни қамраб олган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” ва “Янги ўзбек адабиёти”ни даврлаштириш ҳануз тўла-тўқис амалга оширилмаган бир пайтда эндигина 20 йиллик адабий жараёни даврлаштиришга уриниш бироз эриш туйилади. Бироқ ўтган 20 йил давомида мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий, иқтисодий, маданий-маърифий ва маънавий ҳаётида шу қадар улкан ўзгаришлар, ютуқлар, айни чоғда, йўқотишлар юз бердики, бу мустақиллик даври адабиётининг шаклланиши, ривожланиши ва тез суръатлар билан янгилаанишига туртки берди. Шуни ҳисобга олиб, “Ҳозирги адабий жараён”ни қуйидаги даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этамиз:

1. Шаклланиш ва изланиш даври адабиёти (XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги);
2. Янгилааниш даври адабиёти (XXI асрнинг 1-декадаси);

Ушбу тараққиёт босқичларининг ўзига хос хусусиятлари, фазилатлари ва қусурларини кейинги дарсларимизда йўл-йўлакай тушунтириб борамиз.

Энди “Ҳозирги адабий жараён”нинг асосий тенденциялари ҳамда концептуал хусусиятларини аниқлаб олайлик. Асосий йўналишлар (тенденциялар):

1. Ҳозирги адабий жараёнинг илк босқичида ўзбек ижодкорлари янгича услуб ва маҳорат сирларини эгаллаш мақсадида бевосита Ғарб адабиётига мурожаат қилдилар. Қисқа муддатда жаҳон тан олган Камю, Кафка, Ницше, Жойс, Маркес сингари санъаткорларнинг асарлари таржима қилинди. Бу адабиётнинг ривожланиши учун икки томонлама фойда берди. Бир томондан, ўзбек адабиёти хазинаси янги дурдона асарлар

билан бойитилди. Адабий янгиликка мухтож ўқувчининг эҳтиёжи қондирилди. Иккинчи томондан, ёзувчининг ўзи асарни таржима қилиш жараёнида ижод сирларини ўрганди, маҳорати ортди. Ана шу ўрганиш оқибатида ўзбек адабиётига абсурд, онг оқими тасвири кириб келди.

2. Ўзбек адабиёти бағрида модернизм усули бўй кўрсата бошлади. Аслида адабиётда пайдо бўладиган турли “изм”лардан чўчимаслик керак. Бу ҳар бир адабиётнинг маълум бир давридаги изланиш, янгиланиш жараёнидир. Агар у ижобий натижа берса, кашфиёт даражасидаги асарлар яратилиши мумкин. Айни пайтда бепарво ҳам бўлмаслик лозим – ҳали суяги қотмаган ёш қаламкашлар ўртасида тақлидчилик пайдо бўлиши хавфи бор. Ҳозир ўзбек адабиётида модерн шеърляти, модерн насри вужудга келди. Абдували Кутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад каби шоирлар, О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул сингари адиблар бу йўналишда муваффақиятли ижод қилмоқдалар.

3. Модернизм адабиётимизни нечоғли бойитмасин, қанчалик ранг-баранг қилмасин, яна буюк Шарқ адабиёти анъаналари, мумтоз адабиётимизнинг ҳаётбахш илдизлари, қадимги ёдгорликлар, миф ва афсоналар, асотирлар ҳамда ривоятларга қайтиш, таяниш, қизиқиш кучайди. Шарқ адабиёти анъаналарига таяниш, аввало, миллий ўзликни англашга олиб келди. Шарқ адабиёти анъанасига кўра бадиий асарда тасвирланган шахс ўз манфаатини ажодлари манфаатлари ҳамда қадриятларидан устун қўймайди. Унинг Ғарб адабиётидан фарқи ҳам айнан шундадир, яъни Ғарб адабиётидаги қаҳрамонларнинг аксарияти ота – боболари тутган йўлдан бормайдилар.

4. Қалам аҳлига ижодий эркинлик берилди. Натижада адабиётнинг барча тур ва жанрларида ҳаётни рўй-рост, бутун мураккаблиги билан тасвирлашга, ижтимоий-маънавий адолатсизлик, хўрлик ва қуллик шароитида яшаган, маънан мажруҳ бўлган инсон тасвирига эътибор кучайди. Ч.Айтматов айтганидек, “адабиёт ҳамиша инсонпарварликка хизмат қилиб келган”лигини амалда исботлашга киришди.

5. Йигирма йилдирки, мустақиллик байрами арафасида энг яхши ёзувчиларни “Ўзбекистон қаҳрамони”, “халқ шоири” ёки “халқ ёзувчиси” унвонлари, орден ва медаллар билан мукофотлаш одат тусига кирди. Энг яхши асарлар республика Давлат мукофоти билан тақдирланмоқда.

Савол: 1. *“Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига ўзбек адабиётидан кимлар мушарраф бўлди? (А.Орипов, С.Аҳмад, Э.Воҳидов, Т.Қайипбергенов, Иброҳим Юсупов).*

2. *“Ўзбекистон халқ шоири” унвонига сазовор бўлган водийлик ижодкорларни сананг (Т.Низом, Ҳ.Саъдулла, О.Ҳакимов, И.Мирзо).*

Ўзбек адабиётининг тараққиётида муҳим рол ўйнаган асосий концепциялар қуйидагилардан иборат:

1. Мустақиллик йилларида чорак кам бир асрлик “совет даври адабиёти”га турлича қарашлар, уни инкор этувчилар пайдо бўлди, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Уйғун каби адиблар социалистик тузум, коммунистик фирқа маддоҳлари сифатида айбланди. Уларнинг ижоди вульгар-социологик нуқтаи назардан талқин этилди. “Инқилоб куйчиси” номини олган Ҳамзага очик ҳужум бошланди. Кейинроқ бундай номақбул қарашларга барҳам берилди ва совет даври ижодкорларининг мероси холисона ва ҳақиқат нуқтаи назаридан ўрганила бошланди (бу ҳақда: Ў.Солижоновнинг “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” китобидаги А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек ҳақидаги мақолаларини, “Зулматдан нур қидирганлар” номли китобларини ўқинг).

2. Мустақиллик даври адабиётида инсон омилига алоҳида ва янгича қараш бошланди. Маълумки, шўро адабиётида бош қаҳрамон фақат камбағал тоифадан олинар, у ўта ақлли, тадбиркор, кўркмас, фақат ижобий фазилатларга эга қилиб тасвирланарди. Унинг ички дунёсидан кўра ташқи олами, хатти-ҳаракатлари, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёритишга кўпроқ эътибор бериларди. Мустақиллик йилларида яратилган асарларда бундай бир ёқламалikka барҳам берилди. Эндиги қаҳрамонларни том маънодаги инсон – ҳам сурати, ҳам сийрати, ҳам фазилати, ҳам иллоти билан мукамал тарзда тасвирлашга эътибор кучайди.

3. Одамларнинг маънавий дунёсидаги ўзгаришлар туфайли бадиий адабиётга илгари кўрилмаган (тўғриси, таъқиқланган) янги ҳодиса – руҳоний кайфият – ислом маънавияти кириб келди ва халқимизни комиллик сари етаклашда муҳим рол ўйнади. Мухлислар бундай янгиланишни хайрихоҳлик билан кутиб олди. Албатта бу соғинч эҳтиёжини қондириш дастлаб ўзбек ижодкорлари зиммасига катта масъулият юклади. Чунки бу эҳтиёжни муаллиф ёки асар қаҳрамонларининг “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим”, “худо - Оллоҳ” дейиши ёки номоз ўқишини тасвирлаш билангина қондириб бўлмасди. Дастлаб шундай камчиликлар ҳам рўй берди. Лекин тажриба ва билим ортган сари инсоннинг диний-ахлоқий руҳияти, ботиний дунёсини очишга кўпроқ эътибор қаратила бошланди.

4. Ижодий эркинлик туфайли адабиётда таъқиқланган мавзу ва муаммо қолмади. Ҳозирги пайтда ижодкор хоҳлаган соҳа тўғрисида ёзиши мумкин. Фақат у халқни ёмонликка ўргатмаса, жамиятга, умумий мақсадларимизга қарши қўймаса бас. Ҳозир шундай хавф сезилмоқда. Айрим ёзувчилар нукул жиноятчилик, бузғунчилик, ахлоқий тубанлик, ур-йикит, ўғрилиқ, одам ўлдириш каби инсониятга ёт мавзуларни ёритишга ружу қўймоқдалар.

5. Ҳаётда бадиий адабиётнинг маънавий ҳаётдаги ўрни ва тарбиявий ролини оширишга алоҳида эътибор берила бошланди. Мухтарам Президентимизнинг қатор нутқ ва маърузаларида, суҳбатларида, хусусан, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли рисоаларида, адиблар билан ўтказган бир неча учрашувларида, ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада яхшилаш ва “Ижод” фондини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорида бу масалага алоҳида урғу берилади.

Мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари:

1. Адабиёт яққаҳоқим мафкура тазйиқи, адабий сиёсат зуғумидан халос бўлди.
2. “Бугунги адабий жараён ўз инон-ихтиёри, ички қонуниятлари асосида эркин, табиий ривожланиш йўлидан бормоқда” (У.Норматов. “Тафаккур” жур. № 1, 2009).
3. Мустақиллик йилларида Шўро даврида камситилган миллий адабий қадриятларни тиклаш, тарихни ҳаққоний, холис ёритиш, хусусан, тасаввуф ва жаҳид адабиётини ўрганиш имконияти туғилди.
4. Жаҳон адабиёти билан юзма-юз ижодий ҳамкорлик юзага келди. Жаҳон аренасига чиқиш йўллари излана бошланди.

Назорат саволлари:

1. “Ҳозирги адабий жараён” фани қайси давр адабиётини ўрганади?
2. Фаннинг мақсади ва вазифаси нимадан иборат?
3. Адабиётда тенденция ва концепция деганда нимани тушунасиш? Уларни сананг.
4. Ҳозирги адабий жараённи қандай тараққиёт босқичларига бўлиб ўрганиш мумкин?
5. Модернизм ҳақида маълумот беринг.
6. Мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятларини санаб беринг.

2-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ЛИРИКАСИНING ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Мустақиллик даври адабиёти. Т., Ғ.Ғулом номидаги АСН, 2006.
2. О.Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Т., “Шарқ”, 2004.
3. Б.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т., 2004.
4. И.Ғафуров. Шеърят – изланиш демак. Т., АСН, 1984.
5. И.Ғафуров. Мангу латофат. Т., “Шарқ”, 2008.
6. У.Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. Т., “Фан”, 2007.

РЕЖА:

1. Лирик шеърят ҳақида маълумот.
2. Ҳозирги ўзбек лирикасининг тараққиёт йўли.
3. Лирик шеърда фикр, туйғу ва руҳият.
4. Лирикада қаҳрамон ва образ.

Грекча “лира” сўзидан олинган лирика бадиий адабиётдаги уч асосий турнинг бири бўлиб, унда ифодаланаётган воқелик шахснинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, идроки орқали акс этади, яъни муаллиф – шоир ташқарида рўй бераётган воқеа, нарсаси ёки ҳодисага қалб кўзи билан қарайди, уни қалб призмаси орқали акс эттиради. Лирика ҳаётни инсоннинг ҳис-туйғулари, фикри ва кечинмалари орқали ифода қилади. Бу лириканинг бошқа адабий турлардан фарқини кўрсатувчи энг муҳим хусусиятидир. Мана шу етакчи хусусият адабиётдаги бадиий тасвирга оид жуда кўп масалаларнинг ўзига хос шаклда ҳал этилишини талаб қилади.

Инсоннинг ички кечинмалари орқали биз лирик шеърда ҳам одамни, ҳам уни шу аҳволга солган ҳолатни, муҳитни тасаввур қиламиз. Лирика аввало, қисқаликка интилади. Шунга қарамай, унда бадиий асарнинг барча унсурлари мавжуд бўлиб, ҳаётнинг барча қирралари акс этади. Масалан, лирик шоир ўзининг аниқ индивидуал кечинмаларини типиклаштириб, умумлаштириши, айтиш чоғда ўзининг шахсий муносабатини билдириб, индивидуаллаштириши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан шоир Рустам Мусурмоннинг “Баҳор соғинчи” деб аталган куйидаги шеърини таҳлил қилиб кўрайлик:

Баҳор соғинчи

Арчалар “ҳечқиси йўқ”қа йўйишар

Қишнинг куч-қувватдан кетганлигини

Ўриклар барибир сотиб қўйишар

Баҳорнинг билдирмай келганлигини.

Қорлар қоялардан ўзин ташлайди,

Тоғларнинг энг чуқур дараларига.

Чечаклар эмаклаб чиқа бошлайди

Қишнинг бўйсунмаган қалъаларига.

Лолалар очилар бирдан ловуллаб,

Қорларнинг бошпаноҳ ўлкаларида –

Қип-қизил шаън оқар ерга шовуллаб,

Баҳорнинг баҳодир елкаларидан ... (“ЎзАС”, 1.03.96.)

Кўриб турганимиздек, бу шеърда аввало, одамнинг кучли ҳис-ҳаяжони бор, ана шу ҳаяжонни ифодалаб бера олган фикр бор, баҳорни соғинган шахснинг муносабати бор. Бу хусусий муносабат айтиш чоғда умумлашма хусусиятга эга. Унда руҳ бор, руҳни қитиқловчи туйғу бор. Кайфият бор, кайфиятни аллаловчи оҳанг бор. Туйғулар қарама-қаршилиги бор, манзара бор, ҳаракат бор, мумтоз лирика анъаналарига содиқлик бор (2-мисра “Девони луғатит-турк”ни эслатади), образлилик бор (ғиж-ғиж), деталлар мавжуд. Шеърнинг қофияланиш тартиби оҳангнинг барқарорлигини таъминлаган (а-б-а-б).

Лирикада руҳий ҳолат биринчи ўринда туради. Чунки ташқи оламдаги воқеа-ҳодисалар, нарсалар ижодкорнинг диққат эътиборини тортиб, қалбу шуурига ўрнашиб қолади, унга тинчлик бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. “Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини, ҳузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма, деб аталади” (Б.Саримсоқов). Лирик кечинма турли ҳолатларда рўй бериши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у тугал эстетик қимматга эга бўлган асар сифатида маҳсулот беради. Шунга кўра лирик кечинмани иккига бўлиш мумкин: 1. Оний ва 2. Хотира лирик кечинма. Оний лирик кечинма вақтинчалик бўлиб, бир пайтда лип этиб пайдо бўлади-да, эстетик қиммат берувчи маҳсулот (шеър ёки сатр) бериб ўчади ва йўқолади. Хотирага асосланган лирик кечинма эса яшовчан бўлади.

Лирик шеър одатда ҳажмининг кичиклиги билан ажралиб туради. Бунинг сабаби унинг шоир (лирик қаҳрамон) кўнглида оний лаҳза мобайнида кечган ҳис-туйғу, ўй-фикрни ифодалашга йўналтирилганлигидир. Айни чоғда ҳозирги шеърятда ҳажман бирмунча катта шеърлар ҳам учрайдики, улар кўпроқ хотира лирик кечинмалар маҳсулидир. Лирик шеър қаҳрамони ҳам инсондир. Унда кўпинча шоирнинг ўзи лирик қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Воқеликни лирик қаҳрамон кечинмалари орқали акс эттириш лириканинг бош хусусияти ҳисобланади. Лирикада ҳам бадиий фантазия муҳим рол ўйнайди. Бунда шоир воқеликни ўз орзу-истаги, хаёлида тасаввур қилган ижтимоий идеаллар билан боғланган ҳолда тараннум этади. Буни шеърятда эҳтиросли лирика, пафос дейилади.

Лирик шеър ўзининг сермаънолиги, фикран теранлиги, ҳис-туйғу ва эҳтиросларнинг самимийлиги, бойлиги, шаклан ранг-баранглиги, сербўёклиги, жозибadorлиги, ғоятда мусикийлиги билан ўқувчига манзур бўлади. Лирика энг қадимги адабий тур ҳисобланиб, унинг 20 дан зиёд жанри мавжуд. Кейинги йилларда жаҳон шеъряти тажрибаларидан ўрганиш туфайли жанрлар янада кўпайди. Бу ҳозирги ўзбек шеърятининг бойлиги ва янгиланаётганидан дарак беради.

Ҳозирги ўзбек лирикасининг ўсиш, ўзгариш, янгиланиш тамойилларини чорак кам бир асрлик “совет шеъряти” билан таққослаб ўрганилса, унинг ўзига хослиги яққол намоён бўлади. “Ҳамма нарсa инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун” деган ғоят баландпарвоз шиори байроқ қилиб олган Шўро ҳукумати амалда уни бажармади. Адабиёт намояндалари халқнинг кўнглини ифодалаш ўрнига ташқаридаги воқеа-ҳодисаларни (м., узoқ Африкадаги якка шахснинг юрти озодлиги учун исён кўтарган ва бу йўлда қурбон бўлганини кўкларга кўтариб, мадҳиялар ёзилди-ю, ўзимизда шундай ҳодиса юз берса, ими-жимида йўқ қилиб юборилди), тинчликни (аслида “совуқ уруш” авжига чиққан, СССР – АҚШ муносабатлари таранглашган эди), коммунизмни улуғлаш, шарафлаш, “тенглар ичида тенг ҳуқуқли инсон” бахтини баланд пардаларда кўйлаш билан овора эдилар. Шуниси борки, бунинг ҳақиқат эканлигига ижодкорларнинг ўзи ҳам ишонарди, зўр бериб ўқувчисини ҳам ишонтиришга уринарди. Халқ ўз шоирларини тингларди, унинг кўзига қарамас, бош кўтармай меҳнат қиларди.

Яхшики империя парчаланди, 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришди. Аммо мамлакатнинг тўла озод бўлиши учун ўз байроғи, ўз мадҳияси, ўз герби, ўз валютасига эга бўлиши камлик қилади. Булар мустақилликнинг дастлабки қадамлари холос. Ҳақиқий мустақиллик халқнинг онги-шуурига, маънавиятига сингиши зарур. Шундагина у мустаҳкам ва бардавом бўлади. Бунинг учун адабиёт, энг аввало, шеърят тозаланиши, янгиланиши, маддоҳлик, баландпарвозлик, юзакилик, қуруқ панд-насихатдан воз кечиши лозим эди. Шеърят одамларнинг кўнглига кириши, осонгина, бирданига рўй бергандек туйилган мустақилликнинг аслида илдизлари чуқур эканлиги, кўп асрлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона шаклда давом этган қонли курашлар эвазига қўлга киритилганлигини англатиш керак эди. Бу эса дастлаб осон бўлмади. Чунки қарийб 75-80 йил узлуксиз давом этган ва афкор омма онига сингдирилган зўравонлик сиёсати, партиявий бошқарув, коммунистик мафкура асоратидан осонгина кутилиш, уни қиска муддатда уч-тўртта қонунлар қабул қилиш ёки митинглар ташкил этиб, оташин нутқ ирод қилиш билан ўзгартириш мумкин эмасди. Чинакам истиқлолнинг машаққатли, суронли, аммо шарафли ва нурли одимлари бошланди.

Мустақилликнинг илк даврида ижод аҳли уч тоифага бўлинди. Иккита уюшма бир-бирини инкор этиб, фoш қилиб, “кимўзар”га фаолият кўрсата бошлади. Мияси коммунистик мафкура билан тўлиб тошган кекса авлод ҳамма нарсани инкор қилишга, Шўролар даврини қўмсашга, унинг сиёсатини қайтаришга киришди. Ўрта авлод на у ёққа, на бу ёққа қўшилолмай, бир неча муддат гарансиб турди. Жим туришни раво кўрди. Айримлар ижодни ҳам тарк этди ва тўғри қилди. Чунки ўша мавқеи билан истиқлол адабиётидан ўрин ололмасди. Ёш авлод эса ўзини эмин-эркин ҳис қилиб, оғзига келганини қайтармай айта, ҳатто бақира бошлади. Бу ҳол дастлаб шеърятда енгил-елпилик,

юзакилик, шаклбозликка олиб келди. Бу авлод худди XX асрнинг 20-йилларидаги пролеткультчилар сингари ўзигача яратилган адабий меросни қабул қилмасликка, “совет шоири” бўлганларнинг барчасидан воз кечишга уринди.

Лекин булар вақтинчалик шов-шувлар эди. Аслида шеърят инсон кўнглига йўл излаётган эди. Бу мустақиллик даври ўзбек шеърятининг муҳим ўзгаришларидан биридир. Энди шоир ўз нигоҳини ташқаридан, атрофда бўй бераётган турли воқеа-ходисалардан узиб, ўз кўнглига қарата бошлади ва ундаги зиддиятларни, талотўпларни образли тарзда тасвирлашга киришди. Ш.Раҳмон, Х.Даврон, М.Юсуф, И.Мирзо, С.Сайид, З.Мирзо, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, И.Отамурод каби ўнлаб шоирлар ижоди, аввало, ўз “мен”и билан ажралиб туради.

Булар орасида, айниқса, И.Отамурод кўнгил (кангул)га алоҳида эътибор беради, уни образ даражасига кўтаради. Мана, шоир кўнгилга қандай мурожаат қилади:

Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг сиғдирар,

Канглум, ким ҳам сенинг кўтарар ройинг?!

Биргина ўзингсан ўзингга ярар,

Биргина ўзингсан ўзингга сойим. (“Тавр”, 28-29-б.).

Шоир ўзининг “Ичкари ... ташқари” номли достонида тўғридан тўғри кўнгил ва ҳаёт – ички ва ташқи дунё изтиробларини, зиддиятларини ифодалайди. Улар доимий ҳаракатда, бир-бирини тафтиш қилади, излайди, инкор қилади:

Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,

Истаюр ташқарида бўлувни.

Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,

Истаюр ичкарида бўлувни.

Ичкари – кўнгил, ташқари – ҳаётдан ўзига жавоб истаса, ташқари – ҳаёт ичкари – кўнгилга кириб уни тавоф қилишни истайди. Шоир назарида “Ичкари – хўрсиниқ, ташқари – хандон. Ичкари сукунат, ташқари – ғовур. Ташқари – ғусса, ичкари – хувайдо. Ташқари – надомат, ичкари – гулгул”дир. Хуллас, Икром – кўнгил шоири, кўнгил асири, кўнгил билан иш кўрадиган, у билан суҳбатлашадиган шоир. У янги сўз тўқишни, яшашни яхши кўради. Шоир ўзининг ҳар бир шеърига ёки сатрига биронта ноёб, қутилмаган сўз киритиб, уни учқунлатиб қўймаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Зукко адабиётшунос И.Ғафуров таъкидлаганидек, “Икром шу каби сўз издиҳомлари ичида яшайди. Лекин ноёб сўзлар, ибораларни қўллашда поэтик меъёрни сақлаш бу ҳам бадиийлик ҳамда эстетик диднинг жуда муҳим элементи. Бусиз бадиият талафотга гирифтор бўлади” (И.Ғафуров. Мангу латофат. Т., “Шарқ”, 2008, 287-бет).

Мустақиллик даври адабиётида шоирларнинг ўз нигоҳини ташқаридаги муаммолардан узиб, ичкарига – ботинга қаратиши шу давр шеърятининг туб янгилиги ҳисобланади. Бундай шарафга ўзбек шоири қарийб чорак кам бир аср мобайнида мустақиллик шарофати туфайли эриша олди. У ўзи хоҳлаганча кўнгил розини тўкиб солишга, у билан баҳслашиш, яқиндан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлди. Бундай шеърларда фуқарони қандайдир буюк ишларга даъват этадиган оташин чақириқлар йўқ, ижтимоий масала йўқ. Бироқ улар айнан биз ҳақимизда, кўнгилимиздаги адоқсиз сиру синоат ва изтироблар ҳақидадир. Шу жиҳати билан бизга яқин ва қадрдондир. Масалан, З.Мирзонинг “Нур кукунлари”, Ҳ.Аҳмедованинг “Умид сояси”, Р.Раҳмоннинг “Хасталик дафтари” деб аталган китобларини мутолаа қилинг: нукул ҳижрон, дард, ўлимни куйлайди. Гарчи булар умуминсоний туйғулар бўлса-да, 20-30 йил олдин уларнинг дунёга келиши даргумон эди. Бундай шеър муаллифлари албатта тегишли жазосини оларди.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, истиқлол даври шеъряти фақат кўнгилнинг интим кечинмаларини куйлаш билан чекланиб қолаётгани йўқ. С.Сайид, И.Мирзо, М.Мирзо, У.Азим, А.Суюн, Турсун Али каби шоирлар ижодида ижтимоий масалалар ҳам баланд пардаларда куйланмоқда. Аммо бу ижтимоий масалалар айрим шоирлар томонидан баландпарвоз сўзлар орқали ҳиссиз, қуруқ ҳолда ифодаланаётгани ҳам сир эмас. Фикрим исботсиз бўлиб қолмаслиги учун битта мисол келтирай:

Бу дунёда миллатлар кўп, эллар кўп,
Эллатлар кўп, тақдирлар кўп, йўллар кўп,
Бир ён чаман, бир ён сахро, чўллар кўп,
Ўзинг менинг яғонамсан диёрим,
Дурлар ичра дурдонамсан диёрим.

(К. Синдаров. Ўзинг менинг яғонамсан. Т., 2008. 3-б.).

Ҳа, адабиётшунос У.Ҳамдам айтганидек, айрим шоирлар катта масалаларни ифодалашда “кичрайиб”, “майдагап” бўлиб қолаётирлар.

Хуллас, истиқлол даври шеърияти лирик қаҳрамоннинг баркамоллиги сари дадил одимламоқда. У ўз йўлида учраётган майда-чуйда камчиликларни юксак поэтик образлар яратиш билан енгиб боради.

Назорат саволлари:

1. Лирика нима? У қандай хусусиятларга эга тур?
2. Лирик кечинма ва унинг моҳияти ҳақида гапиринг.
3. Лирик тур жанрларини сананг.
4. Истиқлол даври лирикасининг совет даври шеъриятдан фарқини айтинг.
5. “Кўнгил шеърияти” деганда нимани тушунасиз?
6. Субъективизм иллати нима?

3-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУ ВА ҒОЯ БИРЛИГИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти. Т., АСН, 2006.
2. И.Ғафуров. Шеърият изланиш демак. Т., АСН, 1984.
3. И.Ғафуров. Мангу латофат. Т., “Шарқ”, 2008.
4. У.Ҳамдам. Янгилашни эҳтиёжи. Т., “Фан”, 2007.
5. Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашр. 2009.

РЕЖА:

1. Бадиий асарда мавзу ва ғоя ҳақида.
2. Ҳозирги шеъриятнинг мавзу доираси.
3. Лирик қаҳрамон, лирик образ ва ғоя бирлиги.

Бадиий адабиёт учта муҳим элементдан ташкил топади. 1-тил, 2-мавзу, 3-сюжет. Бу рақамларни яна давом эттириш мумкин (характер, конфликт, ғоя, қаҳрамон, тасвир, усул каби). Аммо мавзусиз асар юзага келмайди, худди умуртқасиз организмга ўхшаб қолади. Рус адаби М.Горький айтганидек, “Мавзу муаллиф тажрибасида бунёдга келган, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берган, аммо ҳозирча муаллиф тасаввурида ҳали тўла-тўқис шаклланмаган бир ҳолда сакланиб, образлар орқали гавдалантиришни талаб қилиб, ёзувчида ишлашга майл уйғотадиган ғоядир” (М.Горький. Адабиёт ҳақида. Т., 1962. 241-б.). Мавзуни асар ғоясидан ажратиш бўлмайди, агар мавзу муаллиф тасвирлаётган нарсаси, воқеа, ҳодиса бўлса, ғоя ана шу ифодаланаётган мавзу орқали айтимокчи бўлган фикрдир, ёзувчининг хулосасидир. Шу маънода мавзу – бу ёзувчи томонидан асарда қўйилган ва аниқ ҳаётий материаллар асосида ёритилган муаммодир. Мавзу ва ғоя асарнинг ғоявий – тематик бирлигини таъминловчи асосдир. Мавзу тушунчаси асарнинг бутун моҳиятидан келиб чиқади, ғоя эса ёзувчининг миёсида етилган асосий фикрдир. Бу фикр маълум бир воқелик орқали бадиий образлар ёрдамида ўқувчига етказилади. Бадиий асар мавзусини одатда воқелик белгилайди. Мавзунинг ёритилиши кўп жиҳатдан санъаткор маҳоратига боғлиқ. Бир мавзу турли адаблар томонидан турлича ёритилиши мумкин. Ўқувчини қизиқтирадиган, даврнинг муҳим ва долзарб мавзулари ҳақида ёзиш, мавзу танлай билиш ижодкорнинг талантига боғлиқ.

Энди мавзу ва ғоя бирлиги масаласини ҳозирги ўзбек шеърияти мисолида кўриб чиқайлик. Шу нарса қувончлики, мустақиллик даври ўзбек адабиётида мавзу чекланмаган, шўролар пайтидагидек таъқиқланган мавзу йўқ. Ижодкор хоҳлаган мавзу бўйича асар яратиши мумкин. Фақат унинг ғояси умумбашарий тарбиявий аҳамиятга эга бўлсин. Инсонни ёвузликка эмас, эзгуликка чорласин. Ижодий эркинлик берилганлиги туфайли ҳозирги ўзбек шеъриятининг мавзу кўлами кенг ва ранг-барангдир. Адабиётшунос У.Ҳамдам “бугунги ўзбек шеърияти мавзуларининг ишланиш кўлами ва даражасига қараб” қуйидагича тасниф этишни таклиф қилади:

- ишқий интим мазмундаги шеърлар;
- интим мазмунли шеърлар (буларнинг фарқи шундаки, бирида оҳ-воҳ, тушқунлик кўп; иккинчисидан – умидбахшлик кучли; яна кўнгилнинг турфа интилишлари, фақат ёр эмас, она, юрт, дўст ва ҳ.к.).
- мадҳия – бағишлов шеърлар;
- ухровий мазмундаги шеърлар (биз буни рухоний шеърлар деб атаганмиз, яъни дунёнинг ўткинчилиги. Яратганга илтижо, тавба – тазарру – Й.С.);
- тарихий мазмундаги шеърлар;
- панд – насиҳат шеърлар;
- Ватан ва унинг мустақиллиги ҳақидаги шеърлар;
- ўлим мавзусидаги шеърлар;
- бошқа ҳар хил мавзудаги шеърлар:

Албатта, олимнинг ўзи айтганидек, бу тасниф ғоят шартли бўлиб, уни янада кенгайтириш ҳам, қисқартириш ҳам, баъзиларининг ўрнини алмаштириш ҳам мумкин. Бу мавзулар орасида ишқий ҳамда интим мавзудаги шеърлар салмоғи жуда баланд, ҳатто кейинги 20 йиллик ўзбек шеъриятининг асосий қисмини эгаллайди. Аммо уларнинг кўпчилиги ўта субъективлиги, тушқун кайфиятда ёзилганлиги, ўқувчини муҳаббатнинг ҳаётбахшлиги, куч-қудратига ишончини оттиришга ўргатиш ўрнига, нукул ҳижрон, ёлғизлик, бевафолик, йўқотиш, сарсонликдан иборат оҳу-нолаларни ифодаляётгани ҳам сир эмас (бу ҳақда қаранг: Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. 158-168-б.). Бинобарин, севги, вафо ва вафосизлик, ҳижрон ва ўлим сингари умуминсоний мавзулар ҳамма даврда ҳам бўлган, ҳар бир давр кишиси севиш, севилишга, йиғлаш ёки кулишга, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишга, булар тўғрисида ўйлашга, ёзишга ҳақлидир. Бироқ ушбу мангуликка дахлдор туйғулар, барқарор фикрларни бачканалаштириб, сохталаштириб, нукул кўз ёши билан суғориб ифодалашга ҳар доим ҳам яхшиликка олиб келавермайди.

Истиклол даври шеъриятининг бош мақсади Ватанга садоқатли баркамол авлодни тарбиялаш, халқнинг миллий онгини шакллантириш, ўзлигини танитиш, эркин руҳни ўстиришдан иборатдир. Ҳозирги пайтда шеър ҳақидаги тасаввур ҳам, шеъриятга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Истиклол шеърияти ҳам шакли, ҳам мазмуни жиҳатидан бошқачароқ сифат касб эта борди. Унда ижтимоий тафаккур юки ортди. Бу борада ижодкорларнинг ўрта авлодига мансуб тоифа ибрат кўрсатаётир. Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, Р.Парфи, У.Азим, Х.Даврон, Ҳ.Худойбердиева, уларнинг изидан бораётган С.Саййид, И.Мирзо, М.Мирзо, А.Қутбиддин, З.Мирзо, Ҳ.Аҳмедова, Х.Рустамова, Г.Бегим сингари ўнлаб шоирлар ибрат кўрсатмоқдалар. Шуниси муҳимки, уларнинг шеърлари замоннинг чирсиллаб турган воқеаларидан холи эмас, айнаи чоғда қадим мумтоз шеъриятимиз анъаналаридан ажралиб ҳам қолган эмас.

Бироқ шуни ҳам яширмаслик жоизки, мустақиллик даври адабиётининг илк босқичи (1990-2000)да ғоядан, ғояпарастликдан узоқлашиш сезилди. Бу адабий ҳодисанинг икки томони бор: бири фойдали, иккинчиси зарарли. Ғоядан воз кечишнинг фойдали томони шунда эдики, ўзбек шеърияти истиклол йилларида совет давридаги сингари ғояпарастликдан қутилди. Маълумки, ўзбек “совет” шоирлари коммунистик партия сиёсатини улуғлашга, шоирларни байроқ қилиб олишга, коммунизмни мадҳ этишга мажбур эди. Инсоннинг кўнгли, ташвиши билан мутлақо иши бўлмасди. Энди

шеърият ҳукмрон ғоядан, ягона етакчи мафкурадан кутилгач, бир муддат нимани куйлашни, қандай ғояни илгари суришни билмай гарангсиб қолди. Боиси, адабиёт пайдо бўлганидан бери, айниқса, чорак кам бир аср давом этган совет мустамлакачилиги даврида турли даражада, ҳар хил шаклларда зимдан куйлаб, интилиб келган асосий орзуси (эрк мавзуси) – мустақиллик қўлга киритилган, юрт озодликка эришган, миллий ғурур тикланган, хуллас, муаммолар ҳал қилинганди. Ватан озод бўлди, мақсадга эришилди. Хўш, энди нимани куйлаш, қандай ғояни илгари суриш керак? Ғоясизлик шундан келиб чиқди.

Аммо бу ғоясизлик узоқ давом этмади. Маълум бир тараддуддан сўнг шоир ўз “мен”ига мурожаат қилди. “Мен”нинг ичи – кўнгил - дардга тўла эди, у жуда занглаган, диққинафас бўлган эди. Ўзига эътибор берилганидан қувонибми, ўксинибми, оҳ-воҳ қила бошлади. Оғзига келганини айта бошлади. Уни ҳамма ҳам эшитавермади, чунки ҳар кимнинг ташвиши ўзига етарли эди. Умумнинг дардини тушуниш, куйлаш учун кўнгилни занглардан, ғуборлардан тозалаш керак эди. Кўнгилга эришилган мақсаднинг улуғлигини, мустақилликнинг шукуҳини, уни мустаҳкамлаш туйғусини, миллатнинг эртанги қайғусини, буюк давлат яратиш орзусини сингдириш зарур эди. Бора-бора бунга эришилди ҳам. Бинобарин, шеърият XX1 аср бошларидан тўла маънода янгиликка юз ўгирди, унда том маънодаги ижобий, ўзгаришлар рўй бера бошлади. Кўз ўнгимизда юз очаетган бу нафис олам – мустақил юрт фуқаросининг ўзлиги, халқнинг шаклланаётган ва тобора янгиланаётган миллий онги, маданияти, қадриятларининг тикланиш, маънавияти, миллий истиқлол ғояси сингдирилган мафкура билан чамбарчас боғлиқ эди.

Шеър бу – инсоннинг қалби, руҳи эканлиги амалда исботлана бошлади. Қалб билан руҳ эса илоҳиятга тегишли, унга ёндашдир. Яхши шеър ёзилмайди, балки туғилади, воқеъ бўлади. Бу ғайб илми билан боғлиқ бир сирли ҳолатдир. Дарвоқе, ҳақиқий шоир ҳам бировнинг йўл-йўриғи билан эмас, яратганнинг амри билан ижод қилади. Шунга амал қилиш асносида шоирлар ва шеърлар саралана бошлади. Бинобарин, шеър яратиш бакироқлик маҳсули эмас, балки ибодат эканлигини, ижод бу саждага бош қўйишдек муқаддас ҳолат эканлигини, ҳудди оятлар меҳр билан шивирлаб ўқилгани сингари шеър ҳам суҳбатдошни ёнингга чакириб, “Дилингдаги сирни дўстингга очмоқ каби қутлуғ маросим” (Х.Даврон) эканлигини англаган шоирлар ажралиб чиқди. Улар Ватан, миллат, ёр, инсон, ер, вафо, бахт, қайғу тўғрисида бу сўзларни ишлатмай ҳам шу қадар эҳтирос билан ёздиларки, уларни ўқиб, ҳаяжондан ўзингизни босолмайсиз, муҳаббат ифорида бошингиз айланади.

Шундай шоирлардан бири ҳамюртимиз Турсун Алидир. Унинг шеърлари асосан Ватан мавзусига бағишланади. Аммо уларнинг аксариятида “Ватан”, “диёр”, “юрт” деган сўзлар, одатдаги оташин ва ёлқинли хитоблар, оҳ тортиш, кўксига уриб бакириш учрамайди. Шоир бу туйғуларини секингина, оҳиста, босиқлик билан айтади (шунинг учун ҳам китобнинг номи “Сокин ҳайқириқ” деб қўйилган). Ажабки, мана шу сокинлик бағрида Ватанга муҳаббатнинг ўчмас ва қудратли олови, туйғуни портлатувчи атом зарраси, қайфиятни осмон қадар кўтарувчи пўртана яширинган. Масалан:

Уйимдан узоқда

бирок

яшайман уйимда.

Шундай сатрларни шу ва бошқа шоирлар ижодидан топинг ва таҳлил қилинг.

Шу билан бирга бу давр шеъриятида “Ватан! Мен сени севаман! Сенсиз менга ҳаёт йўқ!” деб бакираётган шоирлар ҳам кўпайди (аслида у жуда бемалол, беғам-беташвиш яшаётган бўлади). Қуруқ дабдаба, айюҳаннос солиш, бакириш – кучсизлик белгиси эканлигини унутмаслик зарур. Ватанга муҳаббат, ёрга садоқат сингари улуғ тушунчалар ҳақида қуруқ сафсата сотувчи шоирлар назаримда, банк ходимларига ўхшайди: кунига қўлидан беҳисоб пул ўтади-ю, унга эга бўлолмайдилар. Чунки бу пуллар ўзиники эмас-да! Пулнинг ҳиди на тўйдиради, на сархуш қилади; на рангининг юқи қолади. Ҳозирги шоирлар орасида қандайдир “шеърбозлар” кўпайиб кетганга ўхшайди. Улар ҳамма

нарсдан шеър яратишга, ўқувчини ҳайратда қолдиришга уринаётгандек оҳанжама усулларда, баландпарвоз сўзларда “шиғир” битишга уринмоқдалар. Ваҳоланки, уларнинг таъсир кучи кам, гўё қоғоз гуллардан ясалган гулдастага ўхшайди. Шалдироқ овоз чақиради-ю, хиди йўқ, кўриниши ғоят гўзал-у, таровати йўқ.

Шукурки, бахтимизга “бадий ижод ҳақиқий диёнат ва пок диний эътиқод сингари муқаддас иш” (Л.Толстой) эканлигини амалда исботлаётган Э.Воҳидов, А.Орипов, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиёва, У.Азим, И.Отамурод, И.Мирзо, С.Сайид сингари ўнлаб шоирларимиз бор. Улар ҳақиқий шеър инсоннинг том маънодаги руҳиятини акс эттирувчи кўзгу бўлиши учун астойдил курашмоқдалар. Улардан бири:

Шунчаки ёзмокқа кўнгил тўлмайди,

Шунчаки ёзмокқа бормади қўлим.

Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,

Шунчаки ёзмок бу – шоирга ўлим! (Ҳ.Худойбердиева) дея ҳайқирган бўлса, яна бири:

Ҳақ гап учун ҳар бир ишга кўнади эл,

Тўғри сўздан кўпаяди, тўлади эл.

Дордан кўрқиб ёлғон айтиб турганим йўқ,

Шоирлари ёлғон айтса – ўлади эл (У.Азим) дея жўр бўлиб, ёлғон шеърият лашкарига қарши майдонга чиқади. Бошқасига эса дилидаги дардини, оташин муҳаббатини оҳистагина:

Мен куйиниб севаман, нетай,

Мен куйиниб сўзлайман холос деб изҳор этган бўлса (Р.Парфи), яна бир шоиримиз “Ўзим ўз қалбимнинг Колумби” бўлиб кашф этишим, бунинг учун дарахт сингари ёнишим керак деб қасам ичади:

Дарахтлар ёнмокда бугун дунёда,

Ёниб, ўзгаларни уйғотмок не бахт!

Дўстларимдир барча ёнаётганлар,

Юрагимдир ёнаётган дарахт! (О.Матжон).

Ана шундай оташнафас шоирларимизнинг ҳалол ва беминнат меҳнати туфайли истиқлол даври шеъриятининг мавзу кўлами кенгайди, ғоявий юки ортди. Гап фақат мавзу ва муаммоларнинг кенгайганлигидагина эмас. “Ана шу мавзу ва муаммоларнинг ифода тарзи, бадий таҳлил этиш санъати, услублар ранг-баранглиги, халқ йўлидаги бахшиёна, халқ дostonлари, термалари йўлидан тортиб, олис Япон шеъриятидаги танка, хокку шаклларидаги асарларигача пайдо” (Б.Назаров) бўлганлигида, яъни шеъриятнинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан кенгайганлигидадир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги ўзбек шеърияти мавзу ва ғоя жабҳасида донғил йўлга чиқди. Бу йўлда унинг эгаллаши лозим бўлган манзиллари ҳали олдинда...

Назорат саволлари:

1. Мавзу ҳақида маълумот беринг.
2. Ғоя нима? Ғоясизлик ва ғояпарастлик-чи?
3. Истиқлол даври шеъриятининг мавзу кўлами бўйича таснифни айтинг.
4. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг асосий мавзуси ва бош ғоясини аниқланг.
5. Кўнгил шеърияти деганда нимани тушунаси?
6. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг камчилиги нимада кўринади?
7. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг етакчи шоирларини айтинг ва улар ижодидан мисол келтиринг.

4-МАВЗУ: ЛИРИК ШЕЪРДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Мустақиллик даври адабиёти. Т., 2006.
2. И.Ғафуров. Мангу латофат. Т., “Шарк”, 2008.
3. У.Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. Т., “Фан”, 2007.
4. Б.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т., 2004.
5. Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., 2009.

Р Е Ж А :

1. Бадиий адабиётда шакл ва мазмун муаммоси.
2. Бадиий асарда шакл ва мазмун бирлиги.
3. Мазмун ва шакл унсурлари.

Шакл ва мазмун категорияси адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири саналади. Бу масала Аристотелдан то ҳозиргача бўлган олимларнинг диққат-эътиборида туради, баҳс-мунозарага ундайди: уларнинг қайси бири муҳим? Шакл аввал пайдо бўлганми ёки мазмунми? Маълумки, ҳаётда ҳамма нарса ўз шакли-шамойили билан яратилган. Биз ниманики кўрсак, дастлаб шаклга эътибор берамиз. Масалан, мана бу шохлари тарвақайлаб, барги тўкилаётган, илдизлари ерга чуқур кирган, танаси ғадир-будир, пўстлоғи қалин, осмонга бўй чўзган “нарс”ни “дарахт” деймиз. Бу умумий ном бўлиб, ҳаёлимизга дарҳол “қанақа дарахт?” деган савол урилади. “Чинор” деймиз. Демак, кўз олдимиздаги шаклнинг мазмунини англатувчи тушунча пайдо бўлди. Давом этамиз: “Чинор кўп минг йиллик дарахт, ёғочи мустаҳкам, қурилишбоп, қимматбаҳо. А.Мухторнинг “Чинор” романи бор” ва ҳ.к. Қаранг, биргина шаклга қараб туриб қанча фикр (мазмун) пайдо бўлди. Агар чинор арралаб ташланса, у шаклл сифатида ҳам, мазмун сифатида ҳам йўқолади. Кесилган дарахт энди “тўнка”, “ғўла”, “саржин” бўлади. Демак, шакл ўзгариши билан мазмун ҳам ўзгаради.

Бундан шу нарса англашиладики, мазмун билан шакл ўзаро диалектик бирликда намоён бўлади. Уларни бир-биридан устун қўйиб ҳам, ажратиб ҳам бўлмайди. Шакл ва мазмун бир-бирисиз яшолмайдиган категориялардир. Уларнинг аҳамияти айниқса, бадиий асарда аниқ кўзга ташланади. Бадиий адабиётда шакл ва мазмуннинг ўрни, уларнинг диалектик алоқадорлиги, бир-бирини тақозо этиши, мазмун ва шакл мутаносиблиги адабиёт қонуниятидир. Қаердаки, уларнинг мутаносиблиги бузилса, бадиий асарнинг яхлитлигига путур етади. Чунки адабий асар ўз тузилишига кўра яхлит организмни, мураккаб механизмни ташкил этади. Бу организмда ўнлаб ғоявий-бадиий унсурлар жойлашган бўлади. Булар мавзу, ғоя, образ, сюжет, композиция, тил, характер, конфликт, жанри, методи, услуби ва ҳ.к.лардир. Уларнинг биронтасисиз бадиий асарни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу адабий унсурлар бадиий асар тўқимасида ўз ўрнида бўлиши шарт. Бу унсурларни шартли равишда мазмун ва шаклга дахлдор деб ажратиш мумкин. Сиз бундай таснифни “Адабиётшуносликка кириш” фанидан ўрганиб оларсиз. Бизнинг вазифамиз уларга муносабат билдириш эмас, балки ҳозирги адабий жараёндаги шеъриятнинг шаклидаги янгиликлар, ўзгаришлар, шаклнинг мазмунни ифодалашдаги ўрни, мутаносиблиги ёки номуносивлигини аниқлашдан иборатдир.

Одатда тузумнинг ўзгариши, жамиятнинг эврилиши, яшаш тарзининг янгиланиши бадиийлик мезонларининг ҳам ўзгариши ва янгиланишига, образлар, ғоялар, мавзуларнинг ифодаланишида ўзгача шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Чунки адабий жараён пўртанавор ҳодисаларни янгича шаклда намоён этишга ишқибоз бўлади. Бу, айниқса, шеъриятда очиқ кўринади. Адабиётга кириб келган ёшлар фаолликни қўлга олади. Улар кекса авлоднинг ижодий йўлини “эскирган” санаб, янгича йўл излай бошлайди.

XX асрнинг 30-йилларида шундай ҳодиса юз берганди. Янги совет тузумининг социалистик қурилишларини янгича шаклда қуйлашга ишқибоз шоирлар етишиб чиқди. Уларни кейинчалик “футуристлар”, “символистлар”, “формалистлар”, “натуралистлар” деган турли номлар билан аталди. Улар мазмундан шаклни устун қўйдилар.

Шаклбозликка берилган шоирлардан бири Ш.Сулаймон социалистик тузумнинг “гигант қурилишлари”ни (аслида йўқ эди!) ифодалаш учун турли-туман символларга мурожаат қилади:

Тоғлар-ла, тошлар-ла,
Хей, тоғлар-ла, тош-ла.
Бақирди,
Хайқирди,
Хайқирди бир овоз.
Саф рост.
- Тўплан!
Хайқирди, бақирди,
Бақирди миллионлар.
- Тайёр, чоғлан!
Шиор, кун шиори:
Кураш, ўзиш,
Электр, радио,
Добролют... химия, флот,
Санъат, техника, ўт...

Кўриниб турибдики, шоир бу шеърида мазмундан ҳам, шаклдан ҳам узоқлашади, кераксиз, тутуриксиз сўзларни қўллайди. Мантикий жиҳатдан бир-бирига боғланмаган “Электр, радио, добролют (?), химия, флот, санъат, техника, ўт” каби атамаларни қалаштириб ташлайди. Умуман, шоирнинг нима демоқчи эканини билиб бўлмайди. Шуниси борки, Ш.Сулаймон гоҳ “сарбаст”, гоҳ “эркин”, гоҳ “сочма шеър” номлари остида эълон қилган шеърларида ҳам шаклбозликдан қутилмади.

Адабий ҳаётда янгича шакл қўллаб, даврга жўровоз бўлишни истаган шоирлардан яна бири Умаржон Исмоилов эди. Бу шоир ҳам ўз фикрини ифодалашда шаклбозликка берилиб кетади, футуристик (лот. келажак), символистик элементларни ишлатади. Шеърларида ишлаб чиқариш оҳанглари бериш учун ритмни бузади, сунъий сўзларни қўллайди. Масалан, “Турксиб ашуласи” шеърини “паровоз ғилдираги оҳангида ўқиш”ни маслаҳат беради ва шундай сатрлар яратади:

Ўртоқ, а-а-а—арш!	Ижтимоий
Йўл-лар-ни - оч,	Ҳаёт учун
Тур – муш – лар соч	пахта элитар.
Турк – турк, сиб – сиб,	Ур –р – руғ тиккил,
Омоч оғир, сўқа – сўқир,	Кўлинг енгил.
Тр – р – ракторга	Тук-тук, тик-тик,
Дехқон ўтир!	Тук-тук, тик-тик.

Албатта бу шаклбозлик узоқ давом этмади. Бироқ, бу мисоллар даврдаги ўзгаришлар шаклларнинг турлича кўринишини рўёбга чиқаришга имконият яратади деган фикрни исботлайди. Ўтган асрнинг 80-90-йилларига келиб ўзбек адабиётида ҳам шакл борасида янгиланишлар, турли экспериментлар вужудга кела бошлади. Ижодкорлар ўртасида табақаланиш юз берди. Зимдан ҳаёт ва адабиётга муносабат дид ҳамда савия ва эстетик қарашлараро кураш ва зиддиятлар кучайди. Хатто ёзувчилар уюшмаси иккига ажралиб, алоҳида фаолият юрита бошлади. Бунинг оқибатида нафақат кекса авлод билан ёшлар ўртасида, балки тенкурлар ўртасида ҳам муносабат нозиклашди. Бу шеъриятнинг шакли ва мазмунининг ўзгаришга ҳам жиддий таъсир қилди. Мазмун ва ғояни ифодалашда янгиликка эришишга интилаётган ижодкор турли қийинчиликларга учрайди. Уни енгиб чиқиш учун турли усулларга қўл уради, ютоқиб янгича шакл излай бошлайди.

Истиқлол даври адабиётининг илк босқичида хусусий матбуот ва нашриётларнинг пайдо бўлиши ва умуман, жамиятда, фикрлашда ошкоралик, эркинлик турли даражадаги паст-баланд, қинғир-қийшиқ, кўпинча, ўта саёз асарлар оқимининг пайдо бўлишига олиб келди. Баъзи қаламкашлар тўғридан-тўғри Ғарб адабиётига тақлид қила бошладилар.

Таклидчилик эса ижодкорни ҳеч қачон рўёбга чиқармайди. Даврнинг ўзи шоирлардан янги шеърӣй шаклларни талаб қила бошлади. Бу талабга биринчи бўлиб Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева, О.Матжон, О.Мухтор, А.Обиджон каби шоирлар жавоб бердилар. Масалан, инсоннинг ҳижрон ва вафо соғинчини босиқ оҳангларда куйлашга мослашган ғазал жанри Э.Воҳидов учун замоннинг ўта сиёсий, исёнкор масалаларини кескин публицистик оҳангда баён этишга хизмат қилди. Ёки А.Ориповнинг чуқур дард билан суғорилган шеърлари истиқлол мазмунининг кучи билан бир қадар қисқа ва кескин шаклга кирди. О.Матжон юрт озодлиги, халқ тафаккуридаги тўлғоқларни ифодалаш учун “Ҳамса” шакллариға мурожаат қилди. А.Обиджон эса шеърӣятда мазмун ва шаклнинг мутаносиблигини ўзининг уста Гулмат тилидан айтилган ғазаллари, бир сатрдангина иборат “игнабарг шеърлар”и, икки мисрадан ташкил топган “фард”лар (рақамлар билан белгиланган) шаклида баён қилди. Сиз унинг ижодини амалий машғулотда ўрганганингизда ихчам шаклларда кучли киноя орқали замон иллатлари фoш этилганиға, яъни мазмуннинг кичкина хумға солинган олтин сингари ярқираб туришиға эътибор беринг. Шоир жуда катта ижтимоӣй мазмунни “игнабарг шеърлар”ида бир сатрга, “фардлар”ида икки мисраға, “Уч чаноклар”ида уч қаторға сиғдира олишнинг устидан муваффақиятли чиқа олди. Уларни ўқиган ўқувчи чуқур ўйға толади, фикрлайди, хулоса чиқаради. Бунинг учун унинг ўзи ҳам катта билим заҳирасиға эға бўлиши талаб этилади. Масалан, мана бу сатрларни шарҳланг-чи:

Қармоқ солсам, кулфат илинди.

* * *

Ухласа, сал ҳалол яшайди.

* * *

Ёлғон тарих шол қилди мени.

* * *

Қарз олсанг, соқовдан ол.

* * *

Итни итға тишлатиб, вақти чоғдир итбоқар,

Бўлди мажруҳ икки ит, ўзи соғдир итбоқар

* * *

Кириб олдинг хонамға,

Ҳеч бўлмаса боламға

Сўйла менинг тилимда

* *

Очсам тарих китобин,

Хўжайин чўзиб олтин,

Дер: “Қилсанг-чи маишат!”

Бу ихчам шаклларда баён этилган мазмунни изоҳлаш, тушунтириш учун қанча вақт, неча қоғоз керак. А.Обиджоннинг шакл ва мазмун борасида ўтказаетган экспериментлари ғоят муваффақиятли чиқаетганини, А.Қодирий айтганидек, “Сўз қолип, фикр унинг ичига куйилган ғишт” бўлишиға эришаетганини, “сўз сўйлаш ва улардан жумла тузишда узoқ андиша”ға риoя қилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Фарида Афрўз, Фаҳриёр, Баҳром Рўзимухаммад, Шермурoд Субҳон, Абдували Қутбиддин каби шоирлар ҳам янги шакллар излаш, унга мутаносиб маънони сиғдира олиш борасида жиддий изланишлар олиб бoраётирлар. Масалан, Ф.Афрўз ҳам кўплаб уч мисралик шеърлар яратди ва уларни ўқувчисиға “тасбеҳлар” деб тақдим этди. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев эса шоира Ф.Афрўз тасбеҳ жанриға асос солди деб айтди. Шу олим А.Суюннинг “Эй дўст!” туркумидаги беш мисралик шеърларини “қайирма” жанри деб эълон қилди. Бу шаклларнинг илдизлари ўзимизнинг кўҳна Шарқ адабиётида ҳам мавжудлигини инобатға олсак, уларға алоҳида жанр деб баҳо бериш ортиқчалиги сезилиб қолади.

Шакл борасида кўпдан бери турли экспериментлар ўтказётган шоирлардан бири Фахриёрдир. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев айтганидек, аввало, “Фахриёрнинг шеърларини ўқиш ҳам, уқиш ҳам, таъсирланиш ҳам унчалик осон эмас” (“Ёниқ сўз”, Т., “Янги аср авлоди”, 2006). Чунки у ўз тафаккурида пайдо бўлган ўй, нарс ва ҳодисаларни, ҳис-туйғуларни турли шаклларда ифодалашга уринади. Шоир биринчи галда бой ўзбек тилидаги сўз шаклларига (“Суйгулим, суй, гулим, суйгу лим” каби), геометрик формулаларга эътибор беради, шеърда айтмоқчи бўлган мазмунни чизма шакллар воситасида ифодалайди. Унинг шакл борасидаги изланишларига синчиклаб қаралса, мумтоз Шарқ шеърлятидаги ҳарфлар санъати (“жоним”даги “жим”...), Ғарб адабиётидаги каллиграфия санъати, график усул, кубизм йўналиши таъсир этганлигини англаш қийин эмас. Сиз амалий машғулотларда шу санъатлар билан боғлаб таҳлил қилсангиз, шаклнинг мазмунни ифодалашдаги ўрни ва ролини очган бўласиз.

Хуллас, оташнафас шоир Чўлпон устози Фитратга бағишланган шеърида “Сен сўзга ипакдан кўйлақлар кийгаздинг” деб ёзганида шоир шеърларининг мазмуни шаклига ниҳоятда мос келишига урғу берганиди. Бинобарин, ҳар қандай фикр, мазмун ўзининг гўзал шаклига муҳтождир. Шундагина у ўқувчи калбидан муносиб ўрин олади ва узок яшайди.

Назорат саволлари:

1. Шакл ва мазмун ҳақида маълумот беринг.
2. Шакл элементларини аниқланг.
3. Мазмун элементларини аниқланг.
4. Шаклбозликка берилишнинг оқибати бахайрми?
5. Шеърлятдаги футуризм, символизм, хаттотлик санъати, географик фигуралар ҳақидаги тушунчангиз?
6. Ҳозирги шеърлятдаги мавжуд шакллар ва уларнинг мазмунга муносиблиги ҳақида гапиринг.

5-МАВЗУ: ЛИРИК ШЕЪРЛЯТДА МЕТОД ВА УСЛУБ

АДАБИЁТЛАР:

1. И.Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 2005.
2. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Дарслик. Т., “Ўзбекистон”, 2002.
3. Д.Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. Дарслик. Т.. “Фан”, 2007.
4. Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т., “Академнашр”, 2010.

Р Е Ж А :

1. Адабиётда метод ва услуб масалалари.
2. Ижодий методнинг ўзига хослиги.
3. Адабий ижодда услуб ва унинг ранг-баранглиги.

Барча луғатларда метод грекча (юн.) сўз бўлиб, тадқиқот, тадқиқ усули деб изоҳланган. “ЎЗМЭ”да (5-т) бунга қўшимча равишда “билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот” каби маънолар қўшилади. Барча манбалардаги изоҳларни бирлаштириб туриб, методга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **метод деганда ҳаётни эстетик нуқтаи назардан ўрганиш ва ўзлаштириш, уни бадиий жиҳатдан ифодалаш ва баҳолаш, адабиёт ва санъатнинг бадиий ижодга хос бир-бири билан ўзвий боғланган бир қанча барқарор хусусиятлар, асосий принциплар ҳамда тасвирлаш воситалари, воқеликни амалий ва назарий томондан чуқур эгаллаш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси тушунилади.**

Демак, ижодий метод борлиқ ҳодисаларини танлаш, умумлаштириш ва баҳолаш принципларидир. Ёзувчи асар ёзиш давомида ижодий методнинг қуйидаги тамойилларига амал қилади: а) метод воқеликни акс эттириш усулидир; б) ҳаётни типиклаштириб тасвирлайди; в) асар ғоясини ташувчи образларни ўзаро қиёслади ва ривожланишда кўрсатади; г) ёзувчи ҳаётини воқеларни танлайди ва баҳолайди; д) санъаткор воқеликка

ижодий ёндашади, яъни қайта куради. Янада аниқроғи, акад. И.Султон айтганидек, ижодий метод масаласи, даставвал, санъаткорнинг ҳаётга, воқеликка муносабати масаласидир. Шунга кўра, у ёки бу давр адабиёти методини ўрганишда шу даврда яшаган ва ижод қилган сўз санъаткорларининг ўз замони ҳодисаларига қандай муносабатда бўлганлигига эътибор бериш керак. Шу нуқтаи назардан, метод адабиётнинг маълум бир тараққиёт босқичида ҳаёт тақозосига кўра устивор йўналишга эга бўлиши мумкин. Масалан, ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб умумсовет адабиётида ягона метод қарор топди ва у “социалистик реализм” деб аталди. Бунгача адабиётда классицизм, романтизм, реализм каби методлар мавжуд эди.

Классицизм (лот. намунавий) XVII аср бошида Францияда дунёга келган бўлиб, антик адабиёти ва санъатининг энг яхши томонларини ўзлаштириб, ҳаётдаги энг ибратли воқеа-ҳодисаларни тасвирлашга мойил методдир. Классицизм методида яратилган драмаларда ҳаёт ҳам, қаҳрамонлар ҳам ўта назокатли, маданий ва бой қилиб кўрсатилган. Классицизм Европа мамлакатлари ва Россияга XVIII асрнинг 30-йилларида кириб келди. Рус классицизми Ғарбий Европа классицизми методидан рус давлати қудратининг тобора ортиб, мустақамланиб бориши билан боғлиқ бўлган миллий-ватанпарварлик ғоясини кўпроқ тасвирлашга эътибор бериши жиҳатидан фарқ қилади. Европа ва рус адабиётида XIX аср ўрталарида классицизм ўрнига кириб келган романтизм методи ҳаётнинг ўзидан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзу-умидларни тасвирлаш принципига асосланади. Кўплаб манбаларда метод деб берилган романтизм атамаси Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиеваларнинг “Адабиётшунослик луғати”да “адабий йўналиш” деб берилади.

Қандай аталишидан қатъий назар, классицизм ва романтизмга хос хусусиятлар буюк Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётида X-XII асрлардаёқ намоён бўлган. Бунинг учун Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳийбат ул-хақойиқ”, Фирдавсийнинг “Шохнома”, А.Навоийнинг “Хамса” сингари асарларида илгари сурилган ғоя ва тасвирланган қаҳрамонларни эсланг ва таққосланг (изоҳлаб бераман).

Лотинча “мавжуд, бор нарсa, ҳақиқий” деган маъноларни англатган реализм методининг адабиётга қачон, қаерда кириб келганини, унга ким биринчи бўлиб асос солганини аниқ (конкрет) ҳал этишга эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки адабиёт дунёга келган кунидан бошлаб, ҳаётда юз берган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний (реал) тасвирлашни одат қилган. Албатта, ёзувчи фотограф вазифасини бажармайди, яъни у ҳаётдан нусха кўчирмайди. Агар ҳаётда қандай бўлса, шундай акс эттирса, у натурализм бўлади. Ёзувчи ўзи тасвирламоқчи бўлган воқеа-ҳодисаларга, одамлар киёфаси ва табиатига керак ўринларда бўёқ беради, тўқима эпизодлар киритади, манзаралар чизади. Буларнинг барчасини ғоявий ниятига мослаб тасвирлайди ва шубҳасиз, ҳаёт ҳақиқатидан чекланмаган ҳолда бажаради. Воқеликни ҳаётга монанд тарзда акс эттириш қадимдан мавжуд экан, демак реализм методининг илдизлари ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Буни турли даврлар адабиётида ҳаётга ҳаққоний муносабат билдиришнинг даражасига қараб берилган баҳо (сифатлаш)лар ҳам исботлайди. Шунга кўра адабиётшуносликда антик (ёки мифологик) реализм, уйғониш даври реализми, маърифатпарварлик реализми каби атамалар ҳам ишлатилган. Реализм бадиий адабиётнинг доимий ва мангу йўлдошидир.

Ўтган асрнинг 30-йилларига келиб, адабиётни ўз сиёсатига бўйсундиришга уринган совет ҳукумати социалистик реализм методини ўйлаб топди ва уни адабиётнинг ягона ижодий методи деб эълон қилди. Бу метод талабига кўра асар қаҳрамони албатта, қашшоқ синф вакили бўлиши, онги инқилобий воқеалар ёрдамида ўсиб бориши, агар бошқа миллат вакили бўлса, рус инқилобчисининг ёрдамида шаклланиши, раҳбар даражасига кўтарилиши, ўз душманларини қийинчиликсиз енгиши, фаровон ва бахтли турмушга эришиши керак эди. Шу қолипга солинган кўплаб асарлар ҳозир рўйхатдан ўчиб кетди (айрим мисоллар айтиб бераман).

Хайриятки, соцреализм методининг умри нисбатан қисқа бўлди. XX асрнинг 70-80-йиллариданоқ у ҳаёт ҳақиқатини рўй-рост, тўлақонли ва ҳаққоний ифодалаш талабларига

жавоб беролмай қолди. Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева шеър ва дostonларида социалистик реализм талабларига мос келмайдиган талай янгиликлар рўёбга чиқди. 90-йилларга келиб бу метод тамомила барҳам топди.

Истиқлол адабиётида метод эркинлиги мавжуд. Ижодкор ўз кўнглидаги гапни истаган метод, оқим ёки йўналишда айтиш эркинлигига эга. Шу боис ҳозирги шеърятда том маънодаги реализм билан бирга романтизм ҳам, модернизм ҳам, абсурд ҳам, экзистенциал ижод намуналари ҳам, сентиментал шеърлар ҳам кўплаб яратилмоқдаки, бу ўзбек адабиётини фақат бойитмоқда. Аммо бу бойликнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш фойдалидир.

Француз табиатшуноси Бюффон Жорж – Луи Леклеркнинг таъбири билан айтганда, “услуб бу одамдир”. Демак, у ижодга оид ҳамма нарсани ўзига қамраб олади. Услубни белгиловчи хусусиятлар адабий асарнинг шаклидан тортиб мазмунигача бўлган барча нарсани ўзида мужассамлаштиради. Услуб бу ижодкорнинг ўзлигини намоён этадиган адабий ҳодиса бўлиб, у:

- 1) муаллиф дунёқарашини;
- 2) танлаган ижодий методини;
- 3) ғоявий ниятини;
- 4) ижодий фантазияни;
- 5) истеъдод салоҳиятини;
- 6) типиклаштириш маҳоратини;
- 7) ҳаётий материални қалб призмасидан ўткази олиш қобилиятини;
- 8) эстетик идеал ва уни асарнинг бадиий тўқимасига сингдири олишини;
- 9) адабий жанрни аниқлаш ва унинг имкониятларидан фойдалани олиш;
- 10) баёнга хос нутқ типини танлай билиш ва сўздан фойдаланиш санъатини эгаллай олиш;
- 11) ифода усулини танлай билиш;
- 12) мазмунга мутаносиб шакл топа билиш каби кўплаб фазилатларни ўз ичига олади.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз шахсий (индивидуал) услуби ва маълум бир даврда шаклланган умумий адабий услуб бўлиши мумкин. Масалан, Навоий услуби, А.Қаххор услуби, Э.Воҳидов ёки У.Азим услуби, Уйғониш даври адабиёти услуби, жаҳид адабиёти услуби каби. Адабий услубнинг шаклланишида маълум давр ижодкорларининг умумий мақсадида муштарак хусусиятлар муҳим ўрин тутди. Масалан, жаҳид адабиётига хос умумий услубий йўналишни олиб кўрайлик. Маълумки, жаҳид боболаримизнинг бош мақсади халқни маърифатли қилиш, шу йўл билан Туркистон мустақиллигига эришиш эди. Мана шу мақсад уларнинг ижодий услуби муштараклигини белгилашда муҳим рол ўйнади. Улар қандай жанрда асар яратишмасин (асосан драма ва ҳикоя), уларда жаҳолат ва маърифат ўртасидаги курашни оталар ва болалар можароси асосига қурадилар. “Демак, услуб фақат ижод жараёни, конкрет ижодкор билангина эмас, маълум даражада адабий жараён билан ҳам боғлиқ категория экан” (Қаранг: Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. - 2010). Ҳозирги адабий жараёнда услубнинг ҳар икки кўриниши ҳам (умумий ва хусусий) мавжуд. Мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш ғояси Ўзбекистонда ижод қилаётган барча қаламкашларни бирлаштирди. Айни чоғда Ватан, ватанпарварлик, юрт озодлигини қўйлаётган шоирлар улкан бир симфоник оркестрга бирлашган созандаларга ўхшайди. Биласиз, оркестрда иштирок этаётган созандаларнинг ҳар бири алоҳида чолғу асбоби билан қатнашадилар. Ҳар бир сознинг овози ўзига хос эшитилади (бу ижодкор услубининг индивидуаллиги) ва бир пайтнинг ўзида симфоник оҳангни бойитади (бу умумий услуб). Албатта бу оркестрнинг умумий оҳангига тушмаётган чолғу асбоблари ҳам бор. Бундай ижодкорлар ўз услубини шакллантириш ва оригиналликка эришиш йўлида жиддий ишлашларига тўғри келади.

Ҳозирги ўзбек шеърятини услубларнинг ранг-баранглиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Э.Воҳидов, А.Орипов, С.Саййид, И.Отамурод, И.Мирзо кабиларнинг

услуги ўзига хослиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов Ватан мустақиллигини ҳам аруз, ҳам бармоқ вазнида, ҳам ҳазил, ҳам ҳажвий шеърларида ўта босиқлик ва содда услубда куйлайди. Эркин улуғлар экан, Э.Воҳидов мумтоз адабиётимиздаги кўҳна булбул тимсолига мурожаат қилади ва унинг янги қиррасини очади:

Бир-бирига навбат бермай қўшиқ айтди булбуллар,

Шукур бўлсин, боғимизга яна қайтди булбуллар.

Ниҳоятда босиқлик билан айtilган бу содда мисралар ўқувчини ҳам маҳзун ўйга толдиради, ҳам ифтихор туйғусини уйғотади, ҳам унинг янги маъноларини ўйлашга ундайди (Сиз шу айtilганлардан улгу олиб, амалий ва семинар машғулотларида шоирлар услубини аниқланг).

Энди ҳозирги ўзбек шеърлятида Ватан мавзусининг ёритилишидаги услубнинг умумийлиги ва индивидуаллигига битта мисол келтирай. Ўзбекистон халқ шоири С.Саййиднинг “Бевафолик” номли шеърида шундай сатрлар бор:

У не янглиғ халқ бўлғайдир, миллат бўлғай,

Элнингким ўз пешвосига вафоси йўқ.

Биз Ватанни она деймиз, лекин нечун

Фарзандининг онасига вафоси йўқ.

Ниҳоятда куюнчақлик ва дард билан айtilган фикрлар Сизга Чўлпоннинг “Халқ” шеъридаги унинг кудратига бўлган буюк ишончини, А.Ориповнинг “Қачон халқ бўласан, сен эй оломон?!” сатрини, Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини, М.Юсуфнинг “Халқ бўл, элим” шеъридаги куюнчақликни эслатмадими?

Хуллас, метод ва услуб ҳақида кўп гапириш мумкин. Улар бир-бирини тақозо этади, тўлдиради, бойитади ва давом эттиради. Санъаткор қайси методда ижод қилмасин, кўнглидаги ғоявий ниятини ўзига хос услубда ифодалашга масъулдир. Шундагина унинг асари мангуликка дахлдор бўлади.

Назорат саволлари:

1. Метод нима? Унинг таърифини айтинг.
2. Метод тамойилларини сананг.
3. Классицизм методининг моҳияти нимада?
4. Романтизм қандай метод?
5. Реализм методига таъриф беринг.
6. Нима учун социалистик реализм методининг умри қисқа бўлди?
7. Услуб деганда нимани тушунасиз?
8. Услуб фазилатларини сананг.
9. Адабий услуб билан шахсий услубнинг умумийлиги ва фарқи нимада?
10. Ўзингиз севган шоирлардан бирининг индивидуал услубини аниқланг.

6-МАВЗУ: ЛИРО-ЭПИК ТУР РИВОЖИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 1-жилд. Т., “Фан”, 1992.
2. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
3. И.Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 2004.
4. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Дарслик. Т., “Ўзбекистон”, 2000.
5. Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т., “Академнашр”, 2010.

РЕЖА:

1. Лиро-эпик тур ҳақида маълумот.
2. Лиро-эпик тур жанрлари ва улар структурасидаги ўзгаришлар.
3. Замонавий ва тарихий мавзудаги дostonлар.

4. Шеърӣй романлар ҳақида.

Лиро-эпик тур атамаси Аристотель “Поэтикаси”сида ҳам, В.Г. Белинский асарларида ҳам алоҳида адабий тур сифатида тилга олинмаган. Табиийки, улардан сўнг яратилган барча манбаларда ҳам бу тур ҳисобга олинмайди. Уч адабий турнинг эпос деб номланган турида ҳикоя, қисса ва романлар қаторида достон (поэма) жанри ҳам тилга олинади. Масалан, Сизга тавсия этилган илмий адабиётларнинг барчасида шундай таснифга дуч келасиз. У ҳолда нега биз тўртинчи адабий тур сифатида лиро-эпик асарларни киритяпмиз?

Маълумки, ҳар бир адабий тур ўз шакли-шамойилига эга: лирика-шеърӣй, эпос-насер, драма эса – ҳаракат ва диалог асосида дунёга келади. Ҳам шеърӣй, ҳам насрий ёзилган, баъзан диалоглар ҳам аралашиб қоладиган асарлар қайси турга киради? Бу масала кўп асрлар давомида адабиётшуносларни ўйлантириб келаётган бўлса-да, ҳеч ким уни кўтариб ҳал қилишга журъат этмади. Ҳатто профессор Б.Саримсоқов “Тўртинчи адабий тур” сифатида лиро-эпик асарларни эмас, паремия турини таклиф қилади (қаранг: Б.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т., 2004). Гарчи адабий турлар қаторида лиро-эпик тур номи ишлатилмаса ҳам айрим дарсликлар, қўлланмалар, монография ва тадқиқотларда бу атама ишлатиб келинади. Биз бадиий адабиёт тараққиётини, ундаги сифат ўзгаришларни, жанрлар моҳияти ва структурасини инобатга олиб, лиро-эпик турни алоҳида рўйхатга олишни, уни жанрлар асосида тасниф этишни ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишни лозим топдик. Адабиёт тарихидан яхши хабардор мутахассислар учун лиро-эпик тур бор ва у яшайди.

Демак лиро-эпик тур ўз қурилиши ва тасвирлаш объектига кўра бошқа гуруҳга хос асарлардан фарқ қилади. Бу турга оид асарлар воқеликка асосланган бўлиб, лирик чекинишлар билан баён қилинади. Лиро-эпик турга қуйидаги жанрларни киритиш мумкин:

1. Масал.
2. Баллада.
3. Достон (поэма).
4. Шеърӣй роман.

Адабиётшунос Д.Қуронов “Адабиётшуносликка кириш” дарслигида кичик эпик шакллар сифатида латифа, масал, ҳикоят, ривоят, эртақ, афсона, бадиа, этюд, очерк, эссе кабиларни ҳам рўйхатга олади. Албатта, уларни шартли тарзда қабул қилиш мумкин. Аслида латифа, афсона, эртақлар фольклорга, ҳикоят, ривоят, бадиа, очерклар эпик турга мансубдир. Эссе эса адабий танқидчилик жанри сифатида тан олинган. Буларни олимнинг ўзи ҳам тан олади ва шартли равишда “уларни турдан ташқари формалар деб тушуниш тўғрироқ бўлади” дейди. Шундай қилиб, лиро-эпик тур жанрлари сифатида юқоридаги 4 хил асарларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Масал ўзбек адабиётидаги энг қадимий ва кенг тарқалган жанрлардан биридир. Унинг илк намуналари А.Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидан ўрин олган “Шеру Дуррож”, “Қабулар”, “Ёлғончи”, Гулҳанийнинг “Зарбулмасал”идаги “Тошбақа билан Чаён”, “Маймун билан Наҷжор”, “Туя билан Бўталок” кабилардир. Бу жанрларга хос асарлар ундан ҳам олдинроқ Юнон адипи Эзоп томонидан ҳамда “Қалила ва Димна”, “Қобуснома” каби ёдгорликларда яратилган.

Хўш, масал нима? У қандай хусусиятларга эга? А.Зуннунов ва Н.Ҳотамовнинг ўрта умумтаълим мактаблари учун чиқарилган “Адабиёт назарияси” номли қўлланмасида масал ҳақида қуйидагича ёзилган: “Масал лиро-эпик асарларга (!) мансуб жанрлардан бири бўлиб, асосан шеърӣй шаклдаги, мажозий характерга эга қисқа сюжетли асардир. Масалларнинг тарбиявий аҳамияти ғоят катта бўлиб, инсон характериға хос хусусиятлар ҳайвонлар, ўсимликларға кўчирилади”. О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддиновларнинг “Ўзбек классик шеърӣяти жанрлари” (1979) номли китобида “Масал арабча сўз бўлиб, ўрнак, мақол, ҳикоят маъноларини билдиради. Масалда турмуш ва ундаги воқеалар,

инсонлар ҳаёти киноявий образлар орқали тасвир этилади. Унда аксар ҳолларда ҳайвонлар, қушлар, баъзан эса нарсалар-предметлар образи яратилади” деб таъриф берилган.

“ЎзМЭ”да масал ҳақида шундай ёзилган: “Масал (араб. намуна, мисол) – дидактик адабиёт (?) жанри. Таълимий характердаги, аксарият кичик шеърӣ, баъзан насрий шаклдаги асар. Масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга хос ижтимоӣ ҳодисалар, муносабатлар қушлар, ҳайвонлар орасидаги муносабатлар ва табиат ҳодисалари воситасида акс эттирилади. Мазмуни мажоз асосига қурилади, комикликнинг ва киноянинг, ижтимоӣ танқид мотивининг устунлиги масалга ҳажвий руҳ бағишлайди” (5-ж., 498-б.). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эга қуйидагича қисқа изоҳ берилади: “Масал (а. намуна, андоза, ўхшашлик; рамзий ҳикоя). 1. Кишиларга ўғит бўладиган, ҳулосали, кичик мажозий ҳикоя” (2-ж., 549-б.).

Бу таърифу изоҳларга қўшимча ва аниқлик киритиб, уларни тартибга соламиз-да, масалга қуйидагича таъриф берамиз: **“Масал лиро-эпик турнинг фаол ва кўҳна жанрларидан бири бўлиб, бундай асарларда икки ёки ўндан зиёд персонаж иштирок этади (уларнинг бири-муаллиф). Асар баёни кинояга асосланади. Сиртдан қараганда баён этилаётган ҳодиса уч қисмдан ташкил топгандек (кириш, асосий воқеа ва ҳулоса) туюлса ҳам сюжети бир тўғун асосида ривожланади ва ечим топади. Масалдаги персонажлар мажозий характерга эга бўлади”.**

Масал XX аср ўзбек адабиётида шоир, драматург, маърифатпарвар олим А.Авлоний томонидан янгиланди ва ривожлантирилди. Адиб дастлаб рус масалнависи И.А.Крилов асарларини таржима қилди ва ўзининг “Мактаб гулистони” номли асарида эълон қилди. Ўзи ҳам кўплаб ибратли масаллар яратди (бу ҳақда қаранг: Ё.Солижонов. Зулматдан нур қидирганлар. Ўқув қўлланма. Т., 2007. 24-30-б.).

Лиро-эпик тур жанрларидан яна бири Ғарбий Европада кириб келган баллададир. Бу атама французча-лотинча сўз бирикмасидан тузилган бўлиб, ***бал ва ода***, яъни ***базмда айтилган қўшиқ, рақс тўшмоқ*** деган маъноларни англатади. Баллада драматик, трагик, қаҳрамонона воқеа-ҳодисаларни романтик метод асосида, кўтаринки услубда акс эттирувчи поэтик жанрдир. Унинг илк намуналари Францияда яратилган. XIV-XV асрларда француз классик шеъриятида 28 мисрадан ташкил топган лирик шеърлар баллада деб аталган. Балладанинг структурал қурилиши катъий қоидаларга бўйсунди. Баллада тўрт бандга бўлинади. Унинг уч банди 8 мисрадан (24 мисра), охириги банди 4 мисрадан иборат бўлиши шарт. Ана шу 4 мисралик охириги банд “бағишлов” деб аталади. Биринчи банднинг сўнгги мисраси қолган ҳамма бандларда такрорланиши шарт. Балладанинг дастлабки уч банди а-б-а-б= б-с-б-с; “бағишлов” банди эса б-с-б-с тарзида қофияланган. Италия ва Англияда баллада бироз структурал ўзгаришларга учради.

Баллада ўзбек адабиётига XX асрнинг 20-30-йилларида кириб келди ва жиддий структурал ислохотлар (ўзгаришлар)ни бошидан кечирди. Аввало, ўзбек адабиётида баллада ҳажман кенгайди. Бундан ташқари XX асрнинг 30-40-йилларида баллада кўпроқ қаҳрамонона воқеаларни тасвирлашга бағишланган (Ҳ.Олимжоннинг “Жангчи Турсун”, “Роксананинг кўз ёшлари”, М.Шайхзоданинг “Капитан Гастелло”, “Муҳаммад тўпчи” каби) бўлса, 80-90-йиллар ва мустақиллик даври адабиётида мазмунан ҳам ўзгариб кетди. Масалан, У.Азим, Х.Даврон, М.Юсуф, Э.Шукур, Т.Жўра каби шоирлар “баллада” деб тақдим этган асарлар юқоридаги талабларнинг биронтасига жавоб бермайди. Жанр сифатида фақат номи қолди холос.

Лиро-эпик турнинг энг йирик жанри дoston (поэма)дир. Бундай асарларда баён қилинаётган воқеа лирик қаҳрамон муносабати орқали ифодаланади. Чунки дoston мазмуни асосида лирик йўналишда ёритилган сюжет ётади. Сюжет элементларини қай тарзда жойлаштириш, яъни асар шаклини лойиҳалаштириш муаллиф маҳоратига боғлиқдир. Истиклол йилларида яратилаётган дostonлар ўзининг шакли-шамойили билан ҳам, мазмуни ва ғоявий йўналиши билан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлмоқда. Бу давр дostonчилигида инсон қалбини чуқурроқ тадқиқ этиш, лирик кечинмалар қўламини кенгайтиришга эътибор кучайди. Уларда воқелик қамрови кенгайди, замонавий руҳ

кучайди, мазмун ва шакл бирлиги янада мустаҳкамланди. Лирик қаҳрамоннинг тафаккур оламидаги эврилишлар мукамалроқ ифодалана бошлади. Сиз дoston жанрининг тарихи, унинг ўзига хос жанр хусусиятлари, тараққиёт босқичлари тўғрисида юкори курсларда сабоқ оласиз. Биз эса ҳозирги адабий жараёндаги дostonларнинг фазилатлари, улардаги айрим етишмовчиликлар хусусида тўхталайлик.

Кейинги йилларда адабий ҳаётда юз берган ижобий ўзгаришлар, хусусан, тарихий мавзуга муносабатнинг янгиланиши дoston жанрига ҳам хосдир. Халқимиз тарихидаги оқ доғларни йўқотиш, қора доғларни ювиш ниятида кўпчилик ижодкорлар ўтмишда муҳим ўрин тутган, аммо адабиёт саҳифаларига киролмаган тарихий сиймолар ҳақида дostonлар яратишга киришдилар. Бу йилларда, айниқса, Амир Темур ва темурийзодалар фаолияти мавзуси дostonларда кўп ишланди. Мавзунинг қаҳрамонона моҳиятини инобатга олган ҳолда драматик дoston шаклида яратилиши бу жанрнинг имкониятларини янада кенгайтди. А.Ориповнинг “Соҳибқирон” драматик дostonи, М.Жалилнинг “Соҳибқирон”, А.Суюннинг “Сарбадорлар”, У.Азимнинг “Халил Султон” дostonлари, Олимжон Бўриевнинг “Амир Темур” деб аталган шеърый романи Соҳибқирон бобомизнинг ўзбек ўқувчисига маълум бўлмаган қирралари тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, Ш.Қурбоннинг “Темур Малик”, “Сўз йўли” (Навоий ҳақида), М.Юсуфнинг “Кўҳна қудуқ”, “Қора куёш”, Э.Самандарнинг “аждоғлар қиличи” (Ж.Мангуберди ҳақида) сингари дostonлари ҳам улуғ аждоғларимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Замонавий мавзуда ҳам кўплаб дostonлар дунёга келди. Бундай мавзудаги дostonлар руҳига истиқлол ғояси сингдирилганлиги, чуқур миллийлик билан суғорилгани аҳамиятлидир. А.Суюннинг “Иморат”, “Ўзбекистон”, И.Отамуроднинг “Узоқлашаётган оғрик”, “Тағазул”, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, Ш.Қурбоннинг “Укажонлар, сингилжонларим”, “Бир қалб манзараси”, Т.Сулаймоннинг “Эргаш Жуманбулбул эл кезади”, Т.Низомнинг “Чўлпон”, “Оқ гул”, “Хумо”, О.Мухторнинг “Буюк бир муҳаббат”, Т.Аҳмаднинг “Фигон” номли дostonлари шулар жумласидандир. Агар А.Суюн билан Т.Сулаймоннинг дostonлари бахшиёна усулда ёзилгани билан ажралиб турса, О.Мухтор асари теран публицистик руҳнинг кучлилиги билан эътиборни тортади. Тўғри, бу дostonлар орасида ҳали юксак бадиийлик даражасига кўтарилмагани, шакл ночорлиги туфайли мазмуннинг мукамал ифода этилмаганлиги, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари тўлароқ очилмаганлари ҳам учрайди. Шунингдек, тарихий мавзуда ёзилган дostonларда недурки, мустақиллик бизга тарихимизни ёритиш имконини берди деган фикр билан ҳақиқатдан чекиниш, тарихий шахслар образини идеаллаштиришга уриниш ҳоллари учрайди. Булар, шубҳасиз, дostonчилик тараққиётининг тақомилига маълум даражада путур етказади.

Лиро-эпик турнинг ҳажман энг катта, шаклан ранг-баранг, мазмунан бой жанри шеърый романдир. Шеърый роман дostonга нисбатан камҳосил, аммо структурси жиҳатдан илдици чуқур. Гарчи шеърый роман атамаси бизга Ғарбий Европа ва рус адабиёти орқали (А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” асари) кириб келган бўлса-да, бу жанр талабларига жавоб берадиган асарлар ўзбек адабиётида Х-ХI асрлардаёқ дунёга келган. Фирдавсийнинг “Шохнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳийбат ул-ҳақойик” сингари фанда дoston сифатида қабул қилинган асарлар катта ижтимоий-маърифий воқеликка асосланганлиги, персонажларга бойлиги, сюжет қурилишининг мураккаблиги билан шеърый роман дейишга арзийди. А.Навоий “Хамса”си ҳам тўла маънода шеърый роман бўла олади.

Ўзбек адабиётида шеърый роман номи билан эълон қилинган биринчи асар Мирмуҳсиннинг “Зиёд ва Адиба”сидир (1959). 70-йилларга келиб Ҳ.Шариповнинг “Бир савол”, М.Алининг “Боқий дунё”, С.Акбарийнинг “Кўкан бобо” каби шеърый романлари дунёга келди. Янги аср бошида яратилган Олимжон Бўриевнинг “Амир Темур” асари ҳам шу ном билан аталган. Шеърый роман яратишда шоир Б.Бойқобилов ҳаммадан ўзиб кетди. У мустақилликнинг дастлабки 10-йиллигида дастлаб “Навоийнома”, кейинроқ “Янги Хамса” деган ном остида 5 та (“Нотинч Хуросон”, “Шукуҳли қарвон”, “Сокин Хуросон”,

“Қонли Хуросон”, “Ҳайрат ул-Аҳрор”), “Дебача” ва “Хотима”дан ташқари 7 фаслдан ташкил топган “Ўзбекнома” (844 бет) “шеърый роман”ларини тақдим этди. Аммо улар адабий жамоатчилик томонидан чин маънодаги шеърый роман сифатида тан олинмади.

Шунга қарамай, лиро-эпик йўналиш адабий тур сифатида яшамокда ва юқоридаги тилга олинган жанрлар озми-кўпми дунёга келиб, адабиётимиз хазинасини бойитмокда.

Назорат саволлари:

1. Лири-эпик тур мавжудми? Турнинг ўзига хослигини айтинг.
2. Турнинг жанрларини сананг ва масал ҳақида маълумот беринг.
3. Баллада нима? Ўзбек адабиётида қандай ўрин тутди?
4. Достон жанри ҳақида гапиринг.
5. Тарихий мавзудаги достонларни айтинг.
6. Замонавий мавзудаги достонлар ҳақида фикр билдириг.
7. Шеърый роман қандай бўлади?

7-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЭПИК ТУР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ РЕЖА:

1. Эпик тур ҳақида маълумот. Унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. XX аср охири ва XXI аср бошларида ўзбек адабиётида эпик тур такомил.
3. Ҳозирги ўзбек насрига Ғарб адабиётига хос хусусиятларнинг кириб келиши ва уларнинг аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6, 9, 10, 11-т. Т., 2002-2006.
2. А.Тимофеев, Н.Венгров. Краткий словарь лит-ведческих терминов. М., “Учитель”, 1963.
3. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1979.
4. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
5. И.Султонов. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 1981, 1986, 2005.
6. Т.Бобоев. адабиётшунослик асослари. Т., “Ўзбекистон”, 2002.
7. Д.Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. Т., “Фан”, 2007.
8. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., “Янги аср авлоди”, 2004.
9. Ё.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., А.Навоий номли ЎМК, 2009.
10. Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т., 2010.

Адабиёт ҳаёт кўзгуси, ҳаёт дарслиги дейилади. Чунки у кишилиқ жамияти ҳаётида рўй берган каттами-кичикми, ҳар қандай ўзгариш ва эврилишларнинг акс-садоси тарзида намоён бўлади, уларни бадиий асарларида акс эттиради. Ҳатто адабиёт ўз ғоялари, мавзуси, яратган қаҳрамонлари, бадиий тасвир йўналиши билан ўша ўзгариш ва эврилишларни (ҳатто инқилобий тарзда) тайёрлашда бевосита қатнашади ҳам. Бунинг учун биз XX аср бошларидаги жаҳид адабиёти намоёндалари илғари сурган маърифатпарварлик, истиқлол ғоялари билан 20-30-йиллардаги шўро адабиёти вакиллариининг асарларида ифодаланган социологик курашлар, ҳайбаракаллачилик, совет ҳукуматиға садоқат ғояларини таққослаб кўрайлик. Ёки II жаҳон урушиға нафрат, Ватан туйғуси... Дастлабки босқичда омма жаҳид адабиёти таъсирида ўз қадрини англаш, ҳуқуқини таниш ва ҳимоя қилишға киришиб, жасорат билан миллий озодлик кўзғолонига отланган бўлса (1916 йил), кейинги йилларда янги социалистик ҳаёт улуғланган деклоратив асарларини ўқиб, лаққа тушди. Бошида қилич ўйнатса ҳам, дорға осиб, камоққа олиб, отиб ташласа ҳам лом-мим демади. Уруш даврида партиянинг қулиға, хизматкориға айланган адабиётнинг “СССР сенинг Ватанинг, уни ҳимоя қил!” деган чақириғиға “лаббай” деб жавоб берган халқимиз миллион-миллион фарзандларидан жудо бўлди ва бу билан фахрланди. Бу адабиёт, сўз санъатининг кучли таъсир воситаси эканлигини исботлайди.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб, адабиётда яна халқни уйғотиш истаги пайдо бўлди. Бу вазифани адо этишда эпик тур ҳам лирик тур билан ёнма-ён ва кадам-бакадам ҳамкорлик қилди. Хўш, эпик турнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Бизга маълум илмий манбаларнинг барчасида “Эпос” номи билан тилга олинган эпик тур кенг маънода – “воқебанд бадиий асар, бадиий адабиётнинг ҳикоявий бир тури”; тор маънода – “халқ эпоси, оғзаки яратилган ва халқнинг қаҳрамонона ўтмишини, орзу-умидларини ифодаловчи катта эпик асарлар” деб таърифланади (Н.Хотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изохли луғати. Т., “Ўқитувчи”. 1979. 356-357-б.). “Эпоснинг спецификаси” ҳақида “Адабиёт назарияси” китобининг II томида шундай дейилади: “Том маънодаги эпоснинг (ёки эпик асарнинг) мазмун ва шаклини даврнинг умумий дунёқараши ва халқ руҳининг объектив ҳолати ташкил этади” (192). “Адабий турлар ва жанрлар” китобининг I жилдида “Эпос марказида воқеа туради; эпосда воқеа (инсон эмас) ҳукмронлик қилади. Воқеа, тарих, муҳит, объектив шароит инсондан устунбўлиб, у жамиятнинг тақдирини белгилаб беради. Мазкур воқеалар силсиласига урушлар, кўзғолонлар, инқилоблар, ҳаёт ва тарихнинг турли-туман кичик ва улкан фактлари ҳамда ҳодисалари киради” деб ёзилган (8).

Чиндан ҳам эпик асар, аввало, воқеликнинг объектив акс этишидир. В.Г.Белинский ҳам эпик турнинг бу бош хусусиятини алоҳида таъкидлайди: эпосда “воқеа-қаҳрамон-воқеадир”. Эпик асарда ижодкор оддий ҳикоячи сифатида воқелик ортига яширинади. Аммо бу эпик асарда бадиий кечинма бўлмайди дегани эмас. Профессор Б.Саримсоқов айтганидек, “Агар лирикада шахс ва унинг ҳис-туйғуларидан воқеликка қараб борилса (яъни шеърда ҳис-туйғу устивор бўлса – Й.С.), эпосда воқеликдан шахсга қараб борилади” (Б.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т., 81-бет.)

Эпосда воқелик устивор бўлар экан, унда воқелар тизими турли кўринишларда тасвирланади. Буни сюжет дейилади (лирикада эса сюжет мавжуд эмас). Сиз сюжетнинг таърифини, унинг турлари, таркиби ва элементларини “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабиёт назарияси” фанидан ўрганасиз, ўқиб оласиз. Ана шу воқеалар тизими, яъни сюжет ва уларнинг муайян тартибда ўзаро боғланиши композиция деб номланади. (лирикада композиция фикр тартибига асосланади). Воқеалар танланиб, уларни муайян тартибда ва изчилликда бериш учун қаҳрамонлар киритилади. Эпик асарда лирикадан фарqli ўлароқ, персонажлар кўпчиликни ташкил этиши мумкин. Улар иштирок этиши, муаллифнинг ғоявий ниятини ифодалашига кўра 3 тоифага бўлинади: 1. Бош қаҳрамонлар; 2. Асосий қаҳрамонлар; 3. Эпизодик қаҳрамонлар. Бош ва асосий образлар характер даражасига кўтарилиши талаб этилади. Асар қаҳрамонлари воқеалар тизимини ҳаракатга келтиради ва динамикасини таъминлайди.

Эпик асар воқеалари ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар ўзаро тўқнашув – конфликт асосида ривожланади. Конфликт бадиий асарда мотор вазифасини бажаради. Персонажлар ҳаракати ва фаолияти маълум замон ва маконда рўй беради. Буларнинг барчаси бадиий ижод учун зарурий шартлар ҳисобланади. Ушбу шартлар таъминлангач, ижоднинг энг қийин ва оғир босқичи – бош мақсадни аниқлаш жараёни бошланади. Ёзувчи онгини, қалбини чулғаб олган, уни безовта қилган ғояни ифодаловчи барча нарсаларни бадиий адабиётнинг 1-элементи ҳисобланган сўз орқали тасвирлаб ёки ифодалаб бериш қолади. Бу адибдан алоҳида маҳорат талаб қилинадиган жараёндир. “Мана шу жараёнларнинг барчасида ижодкорга эпик кечинма ҳамроҳлик қилади” дейди профессор Б.Саримсоқов. Бу эпик кечинма ўз табиатига кўра бир маромда, узок давом этади (лирикада шиддатли, тез, драмада ҳаракатчан; босқичма-босқич). Асарнинг бошидан охиригача давом этадиган бу узлуксиз жараёни Б.Саримсоқов “секин-аста портлашга олиб борадиган минага” ўхшатади. Бу таққоснинг тўғрилигини З.Куролбой кизининг “Тафаккур”, У.Ҳамдамнинг “Узокдаги Дилнура” ҳикоялари мисолида исботлаш мумкин.

Эпос ҳам худди лирика сингари ўзбек адабиётида жуда қадимдан бошланган. Халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлик дostonлари, ёзма адабиётдаги “Шoҳнома”, “Хамса” каби асарлар гарчи шеърӣ усулда ёзилган бўлса-да, халқ ҳаётининг катта воқеаларини қамраб олиши билан характерлидир. XV-XVI асрдан бошлаб насрий баён вужудга келди. Эпик турнинг илк намуналарини Н.Рабғузӣ, А.Навоӣ, Пошшо Хожа, Бобур қабилар яратди. XX аср бошларига келиб эпик тур лирика билан бемалол мусобақа бошлади ва асрнинг 2-ярмига келиб баъзи соҳаларда ундан ўзиб ҳам кетди.

Академик И.Султон юқоридаги уч адабий турнинг фарқини янада аниқроқ тушуниб олиш учун бир хил мавзу ва материалда ёзилган уч хил асарни мисол қилиб келтиради. Буларнинг бири М.Шайхзоданинг “Ўртоқ Навоӣ” шеъри (бу аслида баллада деб аталади), иккинчиси Ойбекнинг “Навоӣ” романи, учинчиси Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоӣ” драмасидир. Шоир ўз шеърида А.Навоӣ ҳаётининг объектив ва кенг манзарасини олмайди, балки ўзининг улуғ шоирга, унинг атрофидаги кишиларга муносабатини акс эттиради. Унда Навоӣ яшаган давр ва шоир тақдири ҳақидаги ўйлар, ҳис-ҳаяжон ва кўтаринкилик устун туради. “Навоӣ” романида эса XV аср ҳаётининг кенг ва объектив тасвири берилади. Унда ёзувчи Ойбек Навоӣ ва унинг атрофидаги кишилар ҳаёти, характерлари ва турли тақдирларни батафсил ҳикоя қилади, замон ва макон, табиат тасвирига кенг ўрин ажратилади. Ҳирот ва унинг теvarагида рўй бераётган ҳодисаларни худди четдан кузатаётгандек тасвирлайди. Маълумки, драматик турда автор қатнашмайди, унинг нутқи реплика ва ремаркалар зиммасига юклатилади. Шу туфайли бундай асарда ифодаланаётган воқеа ҳамда кишилар характери фақат уларнинг хатти-ҳаракатлари ва сўзлари орқали ифодаланади. Бундай асар сахнада кўйиш учун мўлжалланган бўлади.

Бу уч асар ҳажми ва баъзи ташки аломатлари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Роман ҳажман катта асар, драма ҳам ҳажман романдан катта эмас. Унда рўй берган воқеалар кўпи билан уч соатга мўлжаллаб ёзилади. Шеър эса ҳар иккаласидан ҳам кичик бўлиб, вазнга солингандир. Бундай асарда ҳис-туйғу ва кечинмалар устун ҳолда ифодаланади. Бу уч адабий турда “вақт ҳисси” (Гегель ибораси) ҳам бошқа-бошқадир. Лирик асарда “вақт ҳисси” инсонга хос ҳис-туйғу қачон ва қайси даврда рўй берган воқелик асосига қурилган бўлишидан қатъий назар ҳозиргина рўй бергандек ифодаланиши билан ажралиб туради. Масалан, Зулфиянинг “Баҳор келди сени сўроқлаб”, Ойбекнинг “Наъматак” шеърларини эсланг. Эпик турга хос бўлган асарда тасвирланган ҳаёт ҳар доим бўлиб ўтган воқеадек ҳикоя қилиниши билан характерланади. Ундаги баён ўтган замон феъли шаклида олиб борилади. Драмада эса тарихий воқеа ҳам, замонавий воқеа ҳам кўз олдимизда худди ҳозир бўлиб ўтаётгандек намоён бўлади. Бу унинг тамошабин билан сахна ўртасидаги масофага асосланганлигидир, айнан воқеани ҳозир кўриб турганлигимиздандир.

Эпик асарларда лирик ва драматик турга хос элементлардан ҳам унумли фойдаланилади. Эпик турга хос бадий асарларнинг учта хусусиятини таъкидлаш ўринлидир. Булар: а) тасвирнинг объективлиги; б) воқеабандлик; в) кўламлилиқ (буларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф берилади). Аслида адабий тур тушунчаси худди “мева” деган сингари мавҳум ва умумий тушунчадир. Меванинг олма, ўрик, нок, беҳи, ёнғoқ, гилос, олча сингари конкрет тушунчани англатувчи хиллари бўлгани каби эпик турнинг ҳам хилма-хил навлари учрайди. Рус тилидаги “род” сўзи ўзбек тилига “тур”, “хил”, “жинс” тарзида таржима қилинган. Шунингдек, В.Белинскийда “вид” сўзи ҳам учрайди. Бу сўз ўзбек тилига кўпроқ “жанр” деб ўгирилган. Биз эпик турнинг жанрларини уч катта гуруҳга бўлиб ўрганишни лозим топдик. Булар: 1. Кичик эпик асарлар; 2. Ўрта эпик асарлар; 3. Йирик эпик асарлар. Кейинги дарсларимизда уларнинг ҳар бирини жанрларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейинги 20 йиллик тараққиёт бoсқичи ўзбек адабиётидаги эпик тур такомилида муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда, аввало, эпик тур жанрларнинг шакл ва мазмунида жиддий ўзгаришлар юз берди. Иккинчидан, янгича инсон концепцияси (қарашлар, фикрлар системаси, англаш, фикр юритиш усули; асосий

фикр)га муносабат шаклланди. Учинчидан, мавзу доираси кенгайди ва янгиланди. Тўртинчидан, жанрларнинг синтезланиши ҳодисаси рўй берди (ҳикояда қиссага ҳос, романда ҳикояга ҳос хусусиятлар). Бешинчидан, тарихга муносабат ўзгарди. Энди тарихий воқелик ёки тарихий шахсни давр ёки мафкура талабига кўра ифодалаш барҳам топди. Олтинчидан, ўзбек адабиётига эмин-эркинлик билан Ғарб адабиётига оид хусусиятлар онг оқими, абсурд, экзистенциализм, модерн йўналишлари кириб кела бошлади. О.Мухтор, М.М.Дўст, Х.Дўстмуҳаммад, Ғ.Ҳотамов, О.Отахонов, Т.Рустам, Н.Эшонқул, А.Йўлдошев, З.Қуролбой кизи, С.Вафо каби ўрта бўғин ва ёш ижодкорлар авлоди европача бадиий усулларни дадиллик билан олиб кирдилар ва эпик турнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Биз бу адиблар асарларидаги Ғарб адабиётига ҳос фазилатлар, уларнинг қандай қабул қилиниши, моҳияти тўғрисида эпик турнинг алоҳида жанрлари бўйича ўтадиган маърузаларимизда тўхталамиз.

Хўш, модернизм нима? У ўзбек адабиётига нима берди? “Модерн” сўзи “янги”, “модернизм” янгиланиш назарияси деган маънони англатади. Модерн тарафдорлари Аристотель давридан буён ҳукм сурган “тақлид” тушунчасига, яъни санъатнинг вазифаси акс эттирмақ (инъикос қонуни), тақлид қилмақ, янаям соддароқ қилиб айтсак, ҳаётдан, табиатдан “нусха” кўчирмақ деган тушунчага қарши чиқдилар. Уларнинг нияти тақлид қилиш эмас, балки ҳаётни, табиатни, унда умргузаронлик қилаётган инсонни тадқиқ этишдан иборат эди. Шу маънода модернизм оқими ўтмиш адабиётида яралган анъаналардан узилиб қолган эмас, яъни у “йўқ”дан бор бўлмади. Адабиётнинг бош объекти инсон экан, уни зоҳиран эмас, ботинан ҳам тасвирлаш тарафдори бўлиб чиқдилар. Модерн адабиёти бўйича назариячи – адиб (Норвегия) Эспен Ховардсхолмнинг ёзишича, модернчи санъаткорнинг вазифаси “объектив воқеликни таърифлаш ёки тавсифлаш, акс эттириш(гина) эмас, балки ўзининг бадиий оламидан келиб чиқиб, ана шу воқелик билан муносабатга киришмақ ва шу тарзда соф субъектив санъат асари яратмақдир” (“Жаҳон адабиёти” жур, № 1, 2001).

Модерн ёзувчилари воқеликни қандай яратилган бўлса, шундайлигича қотиб қолган ва ўзгармас нарсалар деб қабул қилмайдилар. Балки оламдаги турфа хил рангларни “онг кислотасида эритиб, жўнлик қуйқаларидан” тозалайдилар ва соф ҳолда тасвирлайдилар. Бадиий онг шундайки, “унда бадихагўйлик (импровизация) ва хаёлот парвози тилдаги ифоданинг аниқлиги ҳамда қуюқлиги учун йўл очиб беради” (Э.Ховардсхолм). Ўзбек насрида М.М.Дўст, О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул кабиларнинг асарларида юқоридаги хусусиятларни учратиш мумкин. Бундай санъат асарларида китобхоннинг ўзига ижодий жараёнда билвосита иштирок этишга имконият яратилади, яъни санъаткор ўқувчига ҳамма нарсани айтиб, тушунтириб беравермайди, ақл ўргатмайди. Унинг фикр-ўйларига араллашиб, раҳнамолик қилавермайди. Шунингдек, ёзувчи қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва ўйларига ҳам аралашмайди. Бу жиҳатдан Ж.Жойснинг “Улисс саргузаштлари”, М.М.Дўстнинг “Лолазор”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романларини эсланг. Улардаги қаҳрамонлар Блум, Яхшибоев, Фозилбек бир пайтнинг ўзидан нималарни ўйламайди, қаерларда юрмайди?! Санъаткор эса гўё ҳеч нарсани билмагандек тураверади, ўзини ҳолис тутди. Шу хусусияти билан ёзувчи ўз китобхонини муаллиф билан ҳам ҳамкорлик қилишга, кечинмаларини баҳам кўришга чорлайди. Мабоодо, китобхон асар муаллифи билан ҳамдарду ҳамкор бўлмаса, кечинмаларини бирга баҳам кўра олмаса, у ҳолда асарда гап нима ҳақида бораётганини тушунишга, ҳазм қилишга қийналади.

Хуллас, эпик тур мустақиллик йилларида янгича шакл ва янги мазмун касб этди. Унинг мазмунида синтезлашув ҳодисаси юз берди, тасвир кўлами кенгайди, бадиий нутқнинг янгича кўринишлари юзага келди. Бу фазилатларни алоҳида жанрлар мисолида кўриб чиқамиз.

Назорат саволлари:

1. Эпос нима?
2. Эпик турнинг бош хусусияти нима билан белгиланади?
3. Эпик тур асарларига хос асосий элементларни айтинг.
4. XX аср охири, XXI аср бошларидаги эпик тур тақомилининг ўзига хослиги нимада?
5. Модернизм нима? Ҳозирги адабий жараёнда пайдо бўлган модерн асарларни эсланг.
6. Эпик турнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

8-МАВЗУ: КИЧИК ЭПИК ЖАНРЛАР

АДАБИЁТЛАР:

1. Л.Тимофеев, Н.Венгров. Краткий словарь литературоведческих терминов. М., “Учитель”, 1963.
2. Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1979.
3. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
4. И.Султонов. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 2005.
5. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Дарслик. Т., “Ўзбекистон”, 2002.
6. Д.Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. Дарслик. Т., “Фан”, 2007.
7. Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т., 2010.
8. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6,9,10, 11-жилдлари. Т., 2002-2006.
9. Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., 2009.

РЕЖА:

1. Кичик эпик жанрлар ҳақида маълумот.
 - а) памфлет;
 - б) фельетон;
 - в) очерк;
 - г) новелла;
 - д) эссе.
2. Кичик эпик жанрлар таракқиёти ва уларнинг синтезлашуви.

Сўз санъати шундай сеҳрли ва қутилмаган жараёнки, санъаткор тафаккури ва қалбида туғилган фикр ўз шакли-шамойили билан дунёга келади. Бу жараёни аёлни тўлғоқ пайтидаги ҳолатига ўхшаши мумкин: у 9 ой мобайнида ардоқлаб вояга етказган фарзанди қизми ёки ўғил бола бўладими; ўзига ёки умр йўлдошига ўхшайдими, соғми ёки носоғми - олдиндан билолмайди. Аслида унинг орзуси анча эрта бошланганини, аёл оналикка жуда ёшлигидан тайёргарлик кўрганини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак.

Адиб ижод жараёнида жанрни белгилай олмайди ва табиийки, ёзиш пайтида бу асарим мана шу жанр қоидаларига тўғри келсин деб ўйламайди. Агар санъаткор жанр қоидалари қолипига ўралашиб қолса, ўйлаган ғояси, танлаган воқеа ва персонажлари ўзи истагандек чиқмаслиги мумкин. Буни жуда кўп ижодкорлар тан олишган (А.Мухтор, О.Мухтор, Ф.Усмон). Гап ёзувчининг айтмоқчи бўлган ғоясида, уни ифода қила билиш маҳоратида.

Ёзувчи Н.Эшонкулнинг айтишича, “жанр – нисбий тушунча. Ёзувчи ўз фикрини қайси шаклда эплаб айта олса, ўша унинг жанридир”. (“Тафаккур” жур., № 2, 2009, 77-бет.) Океанни бутун жонзотлари билан аквариумга сиғдириш мумкинми? Бу санъаткорнинг қўлидан келади. Бугунги суҳбатимиз катта муаммоларни кичик идишга сиғдиришдек мураккаб ижод маҳсули бўлган кичик эпик тур жанрлари тўғрисида бўлади.

1. Памфлет – италянча сўз бўлиб, маъноси турли манбаларда турлича берилган. Масалан, “Краткий словарь литературоведческих терминов” китобида “пан” ёки “пам” – ҳаммаси (всё), “плечо” – куйдираман, алангалатаман, “ЎЗМЭ” ҳамда “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да “қўлдаги варақ”, “Адабиётшунослик луғати”да французчадан олинган сўз бўлиб, “учар варақа” деган маънони билдириши айтилган. Жанрнинг моҳиятини очувчи маъноси “куйдираман, алангада ёқаман” деган ибораларда ўз ифодасини топади. Чунки памфлет қисқа ҳажмдаги ҳажвий асар бўлиб, бирор бир сиёсий тузум, ижтимоий воқелик, у ёки бу тўда ёхуд гуруҳлар фаолиятини, уларнинг программ мақсади ва вазифаларини кучли сатира воситасида фош этувчи публицистик асардир. Памфлет кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилади. Памфлетда у ёки бу тузум, ижтимоий воқелик ёки бирорта партиянинг аниқ намояндалари устидан шафқатсиз кулинади ва ҳукм чиқарилади. Шу хусусиятига кўра памфлет бошқа жанрлардан бадиий тўқиманинг нисбатан озлиги, унинг аниқ ҳужжатлар ва тарихий фактларга асосланганлиги билан фарқ қилади. Памфлетда танқид қилинаётган жамият, воқеа-ҳодисалар ва унда муҳим ўрин тутган турли шахслар характери аччиқ киноя, кучли сарказм воситалари асосида фош этилади.

Памфлет жанрига хос илк намуналар дастлаб антик адабиётда яратилган. Кейинчалик Европа адабиётида ривожланди. Эразм Роттердамский, М.Лютер, Гуттен, Ж.Свифт, Вольтер, В.Гюго, Д.Дидро, Э.Золя, Мопассан, А.Несин памфлет устаси сифатида тилга олинди. Рус ёзувчиларидан М.Горький, Л.Леонов, И.Эренбург, М.Зощенко, ўзбек адибларидан А.Қодирий (“Совинак қори билан Мағзава қори” (1 б.), “Маҳкамаи шаръияда ҳолва-талқон масаласи” (2 б.), “Мочалов” (1 б.), Ғ.Ғулом (“Ҳожибобойи гулфуруш” (1 б.), “Порахўрлар” (1 б.), А.Қаххор (“Барон фон Ринг”, “Бос тепкини!”) памфлетлар яратишган.

Памфлетлар кўтарилган мавзусига кўра:

1. Сиёсий памфлетлар
2. Бадиий памфлетлар
3. Ахлоқий памфлетлар
4. Тарихий памфлетлар
5. Шахсий памфлетлар (якка шахс иллатлари фош этилади)
6. Психологик памфлетларга бўлинади.

2. Фельетон - барча манбаларда бир хил: французча сўз бўлиб, варақ, варақа маъносини билдиради. Фельетон бадиий публицистик жанрлардан бири бўлиб, у вақтги матбуот билан узвий боғланган. Фельетон номи билан ёзилган асар дастлаб Францияда XVIII аср охири XIX аср бошларида пайдо бўлган. Аслида бу атама остида газетада берилган модалар намойиши, театр тамошаси ва бошқа кўргазмалар ҳақидаги кичик рекламалар тушунилади. Кейинчалик фельетон ўз ҳажми ва моҳиятини ўзгартириб борди. Театр асарлари, адабий ҳодисалар тўғрисида ёзилган жиддий танқидий мақолалар фельетон деб атала бошланди. Уларга газеталардан махсус жойлар, подваллар ажратилди.

Фельетон – жанр сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. У ҳар доим аниқ тарихий ёки замонавий воқелик, шахс, фактларга асосланади. Фельетон ўз табиатида кўра ижобий ва салбий бўлиши ҳам мумкин. Бироқ давр ўтиши билан унда салбий ҳодисаларга ўтқир сатирик муҳит муҳим ўрин эгаллади. Ўзбек адабиётида фельетон XX аср бошларида дунёга келган бўлиб, унда ҳаётда учраб турадиган нуқсон ва етишмовчиликлар ўтқир киноя билан фош этилади. Фельетоннинг дастлабки намуналари А.Қодирий, Чўлпон, А.Қаххор, Ғ.Ғулом каби ўзбек адиблари томонидан яратилди. Кейин бу жанрда С.Аҳмад, Н.Сафаров, Х.Тўхтабоев, М.Худойкулов, О.Юнусовлар самарали ижод қилишди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб фельетон жанри партиянинг адабиётдаги асосий танқидий қуролига айлантирилди. Фельетон қилинган ташкилот ва унинг раҳбари партиявий жазо олишдан то жиноий жавобгарликка тортилишгача маҳкум эди. Бу фельетонни бирёқлама тушунишга олиб келди.

Фельетон жанрининг асосий вазифаси жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий томонларини камраб олиш ва акс эттиришдан иборатдир. Унда кўпроқ мазкур соҳаларда учраётган камчилик, ижтимоий иллатлар, тўрачилик, лаганбардорлик, порахўрлик, ўзибўларчилик сингари нуқсонларни фош этиш билан жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш нияти устивор бўлади. Фельетоннинг бошқа жанрлардан фарқи унинг ҳажвий публицистика қоидаларига асосланиши, ижтимоий кулгининг устунлиги, сатира ва юмор воситаларига таянишидир.

Фельетон тузилишига кўра шеърий ва насрий йўлда ёзилиши мумкин. Шеърий усулда ёзилган фельетонга Муқимийнинг “Танобчилар”, “Кўр Ашурбой хожи ҳақида ҳажв”, Ғ.Ғуломнинг “Кўлтиқланган калла тўғрисида қофияли ваъз”, А.Мухторнинг “Каттамиз”, “Мини юбка ва паранжи” асарлари мисол бўла олади. Насрий фельетонлар эса жуда кўп учрайди (А.Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, Х.Тўхтабоев, М.Худойқулов, Н.Аминов, Я.Қурбон...).

Фельетон ўз олдида қўйган мақсади ва вазифасига кўра:

1. Маълум фактга, шахс фаолиятига, объектга, воқеа-ҳодисага;
2. Умумий масалаларга асосланган бўлади.

Биринчи турдаги фельетонларда ҳаётдан олинган аниқ фактлар, танқид қилинаётган шахс фаолиятидаги ижтимоий, маънавий-ахлоқий иллатлар аниқ кўрсатилади. Уларда фош этиш руҳи кучли бўлиб, баён сатирага асосланади. Иккинчи турида умумлаштириш устун туради. Ҳар иккисида ҳам асосий мақсад жамият тараққиётига, унинг умумий манфаатларига ҳалақит бераётган иллатларга барҳам беришдир. Демак, фельетон адабиёт учун ҳар доим керак жанрдир.

3. Очерк – бу жанр ҳақидаги маълумотни “ЎЗМЭ”нинг 6-жилдида берилган Й.Солижоновнинг мақоласидан оласиз (нусха кўчириб олинг).

4. Новелла – италянча бўлиб, “янги сўз” деган маънони англатади. Ҳажми ҳикоядан ҳам кичикроқ жанр. Ҳажмнинг кичиклиги мазмуннинг кенглигига таъсир этмайди. Оз сўз билан кўп маънога эришилади. Оз сўз билан соз фикр билдириш ҳамма санъаткорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу боис жаҳон адабиётида новеллист ёзувчилар сони оз. Манбаларда новелла ҳикоянинг бир тури сифатида тилга олинган. Ҳатто “Краткий словарь литературоведческих терминов”да “рассказ и новелла” бир жойда берилган. Уларнинг фарқи кўрсатилмаган. “Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да новеллага кенгроқ таъриф берилади. Д.Қуронов ва б.ларнинг “Адабиётшунослик луғати”да ҳам “Адабиётшуносликда новелла масаласида яқдил тўхтамга келинган эмас: “ҳикоя” ва “новелла” атамаларини синоним деб билувчилар ҳам, уларни кескин фарқловчилар ҳам бор. Яна бир тоифа новеллани ҳикоянинг бир кўриниши деб ҳисоблайди. Биз ўзимизни ҳикоя жанри билан новеллани кескин фарқловчилар қаторида деб биламиз. Новелла мустақил жанр сифатида Италияда Уйғониш даврида юзага келган. Унинг илк намуналарини Бокаччо, Саккетти, Мазучолар яратишган. Новелла сюжет қурилишининг кескин ривожланиши ва ўзгарувчанлиги билан фарқланади.

Жанр сифатида новелла қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

1. Конкрет шахс ҳаётига оид воқеалар ихчам, бадиий жиҳатдан мукамал ва тугалланган шаклда акс эттирилиши;
2. Новелланинг якуний хулосаси ўқувчи қалбида портлаш ҳодисасини вужудга келтириши;
3. Новеллада иштирок этувчи персонажлар миқдори ўта чегараланган бўлиши, эпик баённинг битта персонаж ҳаёти билан боғлиқ бўлиши;
4. Новелланинг сюжети қутилмаган бошлама ва кескин ечимга, ўткир драматик тарангликка эга бўлиши;
5. Кичик ҳажмга катта даврга хос асосий хусусиятларни сиғдира олиш ва шунга мос ҳолда воқеани лўнда, ихчам баён этишга эришиши;

6. Новеллада сюжет кўпинча битта муҳим деталь асосига қурилиши билан ажралиб туради.

Шу 6 та талабга жавоб бера оладиган новелла А.Қаҳҳорнинг “Ўғри”, “Анор”, “Бемор”, С.Аҳмаднинг “Қоплон”, “Карнай”, Ш.Холмирзаевнинг “Нотаниш одам”, “Олма емадим”, “Кўк кўл” кабилардир. Улар ҳажман 3-4 бетдан ошмайди. Жаҳон адабиётида Ги-де Мопассан, В.Скотт, Э.Хемингуей, А.П.Чеховлар новеллист сифатида шуҳрат қозонганлар. Булар шуни исботлайдики, новелла мустақил жанр сифатида адабиётда яшаш ҳуқуқига эга. Ҳозирги ёзувчилардан Х.Дўстмуҳаммад, Х.Султонов, А.Йўлдошев, Н.Жалолиддин, З.Қуролбой кизи кабиларнинг айрим асарларини новелла сифатида баҳолаш мумкин.

4. **Эссе** – французча уриниш, синаш, очерк маъноларида бўлиб, ўзбек адабиётига XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида кириб келди. Шу сабабли мавжуд луғатларда у ҳақида маълумот учрамайди. Эссе тўғрисида тўлароқ маълумотни сиз Д.Қурононов, З.Мамажонов, М.Шералиеваларнинг “Адабиётшунослик луғати” китобидан олишингиз мумкин.

Эссени тадқиқот очерк дейиш тўғрироқ бўлади. Унда мен билган нарса, ходиса, муаммонинг билмаган томонларим очиқ берилади. Тузилишига кўра 1. Бадиий эсселар; 2. Илмий эсселарга бўлиниши мумкин. Эссе жанри эркин композиция қурилишига эгалиги билан ажралиб туради. Ш.Холмирзаев эсселари (4-т.) бадиий, О.Шарафиддинов эсселари илмий йўналишга мос.

Назорат саволлари:

1. Памфлет нима;
2. Фельетон қачон, қаерда пайдо бўлган?
3. Очерк жанрининг ўзига хослиги ҳақида гапиринг.
4. Новелла қандай асар? Унинг ҳикоядан фарқи нимада?
5. Эссе жанри ҳақида маълумот беринг.

9-МАВЗУ: ҲИКОЯ ЖАНРИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
2. Адабий тур ва жанрлар. 3 томлик. 1 том. Т., “Фан”, 1991.
3. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., “Янги аср авлоди”, 2004.
4. Норматов У. Ижод сеҳри. “Шарқ”, НМАК, 2007.
5. Норматов У. Янги ўзбек адабиёти. Т., “Университет”, 2007.
6. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. Т., 2005.
7. Расулов А. Бадиийлик - безавол янгилик. Т., “Шарқ”, НМАК, 2007.
8. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., 2009.
9. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти. Т., АСН, 2006.
10. ЎзМУ. XI том. Т., 2005, 330-331-бетлар.
11. Д.Қурононов ва б. Адабиётшунослик луғати. Т., 2010.

Р Е Ж А :

1. Ҳикоянинг жанр хусусиятлари.
2. Ҳикоянинг шакл ва мазмунидаги ўзгаришлар.
3. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида мавзу, муаммо ва ечим.

Ҳикоя эпик турнинг кичик ҳажмга эга бўлган жанрларидан бири бўлиб, ўзига хос имконият ва қамровга, бадиий тасвир воситаларига эга эканлиги билан аввалги дарсда ўрганганимиз кичик жанрлар – памфлет, фельетон, очерк, новелладан фарқ қилади. Бу фарқ биринчи галда асарнинг юксак бадиийлигида, инсон ҳаётига оид қисқа воқеликни кўримли тарзда ифодалай олишида намоён бўлади. “Краткий словарь”да айтилишича,

ҳикояда қисқа эпизодда инсон ҳаётининг энг муҳим, типик кўриниши очиб берилади ва бу ҳолат унинг бутун ҳаётига тегишли кўзгу бўлиб қолади (масалан, “Ўғри”, Ш.Холмирзаевнинг “Ўзбек характери”). Ҳикоя, қисса, роман каби жанрлардан шу билан фарқ қиладики, унда тасвирланган воқеагача нима бўлган, қандай бўлган, ким бўлганлиги тўғрисида маълумот берилмаслиги ҳам, айрим деталлар орқали ишора қилиниши ҳам мумкин.

Ҳикоя тасвир кўлами, сюжети ва композицион қурилишининг нисбатан соддалиги, баённинг одатда битта шахс томонидан (автор ёки ҳикоячи) олиб борилиши жиҳатидан фарқ қилади. Ҳикоя шаклий томондан асосан насрий баёнга асосланади. Шу билан бирга айрим воқеалар шеърий усулда ҳикоя қилиниши ҳам мумкин. Воқеликнинг шеърий йўл билан ҳикоя қилишнинг илк намуналарини А.Навоий, Турди, Махмур, Гулҳаний, Ҳамза Ҳакимзодалар ижодида учратамиз. XX асрнинг 60-йилларига келиб А.Мухтор томонидан “шеърий новеллалар” ҳам яратилди.

“Ҳикоя” атама сифатида кенгроқ маънода бирор воқеани гапириб беришни ҳам англатади. Сўзлаб берилган бундай ҳаётӣ воқелик қамровининг кенглиги, муаммонинг муҳимлиги, ҳажми, унда иштирок этувчиларнинг салмоғи жиҳатидан ҳатто қисса ёки романга хос бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда “ҳикоя” термини “жанр” маъносида тушунилмайди. Масалан, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидаги 7 нафар мусофирнинг ҳикояти ҳар бири қисса жанри даражасига кўтарилган. Ёки А.Мухторнинг “Чинор” романи “ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар” дан ташкил топган яхлит асардир. Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси, “Икки эшик ораси” романи ҳам ўзига хос ҳикоялардан ташкил топган. Ёзувчи Ш.Холмирзаев эса ўзининг “Олабўжи” асарининг жанрини “романдан катта ҳикоя” деб белгилайдики, бунда ҳам ҳикоянинг “сўзлаб бериш”, “гапириш” маънолари устун туради.

“Менинг назаримда, ҳикоя романдан ҳам қийин ва масъулиятли жанрдир, - деб ёзади Хуан Рульфо (Норвегия адабиётшуноси). –Чунки, ҳикояда жуда катта воқеаларни ҳам лўнда тарзда баён этиш, ўзингни чегаралаб, қисқаликка интилиш керак бўлади. Бошқалар 200 саҳифада айтмоқчи бўлганини ҳикоячи 5-6, нари борса 10 саҳифага сиғдириши керак. Бунинг учун ёзувчидан жуда катта маҳорат талаб қилинади. Ҳикояда аниқ мақсад қисқа; лўнда баён қилинади. Ёзувчи ҳар қанча интеллектуал салоҳият эгаси бўлмасин, ўқувчига ўз ҳукмини ўтказишга, уларни ўзи истагандек яшашга мажбур қилишга ҳаққи йўқ. Ижодкор бунга англаб етса, шунинг ўзи катта гап”.

Ҳар бир жанр сингари ҳикоя ҳам ўзига хос тараккиёт босқичларига эга бўлиб, у муттасил равишда ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Бу ҳикоячиликдаги бадиий шакл ва услуб борасидаги изланишлар самарасидир. Ўзбек ҳикоячилигининг шаклан ва мазмунан ўзгаришни унинг мумтоз намуналари билан XX аср бошларидаги Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳикояларини, бу адибларнинг 20-йилларда яратган ҳикоялари билан 30-йилларда Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойдин кабилар томонидан ёзилган айрим ҳикояларни таққослаш ўринлидир. Маълумки, мумтоз адабиётда яратилган ҳикоя(т)ларда характер турғун, тайёр ҳолда олиб кирилган бўлса, кейинроқ (XX аср бошларида) қаҳрамонлар характери динамикасига эътибор берилди. Аммо бу ҳикояларда қаҳрамонлар ҳаракатда, доимий фаолиятда берилса ҳам уларнинг ички дунёси чуқур очилмас, персонажнинг сурати ва сийрати мукамал ва параллел ҳолатда тасвирланмасди. Бундай кўриниш ўтган асрнинг 60-йилларигача давом этди.

Энди Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойдин сингари ҳикоянависларнинг асарларини Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, У.Назаров, Э.Аъзам, Х.Султоновларнинг ҳикоялари билан таққослаб кўринг! Улар орасида нафақат шаклан, балки мазмунан, кўтарилган муаммоси, характерлар тасвири, ифода усуллари, оҳанги, маҳорат даражаси жиҳатидан ер билан осмонча фарқ бор. Албатта, бундан ўша классик ёзувчиларимиз маҳорат нуқтаи назаридан кейинги адиблардан пастроқ экан-да, деган хулосага келманг-да, ижодкорлар яшаган даврни, шарт-шароитни, ижодий мактаблар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, ўрганиш ва ифодалаш учун имкониятларнинг тор ёхуд кенглигини ҳисобга олинг. Бу ерда гап

ёзувчининг ижодий индивидуаллиги устида эмас, балки жанр эволюцияси – тараққиёти хусусида кетаётир. Шу хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳикоячилик тараққиётини қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. XII-XV асрлар (Рабғузий ҳикояларидан Навоий ҳикояларигача);
2. XVI асрдан XX асргача (Пошшоҳўжанинг насрий баёнга асосланган ҳикояларидан);
3. XX аср бошларидан 20-йилларгача (Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Авлоний).
4. XX асрнинг 30-40 йиллари (Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойдин);
5. XX асрнинг 40-60 йиллари (С.Аҳмад, А.Мухтор, П.Қодиоров, О.Ёқубов);
6. XX асрнинг 60-90 йиллари (Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, У.Назаров, Э.Аъзамов, З.Аълам, Х.Султонов, М.М.Дўстлар);
7. XX асрнинг 90-йилларидан XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги (Х.Дўстмуҳаммад, А.Йўлдошев, Н.Жалолиддин, З.Қуролбой қизи, С.Вафо қизи, У.Ҳамдам кабилар).

Бу босқичлар орасидаги муддатлар қисқа бўлса-да, ҳикоя жанри воқеликни бадиий акс эттириш, характер яратиш, адабиётнинг бош объекти билан инсонни тушуниш, унинг сурати ва сийратини тўлақонли тасвирлашдаги янгиликлар, ўзгаришлар муттасил рўй берганини кузатиш мумкин. Янгиланиш ҳар бир жанрнинг доимий ва қонуний хусусиятидир.

Ҳикоя жанрининг тўла маънодаги дунёга келишини ўтган асрнинг бошларидан деб ҳисобласак, ўтган юз йиллик даврдаги тараққиёти бу халқимизнинг маънавий-маданий эврилиш, тафаккурининг кенгайиши, кечинмалар дунёсининг батафсилроқ очилишга эришишига олиб келди. Шу билан бирга сўнгги босқичда ўзбек адабиётига бемалол кириб келган жаҳон адабиётига хос усуллар ҳам ҳикоячилик имкониятларининг кенгайиши ва янгиланишига ёрдам берди.

Ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

1. Материал танлай билиш. Кичик бир эпизод билан катта ҳаётини воқеани бера олиш қобилияти. Ў.Ҳошимовнинг “Дехқоннинг бир куни”, “Урушнинг сўнгги қурбони”, А.Йўлдошнинг “Бўладиган бола”, “Ҳаёт энди бошланади”, “Қизил тилла, қип-қизил тилла” ҳикоялари.

2. Турғун характердан ҳаракатдаги (динамик) характер тасвирига ўтиш. З.Қуролбой қизининг “Тафаккур” ҳикояси. “Қаҳрамони – қишлоқ тегирмончисининг тўнғичи Тангриберди” деган бола. Тегирмончи Довулбой, колхоз раиси Эшбоев. Унинг уйида “дилбузар” бор. Қизикиб, кўргани келган Тангриберди “Шахмат деган балони телевизорда кўриб” девона бўлиб қолади. У шахматни пухта ўрганиб, ўз вақтида ўқувчисининг ноёб истеъдодини пайқаган, уни рўёбга чиқариш учун отасига ялиниб-ёлворган ўқитувчи Шовқи муаллим ёрдамида, туман, вилоят, республика мусобақаларида қатнашади ва ғолиблик шохсуппасига кўтарилади. Афсуски, отаси кутганидек, уйига пул эмас, диплом ва Фахрий ёрлиқ қоғозларини кўтариб келган ўғил тегирмончи Довулбойнинг қаршилигига учрайди. Отасидан калтак еганига қарамай 6-синф ўқувчиси Тангриберди ўқувчилараро мусобақада ғолиб чиққан бўлса, кейинроқ катта мусобақаларда қатнашди. Аммо, яна пул ўрнига... Бола эса ана шу ёрлиқлар, дипломлари билан фахрланар, ўқитувчиси Шовқи муаллим “отанга бер” деб чўнтагига пул солиб қўйса ҳам “Пулни яхши кўради»ган отасига 1-ўринни олган бўлса ҳам бир тийин беришмаганини айтиб, “қўққисдан юзига тушган тарсаки зарбидан девор ёнига учиб тушди”.

Ота қанчалик золим, қаҳри қаттиқ бўлмасин, адиба ота ва бола ўртасидаги миллий колоритни унутмайди: ўғил отага тик боқмайди, қўл кўтармайди, гап қайтармайди. Ички бир руҳият исён кўтарса ҳам отасининг айтганини қилади. Натижада ўзининг порлоқ келажагини қабрга дафн қилади. Тангриберди раис Эшбоевни фош қилмоқчи бўлгани учун унинг одамлари томонидан майиб-мажруҳ ҳолга келганида ҳам тафаккури сўнмайди. Ҳикоя тафаккур қудратининг боқийлигини кўрсатиш билан оптимистик руҳда тугайди. Бу ҳикоянинг юксак бадиий фазилятларини йирик адабиётшунос У.Норматов пайқади ва

3.Қуролбой қизига очик хат йўллаб, “ҳикоя учун мақбул хотима топишнинг ўзи улкан кашфиёт” эканлигини таъкидлаб, адибани “ана шу жиддий муваффақият билан чин дилдан қутлай”ди. Мажруҳ бўлса ҳам Тангрибердиннинг характери тинимсиз ўсиб боради ва ўқувчида унга нисбатан ҳам ачиниш, ҳам фахрланиш туйғусини, отасига, раис Эшбоевга, унинг тимсолида эса бутун бир тоталитар диктатура жамиятига нафрат уйғонади.

3. Ҳикояни деталлар асосига қуриш. Маълумки, ижод қилишдан асосий мақсад ўқувчини муаллиф фикри ва ҳис-туйғуси билан ошно қилишдан иборатдир. Бадий асар мукамаллигига воқеликни батафсил тасвирлаш орқали эришилади. Бироқ батафсил тасвирлаш кўпроқ роман жанрига хос бўлиб, ҳикоя ҳажман кичик бўлганидан автор ўз ниятини кўпроқ деталларга юклашга ҳаракат қилади. Деталлаштириш ихчамликка олиб келади. М.Горький айтганидек, ҳикояда муҳими детални топишдир. Агар уни топа олсангиз, - дейди ёзувчи, - у Сизга бутун характерларни ёритиб беради, ундан сюжет ҳам, фикр ҳам, ғоя ҳам ўсиб чиқаверади. Деталнинг кучи ва мазмуни шундаки, томчида қуёш акс этганидек, энг кичик деталь ўзида асарнинг бутун ғоясини ўзида мужассам этади. Чунки “деталь санъатнинг минатюр моделидир” (Е.Добин). Бу фикрни яхшироқ тушуниб олиш учун Сиз менинг китобимдаги “Деталлар тилга кирганда” ва “Эркаги бор уй”нинг фазилятлари” сарлавҳали мақолаларим билан танишиб чиқинг.

4. Абсурд ҳикояларнинг пайдо бўлиши. Кейинги ўн йилликда Н.Эшонқул, Э.Шукур, У.Ҳамдам ҳикояларида шундай хусусиятга эга ҳикоялар яратилди. Масалан, Н.Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам”, “Хаёл тузоғи”, “Муолажа”, Э.Шукурнинг “Пул санаётган одам”, У.Ҳамдамнинг “Лола”, “Тош” кабилар Камюнинг “Сизиф ҳақидаги афсона” асарини эсга солади. Агар Сизиф тинимсиз равишда тошни тепаликка олиб чиқишга беҳуда уринса, “Пул санаётган одам” (исмсиз) бир меъёрдаги пулни қайта-қайта қўшиб санаш орқали миллионер бойга айланади. Икковининг мақсади ҳам абсурд (аммо умид бор).

5. Баъзи ҳикоялар учун бош қаҳрамон характерини очишга ёрдам берувчи 2-даражали-орқа планда тасвирланган персонаж муҳимроқ ҳисобланади. Масалан, Н.Жалолоддиннинг “Байроқ”, У.Ҳамдамнинг “Узоқдаги Дилнура” ҳикояларида шундай.

Хуллас, ҳозирги ўзбек ҳикоя жанрининг шакли ва мазмунига хос бу фазилятлар шу билангина чекланмайди. Ўқиган ва тушунган ўқувчи янги-янги хусусиятларни кашф этиши мумкин. Шу йўлда Сизга муваффақият тилайман.

Назорат саволлари:

1. Ҳикоя жанрининг тарихи.
2. Ҳикояни атама ва жанр сифатида таърифланг.
3. Ҳикоя жанрининг тараккиёт босқичларини сананг.
4. Ҳикоянинг жанр хусусиятлари айтинг.
5. 3.Қуролбой қизининг “Тафаккур” ҳикоясини таҳлил қилинг.
6. Ўзбек адабиётидаги модерн, абсурд ҳикоялар ҳақида гапиринг.

10-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҚИССА ЖАНРИ

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
2. Адабий турлар ва жанрлар. 3 томлик. Т., “Фан”, 1991. (1-т).
3. А.Холмуродов. Қисса поэтикаси. Т., “Фан”, 2007.
4. ЎзМУ 11-т. Т., 2005. 22-23-бетлар.
5. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти. Т., АСН, 2006.
6. И.Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 2005.
7. Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., 2009.
8. Д.Қуронов ва б. Адабиётшунослик луғати. Т., “Академнашр”, 2010.

РЕЖА :

1. Қисса жанри. Повесть атамаси ҳақида.
2. Ҳозирги ўзбек қиссаларининг жанр хусусиятлари.

Қисса – эпик тур жанрларидан бири бўлиб, воқеаларни баён қилиб беришга асосланган. Ғарбий Европа ва Америка адабиётида “қисса” (повесть) тушунчаси йўқ. Уларда романдан бошқа барча насрий асарлар “новелла” номи билан аталган. Рус адабиётида “повесть, повествование” атамаси мавжуд бўлиб, бирор воқеани кенгрок планда ҳикоя қилиб бериш тушуниланган. Рус адабиётшуноси Л.Тимофеев “ўрта эпик шакл” (“средняя эпическая форма”) деб атайди. Унинг ёзишича, повесть асосий персонаж атрофига уюшган бир неча эпизодларни тасвирлаш орқали унинг ҳаётидаги алоҳида даврини қамраб олади.

Биронта ҳам манбада “қисса” (повесть) атамасига жанр сифатида аниқ таъриф берилмаган. Л.Тимофеев ва Н.Венгровнинг “Краткий словарь литературоведческих терминов” китобида айтилишича, “повесть (қисса) ҳикоядан фаркли ўларок, одатда унда иштирок этувчи асосий қаҳрамоннинг ҳаётига оид бир неча воқеалар ифодаланади”. Унда бир неча персонаж қатнашади, улар асосий қаҳрамон атрофига уюштирилади. Шунингдек, повесть (қисса) ҳикояга қараганда ҳаёт мураккабликларини кенгрок, романга нисбатан характер ҳамда воқелик кўламини озроқ акс эттиради. Буни англаб етиш учун Сиз А.Қаххорнинг “Даҳшат” ҳикояси билан “Синчалак” қиссасини таққосланг. Н.Хотамов, Б.Саримсоқовнинг “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да айтилишича, “повесть (қисса) ҳаётини воқеа-ҳодисалар қамрови жиҳатдан романга нисбатан кичик, ҳикояга нисбатан каттароқ ва мураккаброқ баён шаклига эга бўлган жанрдир. Повестда у ёки бу шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этилади”. “Адабиётшунослик луғати”да (муаллиф Д.Қуронов ва б.) ёзилишича, қисса “эпик турнинг ҳикоя ва роман қаторидаги учта асосий жанрдан бири, повесть. Ўзининг жанр хусусиятлари билан Қ. ҳикоя ва роман оралиғидаги ҳодисадир: ҳикояда қаҳрамон ҳаётидан биргина воқеа, романда қаҳрамон ҳаётининг мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимидаги катта бир даври, Қ.да қаҳрамон ҳаётининг бир босқичи қаламга олинади”.

Албатта, бу таърифлар нисбий ва умумий тарзда бўлиб, ҳанузгача қисса (повесть) ўзининг жанр сифатидаги аниқ ва мукамал баҳосини олган эмас. Ҳатто қисса жанрининг хусусиятлари ва поэтикаси муаммоларига бағишланган махсус тадқиқот муаллифи А.Холмуродов ҳам ўзининг докторлик диссертациясида бу соҳани четлаб ўтади. Ким бўлса ҳам қисса – повесть хусусиятини роман билан ҳикояга нисбатан ҳажмига қараб белгилайди. Шундай бўлса, Ш.Холмирзаевнинг “Ўзбек бобо”, “Озодлик”, “Булут тўсган ой” ҳикояларини ҳажмига кўра бемалол қисса деб қабул қилсак бўлаверар экан-да! (Бу ҳақда менинг китобимга қаранг).

Ҳатто, Белинскийдек улкан танқидчи ҳам “Поэзиянинг тур ва хилларга бўлиниши” номли мақоласида “Повесть ҳам романнинг ўзгинасидир, фақат кичик ҳажмдadir. Асарнинг ҳажми мазмуннинг ҳажми ва моҳиятига қараб белгиланади” деб ёзади. Яна бир мақоласини “Рус повести ва Гоголь повестлари”да “повесть – бўлақларга бўлинган роман – романдан олинган бир бобдир” дейди. Яна бир рус адабиётшуноси Г.Абрамовичнинг фикрича, повесть ўрта эпик форма бўлиб, мураккаб ижтимоий муаммоларни очишда бир қанча ҳодиса ва воқеаларни ўзига бирлаштиради, унда қатнашувчи персонажлар сони ҳам ҳикоядагидан кўпроқ бўлади. Л.Шепилованинг ёзишича, повесть ҳаётнинг кўп томонларини қамраб олса ҳам ўз ҳажмининг кичиклиги, мазмуннинг ихчамлиги билан романдан фарқланади. Ҳикоядан эса сюжетининг мураккаблиги, воқеалар ва персонажларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бироқ Шепилова қисса ҳажмининг кичиклиги, мазмуннинг ихчамлиги, сюжетининг мураккаблиги нималар эвазига рўй бериши лозимлиги тўғрисида тўхталмайди.

Қиссанинг жанр хусусиятларига доир номзодлик диссертацияси ёзган тадқиқотчи Ф.Ражабова ҳам унинг ҳикоя ва романдан фарқи ҳақида тўхталиб, қисса “бир шахснинг кечмиши ва саргузаштларига асослан”иши, лирик талқинга мойил воқеалар танлаб

олиниши, уни ҳажм жиҳатдан чегаралаш илмий мезон бўлолмаслигини тўғри қайд этгач, шундай хулоса чиқаради: “Қисса ягона қаҳрамон саргузаштининг хроникал изчилликдаги тасвири билан роман ва бошқа эпик жанрлардан фарқ қилади”. 2 жилдлик “Адабиёт назарияси” китобининг “Эпос” турига бағишланган бобида қисса – повесть тўғрисида умуман тўхталинмаган. “Адабий турлар ва жанрлар” китобининг 1-жилдида повесть – қисса жанри ҳақида фикр юритган олим Э.Каримов жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқалардан фарқи тўғрисида эмас, кўпроқ унинг тарихига тўхталади. Муаллиф келтирган мисолларнинг кўпи адабиётшуносликда ҳикоя ва роман деб тан олинган (масалан, “Доктор Муҳаммадёр”, “Янги саодат”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” каби) асарларини ҳам қисса атаб, таҳлилга тортади. Унда қисса – повесть жанри ҳақидаги илмий-назарий қарашлар эмас, асосан асарларнинг қайта баёни ўрин олган.

Академик И.Султон дарслигида “Бир киши ва у билан ҳаёти боғлиқ бўлган бир неча кишининг тақдири ўртача ҳажмда тасвир этилган, аммо ҳаётнинг кенг манзарасини чизиб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўймайдиган асарлар повесть жанрига мансубдир. Қиссада (домла повесть деб айтган. Зеро, совет даврида терминлар интернационал тилда айтилган) одатда, лиризм ҳикоя ва романга нисбатан кучлироқ бўлади”. Менимча, юқоридаги таърифлар орасида энг тўғриси мана шудир. Чунки бошқа таърифларнинг биронтасида ҳам лиризм тўғрисида айтилмаган эди. Ваҳоланки, лиризм – қисса вужудини қон билан таъминлаб туручи томир ҳисобланади. Лиризм воқеликда ҳам, оҳангда ҳам, баёнда ҳам, мавзуда ҳам (хатто ижтимоий мавзу бўлса ҳам) устивор ўринни эгаллайди. Шунингдек, И.Султон домла повесть билан қисса атамаси орасидаги фарққа ҳам нозиккина ишора қилиб ўтадилар. Олимнинг таъкидлашича, “қисса кўпинча ишқий мазмунга эга, ҳозирги замон повестида эса ишқий линиянинг бўлиши шарт эмас”.

Энди биз юқоридаги манбалардан олган таассуротларимизга асосланиб, ҳамда ўз тажрибамиз ва қарашларимиздан келиб чиқиб, қиссанинг қуйидаги хусусиятларини тавсия этамиз:

1. Ўзбек адабиётида “қисса” атамаси рус тилидаги “повесть”, “повествование” атамаларининг маъносини ўзида тўла мужассам этади. Ота – боболаримизнинг “қиссахонлик, қиссагўйлик” деган ибораларини эсланг.

2. Қисса жанрини аниқлашда бир қанча “шартли” белгиларга ҳам эътибор бериш зарур. Жумладан:

а) асарнинг ички ҳажми (ташқи, яъни саҳифасининг оз ёки кўплиги эмас, балки мазмун-муаммонинг қамраб олиниши);

б) сюжетнинг кўп планли бўлиши (романда эса кўп тармоқли бўлади), бир воқеа икки йўналишда ҳал қилиниши мумкин (О.Ёқубовнинг “Қанот жуфт бўлади”, Ў.Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди”, Н.Жалолиддиннинг “Болалар” қиссалари);

в) ягона сюжет линиясининг устиворлиги;

г) асосий қаҳрамон атрофига бирлашган бир неча персонажларнинг мавжудлиги;

д) бош қаҳрамон ҳаётида рўй берган барча воқеаларни батафсил тасвирлаш шарт эмаслиги (батафсиллик роман жанрига хос);

3. Қисса роман жанри сингари мураккаб ҳаётий жараёни, кенг қамровли воқеаларни узлуксиз ривожланишда, тар.ётда қўламли тасвирлай олишга кодир эмас.

4. Қисса қаламга олинган ижтимоий мазмуннинг кенглиги ва чуқурлиги билан ҳикоядан фарқ қилади.

5. Қисса жанри ўзининг ички тузилишига кўра турлича бўлиши мумкин. Айрим қиссаларда ягона сюжет линияси ҳукмрон бўлиб, ана шу сюжет марказига биргина қаҳрамоннинг ҳаёти, тақдири, унинг шу ҳаёти доирасида рўй берган асосий воқеалар – қўйилади (“Синчалак”, “Шайтанат”).

6. Шундай қиссалар ҳам бўладики, унда асосий қаҳрамоннинг ҳаёти, тақдири мустақил новеллаларга сочиб юборилади. Ҳамма новеллаларда ҳаётнинг маълум бир томони, ҳар хил персонажлар ҳаётида юз берган воқеалар – ҳикоя қилиниши мумкин.

Бироқ уларни асардаги марказ – бош қаҳрамон бирлаштириб туради (масалан, “Дунёнинг ишлари”).

7. Ички тузилишга кўра бир неча ҳикоялардан ташкил топган қиссалар ҳам бўлади (А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”).

Ўтган асрнинг 80-йилларидан ўзбек қиссачилиги ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан янгиланди. Агар Ў.Ҳошимов қисса жанрига юксак бадиийлик ва чуқур лиризм фазилатларини олиб кирган бўлса, Э.Аъзам билан М.М.Дўстлар янги қаҳрамон концепциясини олиб кириш билан янада юқори босқичга кўтардилар. Э.Аъзам “Отойининг туғилган йили” қиссасидаги беғараз бетгачопар, шартаки талаба Аскар, М.М.Дўстнинг “Галатепага қайтиш” қиссасидаги диншунос Тошпўлат Ғайбаров, Н.Жалолиддиннинг “Болалар” асаридаги ўқитувчи Отажон ака ана шундай янгича қиёфадаги инсонлардир.

Ўзбек қиссачилигида лиризмнинг кучайишида Т.Муроднинг хизмати бекиёсдир. Унинг “Момо ер қўшиғи”, “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом” қиссаларининг номланиши ҳам, оҳанги ҳам, баён усули ҳам лирикдир. У ёзмайди, балки куйлайди.

Қисса ҳам романлар сингари мавзу ва муаммоси, йўналишига кўра қуйидаги турларда ёзилади:

1. Автобиографик (М.Муҳаммаджонов, С.Айний, Ойбек, Н.Сафаров, И.Раҳим).
2. Биографик (Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ҳ.Ғулом).
3. Тарихий (М.Осим, Ж.Илёсов, Мирмуҳсин, Х.Султонов).
4. Фантастик (Т.Малик, Ҳ.Ислом шайх, М.Маҳмудов).
5. Ахлоқий (Х.Дўстмуҳаммад, А.Йўлдош, Н.Жалолиддин).
6. Ҳужжатли қиссалар.

Мустақиллик йилларида Ғарбий Европа адабиёти таъсирида талай қиссалар яратилди. Булар орасида Н.Эшонқулнинг “Уруш одамлари”, “Тун панжаралари”, “Қора китоб”, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, Т.Жўраевнинг “Йиқилган ой” қиссалари характерлидир. Мавзу жиҳатдан янгиланиш кечаги кунимизга қарашда ҳам аён бўлди. Совет даврида 20-йиллардаги ўзаро фуқаролар урушида миллий – озодлик учун курашган ватанпарвар ота-боболаримиз “босмачи” деб аталди. Бундай номуносиб қарашларга ҳам бадиий адабиёт, хусусан, қисса жанри биринчи бўлиб жавоб берди. М.Алининг “Кўк тўнлилар”, М.Маҳмудовнинг “Боғдон қашқари”, Т.Маликнинг “Сўнгги ўқ”, “Чорраҳада қолган одамлар” номли қиссаларида ўша давр кишилари фаолияти ҳаққоний тасвирланди. Айниқса, М.Маҳмудовнинг “Боғдон қашқари” қиссасида кўтарилган муаммо ва яратилган қаҳрамон характерлидир. Унда Завлод тақдири кўрсатилганю Боғдон қишлоғида вояга етган Қиличбек чор русияси аскарларига қарши курашади. Ўзи амалга оширолмаган ниятини ўғли Юсуфбекка васият қилиб қолдиради. У ўрта жангари, кўрс, ахлоқсиз, ҳеч нарсадан тафт тортмайдиган, ҳеч кимдан кўркмайдиган, одамларга нафрат билан қарайдиган (отаси ўргатган) киши бўлиб ўсади. У қишлоғининг энг гўзали Гавҳарни хоҳишига қарши опқочиб кетади. Аҳмадбек исмли ўғил кўради. Бу 3-авлод вакили инқилобчи бўлиб етишади. Отаси ўз жонини асраб қолиш учун ўғлини қизилларга сотади. Юсуфбек ўзи ва отаси орзу қилган эркак эришолмай ўлиб кетади. Унинг ваҳший қашқир қиёфасига киришига рус истилоси сабаб бўлди.

Хуллас, ҳозирги ўзбек қиссалари том маънодаги янгиланиш жараёнини бошидан кечирди. Бу айниқса, модерн йўналишида ёзилган қиссалар табиатида аниқ кўринди. У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” ва Н.Эшонқулнинг барча қиссалари таҳлил қилинади.

Назорат саволлари:

1. Қисса ва повесть атамасининг мазмун – моҳияти.
2. Ўзбек адабиётида қисса жанрининг тарихий тараққиёти.
3. Қисса жанрининг асосий хусусиятларини айтиб беринг.

4. Мавзу ва муаммоси жиҳатидан қиссаларни қандай гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин?
5. Ўзбек адабиётида лирик қисса қачон пайдо бўлди? Кимлар кўпроқ ижод қилди?
6. Ўзбек модерн қиссалари ҳақида гапиринг.

11-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ЙИРИК ЭПИК ЖАНРЛАР

АДАБИЁТЛАР:

1. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-1979.
2. Адабий турлар ва жанрлар. 3 томлик. 1-том Т., “Фан”, 1991.
3. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., “Янги аср авлоди”, 2004.
4. С.Мирвалиев. Ўзбек романи. Т., “Фан”, 1969.
5. ЎзМЭ. 7-т., Т., 2004.
6. И.Султон. Адабиёт назарияси. Дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 1981, 1985, 2005.
7. У.Норматов. Ижод сеҳри. Т., “Шарқ” НМАК. 2007.
8. Қ.Йўлдошев. Ёниқ сўз. Т., “Янги аср авлоди”, 2006.
9. А.Расулов. Бадиийлик – безавол янгилик. Т., “Шарқ” НМАК. 2007.
10. Й.Солижонов. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Т., 2009.
11. Д.Қуროнов ва б. Адабиётшунослик луғати. Т., “Академнашр”, 2010.

Р Е Ж А:

1. Роман ва унинг тараққиёт йўли.
2. Роман – эпик турнинг йирик жанри.
3. Роман шакли ва мазмунидаги ўзгаришлар. Роман – дилогия: роман-трилогия; роман-эпопея.
4. Ҳозирги ўзбек адабиётида полифоник романлар.

Роман (французча роман) – ўзигача пайдо бўлган кўплаб адабий асарларнинг йиғиндиси, синтези ҳисобланади. Шу фазилатига кўра роман қомусий хусусиятга эгаллиги, имкониятларининг ғоят кенглиги билан ажралиб туради. Роман эпик тур жанрларидан бири бўлиб, бу атама дастлаб XII-XIII асрларда Ғарбий Европада пайдо бўлди. Роман тилларида (ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб қардош тиллар гуруҳи) яратилган шеърӣ ва насрий асарлар ана шу ном билан аталган. XV асрдан бошлаб бу атама ҳикоя, баён қилиш деган маънода ишлатила бошланди ва эпик турнинг энг катта ҳажмли жанри роман деб номланди. Романда шахс ва жамият ҳаёти бир-бирини инкор этмайдиган, маълум маънодаги мустақил олам сифатида таҳлил этилади. Айнан шу хусусият роман жанри мундарижасининг ўзига хос табиатини белгилаб беради.

XVII асрга келиб Европада “рицарлик романлари” пайдо бўлди. Сервантеснинг “Дон Кихот” романи рицарлик саргузаштларига пародия асар сифатида шуҳрат қозонди. Бора-бора романлар ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шахс ва жамият ўртасидаги мураккаб муносабатларни камраб ола бошлади ва жанрнинг ғоявий-бадиий мавқеи ошди. Унда мураккаб турмуш жараёни, ҳаётдаги зиддиятли ҳодисалар доираси кенгайиб, инсон ва жамият тақдири етакчи ўринни эгаллади.

Роман қамрови ғоятда кенг жанрдир. Шунинг учун ҳам мен уни океан (уммон)га қийслаганман ва ёзувчи-ғаввос унинг бағрига шўнғиб, ҳовучига яраша дуру гавҳарларни олиб чиқишига ўхшатганман. Бошқа жанрлардан фарқли ўларок, роман ҳаётни энг майда “икир-чикирлари”гача батафсил тасвирлаш имкониятига эга. В.Г.Белинский айтганидек, роман “миниатюрадаги олам”дир.

Роман жанри марказида бош қаҳрамон инсон образи туради ва унинг ҳаёти акс этади. Бу бош қаҳрамон тақдири унинг жамиятда эгаллаган мавқеи, ўрни билан ҳар доим ҳам боғлиқ бўлавермаслиги мумкин. Баъзан, айтилишича, бош қаҳрамон учун танланган инсон жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар олдида катта ёки кичик бўлиши мумкин. Бинобарин, унинг мавқеи ёки тақдири ўртасида зиддият рўй беради ва бу асарнинг

конфликтини белгилаб, сюжет линияларини ҳаракатлантиради (З.Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи айнан шунга мисол бўла олади).

Ўзбек адабиётида роман жанрининг пайдо бўлиши Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Мирмуҳсин Шермуҳаммадов, А.Қодирийлар номи билан боғлиқ. Агар Ҳамза “роман” атамасини биринчи бўлиб адабиётга олиб кирган бўлса, “Ўткан кунлар” том маънодаги роман жанри сифатида пайдо бўлди ва унинг муаллифи А.Қодирий дунёдаги олтинчи романчилик мактабининг асосчиси сифатида тан олинди. Шундан сўнг роман жанри ўзбек адабиётида ҳам ривожланишнинг кенг йўлига чиқиб олди. А.Қодирий бошлаб берган тарихий мавзу кейинроқ Ойбек (“Навоий”), О.Ёқубов (“Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”), П.Қодиров (“Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довои”, “Она лочин видоси”), Мирмуҳсин (“Меъмор”, “Турон маликаси”), 90-йилларга келиб, М.Али (“Сарбадорлар” дилогия, “Улуғ салтанат” трилогия), С.Сиёев (“Яссавийнинг сўнгги сафари” дилогия), А.Дилмурод (“Маҳмуд Таробий”, “Паҳлавон Маҳмуд”), Т.Ҳайит (“Вафо маликаси”), Ж.Фозил (“Айрилиқ остонаси”) ва бошқа кўплаб ёзувчилар томонидан давом эттирилди.

60-йиллардан бошлаб ўзбек адабиётида роман-дилогия (М.Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, Ҳ.Ғуломнинг “Машъал”, А.Иброҳимовнинг “Уйқу келмас кечалар”, О.Мухтор “Навоий ва рассом Абулхайр”, А.Дилмуроднинг “Фано даштидаги куш”), роман-трилогия (“Уфқ”, “Жудолик диёри”), роман-эпопея (Ж.Шарипов “Хоразм”лар ҳам вужудга келди. Шунингдек, адабиётимиз сўнгги йилларда бу жанрнинг роман-хикоя (“Икки эшик ораси”, “Олабўжи”, “Навоий ва рассом Абулхайр”), роман-монолог (Н.Қобил “Унутилган соҳиллар”), роман-хроника (Б.Аҳмедов “Амир Темур”), мистик-фантастик (Ҳ.Ислом Шайх “Телба дунё”, “Туташ оламлар”), мифологик сингари янги шакллари ҳам ривож топмоқда. Роман аслида жанр сифатида ягона бўлиб, тарихий, тарихий-биографик, автобиографик, саргузашт-фантастик каби атамалар романнинг ё мавзу ёки муаммоси билан боғлиқ шаклларидаир холос.

Мавзуси, ҳажми, сюжетининг мураккаблиги, композицион қурилишининг мукамаллик даражаси жиҳатдан ва тасвир усуллариининг ранг-баранглиги билан роман жанри баъзи бир бадиият унсурларининг (сюжет турлари, конфликт, ечим, баён қилиниш усули) қўлланишга қараб турлича бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан О.Мухтор, М.М.Дўст, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Жўраевларнинг романлари характерлидир. Жанр имкониятларининг кенглиги романнависларнинг турлича бадиият унсурлари, бадиий тасвирнинг ҳар хил шакли ҳамда воситаларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Мустақиллик туфайли ўзбек адабиётида 70 йил ҳукмронлик қилган социалистик реализм методининг барҳам топиши роман жанрининг эркин нафас олиши ва янада ривожланишга туртки берди. Бу йилларда юз берган энг муҳим янгилик ўзбек адабиётига, хусусан, роман жанрига Европа адабиётига мос модерн йўналишининг эмин-эркин кириб келиши билан Жойс, Кафка, Камю, Нитше, Маркес ва бошқа моҳир санъаткорларнинг ижодий анъаналари асосида яратилган романлар кўпайди. Энг муҳими, бундай романлар ўзбек китобхонининг ҳам ўқиш ва уқиш борасидаги малакаси ҳамда қобилиятини тарбиялади. О.Мухтор, М.М.Дўст, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Жўраев кабиларнинг романларини ўқиганингизда улардаги анъанавий сюжет ва композиция ўрнини, қаҳрамоннинг сурати ва сийратини автор томонидан анъанавий тасвирлаш усулини кўпроқ ассоциатив, авантюристик сюжет турлари, персонажларнинг хатти-ҳаракатидан кўра руҳий драмаси, онг оқими эгаллаганига гувоҳ бўламиз. Демак, роман сюжети, композицияси, баён қилиш усуллари жиҳатидан мутлақо янгиланди ва янги тараққиёт босқичига кўтарилди.

Ҳозирги адабий жараёндаги энг катта янгилик насримизда кўповозли (полифоник) романларнинг пайдо бўлишидир. Полифоник аслида бизнинг адабиётимиз учун йўқдан бор бўлган, тўсатдан четдан кириб келган ҳодиса эмас. У аслида бизнинг кўп асрлик лирик меросимизда, XX аср бошларидаги наср ва драматик асарларда у ёки бу даражада учрайди. Фақат бу адабий ҳодисанинг қадимийлигини, ўзбек адабиётига хос кўринишлари ва хусусиятларини биз, адабиётшунослар, ўз вақтида тадқиқ қилиб, исботлаб беролмаганмиз холос. Полифоник роман яратган адиб Достоевский бўлиб, бу атамани

фанга олиб кирган ва кенг миқёсда тадқиқ қилган олим М.М.Бахтиндир. Олимнинг Достоевский асарлари юзасидан чиқарган хулосаларига кўра полифоник роман ўзининг:

1) сюжети; 2) композицияси; 3) қаҳрамоннинг танланиши ва китобхонга тақдим этилиши; 4) баён усули ва бадиий нутқ типларнинг қўлланиши жиҳатидан ҳам, 5) қаҳрамонларнинг руҳий драмасини тасвирлаш томонидан ҳам анъанавий романлар қолипига тушмайди. Ўзбек адабиётида О.Мухторнинг барча, М.М.Дўстнинг “Лолазор”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Т.Жўраевнинг “Арвоҳлар тунда изғийди” романларида ана шундай фазилатлар учрайди. Полифоник романларнинг ўзига хослиги шундаки, оддий типдаги романлардан фарқли ўлароқ, уларнинг қаҳрамонлари овози автор овозига тенг ҳуқуқли оҳанг қурилишига эга бўлади. Полифоник романга хос нутқ структураси монологик нутқдан қаҳрамонларнинг мустақил ва ўзига хос фикрлаши, ички эркинликка эга бўлиши, баъзи пайтларда ўзини яратган автор баҳоларига ҳам қўшилавермаслиги, саркашлиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан М.М.Дўстнинг “Лолазор” романига мурожаат қилиб кўрайлик.

Романнинг ҳар икки қаҳрамони – Назар Яхшибоев ҳам, Саидкул Мардон ҳам ижодкор шахс бўлганликларидан худди автор сингари ўзининг мустақил нутқи структураси ва оҳангига эга. Шу хусусиятига кўра улар бир-бирига ҳам, автор нутқи оҳангига ҳам қўшилиб кетмайди. Бу қаҳрамонлар романнинг бошидан охиригача ўзларининг тўлақонли овози ва сезгиси билан мустақил равишда иштирок этадилар. Улар мустақиллигининг биринчи белгиси шундаки, Н.Яхшибоев билан С.Мардон асарнинг “Бемор” бобида бирон марта ҳам учрашмайди. С.Мардон Н.Яхшибоевнинг ташқи ҳаётидаги фаолиятини акс эттирувчи кўзгудир. “Қиссанавис” бобларида С.Мардон Н.Яхшибоевнинг амалий фаолияти, ёзувчи ва жамоат арбоби сифатидаги фазилат ҳамда қусурларини, инсон сифатидаги ўкинчлари, армонини батафсил тасвирлайди. Шифохонада кечган 5-10 кунлик ички ҳаётидан асосан Н.Яхшибоевнинг онг оқими, хотиралар тизими орқали хабардор бўламиз.

Полифоник романларнинг муҳим белгиларидан яна бири воқеаларнинг бошдан охиригача диалог асосига қурилишидир. Чунки диалог кўповозиликнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Диалог қурилиши жиҳатидан ҳам “Лолазор” романи полифоник асар олдида қўйилган талабларга жавоб бера олади. Масалан, Н.Яхшибоев палатада ётиб ҳам, ўтириб ҳам, даволаниб туриб ҳам, ташқарида юриб ҳам узлуксиз равишда кимлар биландир доимий мулоқотда бўлади. Гоҳ даволовчи шифокор, гоҳ марҳум дўсти Шариф Валломат, гоҳ хотини Мухсина хоним ёки “окпадар, сўтак” ўғли Аввалбек, гоҳида шогирдлари, баъзан дўсти Ошно билан тинимсиз мулоқотда бўлади. Бу мулоқот ҳаёлий диалог тури орқали намоён бўлади. Қиссанавис Саидкул Мардон эса ҳикоясининг бошидан охиригача ўқувчи билан суҳбат куради, унга мурожаат қилади, савол беради, узр сўрайди ва ҳаказо.

Полифоник романда ёзувчи ўз қаҳрамонининг ички дунёсини худди оптик кўзгу билан кўраётгандек энг майда икир-чикиригача очиб бера олади. М.М.Дўст ҳам Н.Яхшибоев қалбига ана шундай оптик кўзгу билан қарайди. Шу боисдан “Бемор” бобларида унинг ичи гўё ағдарилиб кўрсатилаётгандек туйилади. Яъни ўқувчи унинг ўз ўй-фикрлари (онг оқими) орқали худбинлигидан тортиб қайсарлигигача, обрў талаблиги-ю, мактанчоқ эканлигигача, қай даражадаги ёзувчилигидан бошлаб унинг жамиятда, муҳитда эгаллаган мавқеигача – барча-барчасини беш қўлда билиб олади. Шуниси борки, бу қусуру фазилатларни асосан унинг ўз тилидан эшитамиз ёки ички нутқи орқали билиб оламиз ва бу бизга эриш туйилмайди. Яъни ўқувчи Н.Яхшибоевни нокамтар, мактанчоқ одам сифатида қабул қилмайди, негаки, полифоник роман талабига кўра Яхшибоев характери сюжет ичида туғилмаган, балки сюжетга ана шундай шаклланган ҳолда олиб кирилган.

Мен бу ерда биргина полифоник романнинг ўзбек адабиётидаги биринчи намунаси “Лолазор” романи хусусида тўхталдим холос. Сиз ўзингиз мана шу фикрлардан келиб чиқиб, мустақил ўқиш учун берилган ва полифоник романнинг қарийб барча талабларига

тўла жавоб бера оладиган Омон Мухтор асарлари мисолида янада чуқурроқ билиб оласиз деб умид қиламан.

Модернизм миллий рамкалар-қолиплар қобиғини ёриб чиқишга ҳаракат қилади. Модерн ёзувчининг диққат марказида ташқи нарсалардан кўра кўпроқ ички нарсаларга эътибор бериш истаги устун туради. Яъни санъаткорнинг вазифаси “объектив воқеликни таърифлаш, тавсифлаш ёки акс эттириш эмас, балки ўзининг бадиий олаmidан келиб чиқиб, ана шу воқелик билан муносабатга киришиш ва шу тарзда соф субъектив санъат яратмоқдир”. Модернчи санъаткорлар воқеликни қандай яратилган бўлса, шундайлигича қотиб қолган ва ўзгармас нарса деб билмайди, оламдаги турфа хил рангларни “онг кислотасида жўнлик қуйқаларидан” тозалаб, соф ҳолда тасвирлайдилар.

Ҳозирги замон модерн асарида тасвирланаётган воқелик объектив воқеликка мувофиқ келиши талаб қилинмайди. Модерн асарга нисбатан ҳаққонийлик талабини қўллаб бўлмайди. Асар ҳақиқатсимон бўлиши ҳам, ҳаққоний бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. О.Мухторнинг “Афлотун”, “Тепаликдаги хароба” романларини эсланг. Уларнинг қаҳрамонлари бошидан кечираётган воқеалар реал ҳаётда юз бермайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Роман қачон, қаерда пайдо бўлди?
2. Ўзбек адабиётида роман атамаси қачон ва ким томонидан қўлланилди?
3. Ўзбек адабиётида роман жанрининг 1-намунасини ким яратди?
4. Роман – дилогия.
5. Роман – трилогия.
6. Роман – Эпопея.
7. Полифоник романлар ҳақида гапиринг.

12- МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Р Е Ж А :

1. Ўзбек адабиётида тарихий романлар эволюцияси.
2. Прозада замонавий мавзу ва ёзувчи дунёқараши.

Бирон бир миллатни адабиётсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳар қандай миллий адабиётни жанрсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Жанр бадиий адабиётнинг конкрет кўринишидир. Ана шундай жанрлардан бири роман бўлиб, унинг тарихий тараққиёти, ўзига хос хусусиятининг айрим томонлари тўғрисида ўтган дарсда суҳбатлашдик. Аммо роман эпик турнинг энг йирик, имкониятлари ғоят кенг жанри бўлганлигидан унинг поэтик оламига чуқурроқ кириб борганимиз сари ҳали кашф этилмаган фазилатларини англаб бораверамиз.

Роман, энг аввало, эпик образ яратувчи прозаик баёндир. Ана шу эпик образ ёзувчининг дунёқарашини, романнинг ғоявий-эстетик табиатини белгилаб беради. Эпик образни ифодалаш жараёнида ҳаёт ҳақиқатига қатъий амал қилиш талаб этилади. Зеро, раелизм (яъни ҳаётийлик) романнинг асосий қон томиридир. Роман қандай шаклда, қайси усулда ёзилмасин, яъни у фантастик-саргузашт бўладими, ривоят ёки миф ва афсоналарга асосланадими, охир оқибатда реалликка интилади. Асарнинг жанр табиати унда акс эттирилган ғоявий ниятнинг қайси ёки қандай бадиий шаклда, услубда берилиши билан белгиланади.

Романнинг энг муҳим хусусиятлари:

1. Эпик образ;
2. Прозаик баён;
3. Ёзма услуб.

Романда ўқувчининг эсида қоладиган яхлит, кўламли, ўз қиёфасига эга бўлган эпик образларни кўп учратганмиз. Булар: Юсуфбек хожи, Отабек, Йўлчи, Мирзакаримбой,

Навоий, Очил бува, Ориф оқсоқол, Назар Яхшибоев, Мирза Ғолиб, Юсуф, Фозилбек ва ҳоказо. Чунки уларни эслашимиз билан кўз олдимизда яшаган даври, шарт-шароит, ўзаро тўқнашувлар намоён бўлади. Атрофидаги барча персонажлар у ёки бу даражада ана шу эпик образлар билан боғланганлигини ҳис қиламиз.

Ҳозирги пайтда прозаик баёнсиз романни тасаввур этиб бўлмайди. Рус адабиётшуноси В.Кожинов ўзининг “Происхождение романа” (“Романнинг келиб чиқиши”) китобида ёзишича, “Шу нарса эътироф қилинганки, роман, биринчидан, кишиларнинг, нарса-ҳодисаларнинг, кечинмаларнинг ўзаро боғланган ҳолдаги мустақил реаллигини тўла-тўқис кўз олдимизда гавдалантирувчи, эпик образни яратувчи баён-ҳикоядир. Иккинчидан, роман “эпик” сўзининг иккинчи маъносига яқин асардир. Янада аниқроқ қилиб айтганда, у ҳаётий ҳақиқатни кенгрок қамраб олишга, ўз ичига сингдиришга интилувчи эпопея руҳидаги баёндир. Ва ниҳоят, учинчидан, роман прозаик баёндир. Романнинг бу хусусияти унда нутқнинг ташқи шаклланиши билангина тўла-тўқис характерланмайди, албатта. Балки бу хусусият роман жанрининг бир қатор хоссаларини – прозанинг умумий эстетик колоритидан тортиб то унинг ёзма табиатигача бўлган ҳамма хоссаларини белгилаб беради”.

Энди ана шу нуқтаи назардан ўзбек адабиётида сўнгги йилларда яратилган тарихий ва замонавий мавзудаги романларга назар ташлайлик. Ўтган дарсимизда тарихий романлар тараққиёти, унинг бир аср давомида қанча тўлқини (боскичи) дунёга келганлиги ҳақида айтиб ўтгандик. Бугунги дарсимизда асосан тарихнавис адибларнинг 4, 5 – авлоди яратган асарлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталамиз. Биз фикр юритмоқчи бўлган бу авлод вакилларида М.Али, С.Сиёев, А.Дилмурод, З.Бегматов, С.Вафо қабилардир. Албатта, уларнинг ҳар бири тўғрисида тўхталишга вақт етмайди, шунинг учун уларнинг айримларига мурожаат қиламиз, холос.

Энг муҳими, мустақиллик ўзбек адиблари учун тарихий мавзулардаги чекланганликка барҳам берди. Ёзувчи энди хоҳлаган тарихий шахс, тарихий мавзу, воқелик ҳақида эмин-эркин ёзиш имкониятига эга бўлди. Тўғри, совет даврида ҳам тарихий мавзуда хоҳлаганча асар яратиш мумкин эди. Фақат шarti шуки, тарихий роман ғояси коммунистик мафкура, совет воқелиги нуқтаи назаридан ёритилсин. Ана шу принципга амал қилишга мажбур бўлган тарихнавис адибларнинг 2, 3-авлоди вакиллари – Ойбек, О.Ёкубов, Мирмуҳсин, П.Қодировлар айрим тарихий фактларни “буздилар”, ўзгартирдилар, тарихий шахсларнинг қиёфасига қора бўёқни мўлроқ чапладилар. Биргина П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” тарихий романи бошидан кечирган кўргуликлар унинг кейинги “Авлодлар довои” романи структурасига, баён усулларида салбий таъсир кўрсатганини эслаш kifоя.

Ёки Амир Тему́р мавзусининг ишланишини олиб кўрайлик. Совет даврида у жоҳил, золим, босқинчи, қонхўр, саводсиз, ахлоқсиз шахс сифатида тасвирланган бўлса (масалан, С.Бородиннинг “Самарқанд осмонида юлдузлар” дилогияси), энди бутунлай бунинг акси. Қисқа фурсатда Амир Тему́р ҳақида ўнлаб дostonлар (А.Орипов, М.Жалил, О.Бўриев) драмалар, романлар дунёга келди. Булар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ғоят изчил ва самарали ижод қилмоқда. У дастлаб “Сарбадорлар” романи билан улкан ва туганмас мавзу даргоҳига қадам қўйди. Кейин “Улуғ салтанат” деган умумий ном остида романлар ёзишга киришди. Амир Тему́р ва унинг авлоди тўғрисида тетралогия яратишни ният қилган адиб ҳозир унинг учинчи китобини ёзиб тугатди. “Улуғ салтанат” тетралогиясининг 1-китоби Соҳибқироннинг энг суюкли фарзандига бағишланган бўлиб, “Жаҳонгир Мирзо” деб аталган. 23 бобдан иборат бўлган бу роман Амир Тему́рнинг раҳбарлик ва лашкарбошилиқ салоҳияти, оиласига, фарзандларига ғоят меҳрибон ота эканлигига бағишланади. Романда Амир Тему́рнинг долғали, кескин курашларга бой ҳаёти Амир Мусо, Амир Ҳусайн, шоир табиат Ахий Жаббор (“Сарбадорлар” ни эсланг), Жаҳонгир Мирзо ва бошқа беклар билан муносабатларида тўла очила боради.

Романда Жаҳонгир Мирзо 13-14 ёшларидан кўринади, у ғоят жасоратли, ботир йигит эди. Афсуски, 20 ёшида оғир хасталик туфайли оламдан ўтади ва бу мусибат Амир

Темурининг қаддини букади. Тетралогианинг 2-китоби “Умаршайх Мирзо”, 3-китоби “Мироншоҳ Мирзо” деб номланган. М.Алининг ютуғи шундаки, бу асарларида шу номлари битилган темурийзодалар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ўқувчилар кам биларди. М.Али бу тетралогиаси билан қарийб уч асрдан кўпроқ турли ҳудудларда ҳукмронлик қилган Темурийлар сулоласининг мукамал бадиий солномасини яратиб бера олади деб умид қиламиз. Мустақиллик яна ХII асрда яшаб ўтган машойихлар сарвари “шайхул-раис” Аҳмад Яссавий тўғрисида ҳам эркин фикр билдириш имконини берди. Ёзувчи Саъдулла Сиёев бу улуг зот тўғрисида “Яссавийнинг сўнгги сафари” деб номланган асар яратди. Роман 2 китобдан иборат. Уларда ҳазрат Яссавийнинг ўз муридлари, саҳобалари, шогирдлари, Самарқанд подшоси Султон Маҳмуд, амиру беклар, оддий фуқаролар билан учрашувлари, муомаласи, авлиё сифат қобилияти, кароматлари ҳақида ҳикоя қилинади. Мана, шайх ул-машойихнинг кароматларидан бири: Яссавийнинг содиқ муридларидан бири Шаҳобиддин ҳожи бора-бора очкўзлик, бойлик, шуҳрат ортидан қувиб, пирига хиёнат қила бошлади. Кечира-кечира сабри тугаган ҳазрат бир йиғинда унинг айбларини очиб ташлайди, халойиқ олдида уни фош қилади. Аммо ҳожи айбларини тан олмайди. Шунда шайх ул-раис унинг қўлига Қуръон бериб оғти ичишни сўрайди. Ҳожи тап тортмай, уялмай-нетмай Қуръони Каримни кўксига босиб қасам ичади. Орадан кўп ўтмай жазосини олади: Эшакдан йиқилиб, оёғи синади, оғзи қийшайиб қолади. Ҳазратнинг кароматпешалиги шундаки, Шаҳобиддин ҳожи пиридан узр сўраш ниятида йўлга тушади ва ярим йўлда жағи тўғриланиб, ортига қайтади. Уйига келгач, яна оғзи қийшайиб қолаверади.

Ёки Самарқанд ҳокими Султон Маҳмуднинг якка-ю ягона ўғли Қутбиддин отасининг тахтидан, чексиз бойлик, шон-шуҳратдан воз кечиб дарвешликни, шайх Яссавийга хизмат қилишни афзал кўради ва камолга етади. 1-китоб ҳаж сафарига отланган Яссавийнинг Самарқандга кўниши, Султон Маҳмуд билан учрашуви, Қутбиддин тақдирининг ҳал этилиши билан тугайди. 2-китобда Самарқанддан ҳажга бориш йўлидаги воқеалар, оддий халқ оммасининг Яссавийга иззат-ҳурматини ифодалашга бағишланган.

Ёзувчи А.Дилмурод “Маҳмуд Таробий”, “Паҳлавон Муҳаммад” номли тарихий романларини яратди. Икки қисмдан иборат “Маҳмуд Таробий” романида Мўғул босқинчиларига қарши Чигатой улусини исёнга бошлаган ватанпарвар шахснинг фаолияти асос қилиб олинган. Унинг паҳлавонлиги, халқпарварлиги, одамохунлиги, табиблиги, ҳунарманд инсон эканлиги ишонарли кўрсатилган. Унинг атрофига уюшган пири Шамсуддин Маҳмудий, шайх Иброҳим, жасур укалари Муҳаммад, Али, халқ қаҳрамонлари Вафо Хўжандий, Наврўз полвон қабиладар ҳам эса қоларлидир. Кейинги романи Навоийнинг дўсти, ҳамкори, ихлосманди Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган. У орқали ёш Алишернинг ўзига хос характери ҳам очилади.

Ниҳоят, тарихимизнинг яна бир ёруғ юлдузи Алишер Навоий ҳақида ҳам янги тарихий роман дунёга келди. Қарийб ярим асрдан сўнг истеъдодли ёзувчи Омон Мухтор Ойбек панжасига панжа уриб “Навоий ва рассом Абулхайр” деб аталган роман-диалогиясини (1. “Ишқ аҳли”, 2. “Буюк фаррош”) яратди ва бу асари учун 2009 йилда мустақилликнинг 19 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу асарида адиб ўзига хос янги йўлдан боради, Ойбекдан фаркли ўлароқ О.Мухтор Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини, амалий-ижтимоий фаолиятини тасвирлаш йўлидан бормади. Асар марказига ўқувчига таниш бўлган, улуг мутафаккир шоир Навоийни англаш масаласи қўйилади. Бу ғоявий ниятини ифодалаш учун ёзувчи баённинг янгича усуллари, сюжет ва композициянинг ўзгача шакллари қўллайди.


Романда рассом Абулхайрнинг Навоий портретини яратиш олдида унинг мукамал қиёфасини ифодалаш учун олиб борган изланишлари, изтироблари, англаш қийинчиликлари кундаликлари орқали очилади. Рассом Абулхайр шоир Навоийнинг суратини унинг сийратини англамай туриб чизолмаслигига ақли етади ва мутафаккир шоирнинг лирик меросини чуқур ўрганишга киришади. Хулоса шуки, “Навоий бу - тубсиз

осмон! Навоий бу – улкан уммон! Уни қамраб бўлмайди!”. Муаллиф ҳикоячи – қаҳрамони рассом Абулхайр нигоҳи орқали улуғ шоирнинг шеърояти қаърига чуқур кириб боради ва шубҳасиз, унинг баёнига ҳам назм усули кириб келади. Насрий баёнда назм имкониятларидан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида Вьетнам адабиётшуноси То Хаой шундай ёзади: “Роман ўзга жанрларнинг энг яхши сифатлари ва имкониятларини ўзида қамраб олади. Биз пьеса, очерк, ҳикоя, повесть усулларини романга олиб кира оламиз. Бунда поэзиядан ҳам фойдаланиш, уни ҳар бир бобиға, ҳар бир қисмиға, ҳар бир жумласига сингдириш мумкин. Бу приёмлар (усуллар)дан бевосита ёки уларни роман персонажларининг фикр ва ҳаракатларини ифодалайдиган даражада ўзгартирган ҳолда фойдаланса ҳам бўлади”. Ажабки, О.Мухторнинг ушбу тарихий романигина эмас, балки кўплаб замонавий романлари ҳам назм билан қоришиқ усулда баён қилингани билан характерлидир.

Энди замонавий мавзудаги романлар хусусида гаплашсак. Аслини олганда, мавзу ва муаммосидан қатъий назар барча адабий асарлар замонавий руҳ билан суғорилган бўлиши шарт. Масалан, ёзувчи тарихий мавзуга мурожаат қилар экан, шубҳасиз, ўзи яшаб турган замони нуқтаи-назаридан ёндашуви талаб этилади. Фақат асар замонасозликдан холи бўлса бас.

Истиқлол даври адабиётида кўплаб замонавий мавзуда яратилган асарлар адабий жамоатчиликнинг яхши баҳосини олди. Булар орасида У.Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”, Т.Муроднинг “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”, Т.Жўраевнинг “Арвоҳлар тунда изғийди”, “Бозор дунё” романлари алоҳида ажралиб туради. Бундай деяртганимнинг сабаблари бор. Мустақиллик туфайли бадиий адабиётда ижодий эркинлик вужудга келгандан кейин уни суиистеъмол қилиб, енгил-елпи мавзуларда, олди-қочди, ур-йиқит воқеаларига асосланган, ахлоқий бузуклик, фоҳишаболик, ўғрилиққа бағишланган “романлар” ниҳоятда кўпайиб кетди. Энг ёмони “бозор адабиёти” пайдо бўлди. Нуриддин Исмоилов, Муҳаммад Исмоилов, Солиҳ Қаҳҳор, Тўхтамурод Рустам, Ҳабиб Темиров кабиларнинг “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” “роман”лари замондошларимизнинг фикрини чалғитди, адабиётнинг тарбиявий вазифасини четга суриб қўйди. Афсуски, аксар ўқувчилар ана шундай асарларни ўқиш билан оворалар. Яхшики, бундай асарлар адабиётнинг умумий савиясини белгиламайди.

Биз, яхшиси, Улуғбек.Ҳамдам, Луқмон Бўрихон, Тилаволди Жўраевларнинг юқорида тилга олинган романлари тўғрисида гаплаша қолайлик.



Саиднинг хотини – Ойгул – Миролимнинг хотини. Булар барчаси ҳаёт тарозисининг паллалари, мувозанатни талаб қилади.

II. “Бозор дунё” Нозима ↔ Салима ↔ Каниза

Мансур ↔ Нозима ↔ Каниза

Канизанинг тракторчи эри ↔ Каниза ↔ Мансур

Акаси Зокир ↔ Мансур ↔ отаси

Мансур ↔ ҳоким Зокир ↔ прокурор Қодир Алиевич

Мансур ↔ Қ.Алиевич ↔ Нозима

Қишлоқ ↔ бозор ↔ шаҳар

Маънавият ↔ адолат ↔ савдо

“Жазирамадаги одамлар” романи билан ёзувчи бирданига адабий жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Адабиётшуносларнинг давра суҳбатларида, китоб аннотациясида,

ёзувчи Э.Аъзам эса “ЎзАС”даги махсус мақоласида муаллиф Л.Бўрихон тўғрисида илик гаплар айтилди. Романга Тошбиби чечанинг халқ топишмоқларида айтилган “Бир отим бор – ажабгина, Думлари гажаккина. Ҳали келса... Кула-кула ўласиз” деган сатрлар эпиграф қилиб олинган. Роман воқеалари олий ўқув юртининг руҳшунослик факультетида ўқийдиган талаба йигит тилидан ҳикоя қилади. Унда Сафармурод чавандознинг ташвиқоти билан Мирзачўлга келиб, шаҳар киёфасига ўхшаш посёлка бунёд қилган меҳнатсевар одамлар ҳаёти ифодаланади. Совхоз директори Чинор Менглиев, Сафармурод чавандоз, Улаш агроном, ҳикоячи талабанинг отаси Эргаш (булар учови синфдош), Файзулла буғолтир, унинг шаҳарлик келини Лолахон кабиларнинг ҳар бири ўзига хос тақдир ва тасвирга эгаллиги билан ажралиб туради. Роман табиийлиги билан эътиборни тортади.

Сиз Саломат Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари” номли романини мустақил равишда ўқийсиз ва амалий машғулотда таҳлил қиласиз. Шунинг учун бу ҳақда тўхталмаймиз.

Назорат саволлари:

1. Романнинг энг муҳим хусусиятларини айтинг.
2. Мустақиллик йилларида тарихий мавзуда яратилган романлар ва уларнинг ўзига хослиги нимада?
3. Ҳозирги адабий жараёнда яратилган замонавий мавзудаги романлар ҳақида гапиринг.
4. Онг оқими асосида баён қилинган қандай романларни биласиз?
5. Мавзунинг замонавийлиги ва замонасозлик деганда нимани тушунасиз?

13-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИ

Адабиётлар:

1. Адабиёт назарияси. 2 томлик. Т., “Фан”, 1978-79.
2. Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. Т., “Янги аср авлоди”, 2004.
3. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. Т., Ғ.Ғулом номли АСН, 2000.
4. Имомов Б. ва б. Ўзбек драматургияси тарихи Т., “Ўқитувчи”, 1995.
5. Мустақиллик даври адабиёти. Т., Ғ.Ғулом номли АСН, 2006.
6. Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т., “Шарқ” НМАК, 1997.
7. Абдусаматов Ҳ. Қалб гавҳари. “Шарқ юлдузи” жур., № 5-6, 2006.
8. Й.Солижонов. Мен сиздан сабоқ олдим (адибларга мактублар). Т., 2007.

Р Е Ж А:

1. Драматик турнинг тараққиёт йўли.
2. XX аср охири ва XXI аср бошларидаги драмаларда инсон ва жамият муаммолари.
3. Трагикомедия жанрининг ўзига хос хусусиятлари.

Драматик тур ўзбек адабиётига кириб келганига бир аср бўлди. Илк драматик асар сифатида тан олинган Беҳбудийнинг “Падаркуш” асари 1911 йилда ёзилганди. Юз йиллик тарих ва тажрибага эга бўлган бу ўзбек драматургияси ўтган асрнинг боши ва иккинчи жаҳон уруши даврини ҳисобга олмаганда ҳар доим ҳам бошқа адабий турлардан сустрок ривожланган. Бу сусайиш айниқса, ўтган асрнинг “турғунлик даври” деб аталган 70-80 ва мустақилликнинг дастлабки йилларида аниқ сезилди. Бундай сусткашликнинг муайян объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор. Аввало, шуни ачиниш билан таъкидлаш ўринлики, адабиётимизда фақат драматургия билан шуғулланадиган махсус ижодкорлар жуда кам. Борлари ҳам тезда шуҳрат топиб, кашфиёт даражасидаги сахна асарлари яратиб, театрларнинг доимий ҳамкорига айланиб кетавермайдилар. Иккинчидан, мабодо, шундай талантли драма яратилиб, сахналаштирилса ҳам унга томошабинни жалб этиш муаммоси туғилади. Учунчидан, бозор иқтисодиёти туфайли драматург ўз асари билан бойиб кетаётгани йўқ.

Шунга қарамай, сўнгги 20 йил ичида драма яратилмай ҳам қолмади, сахна бўшаб ҳам қолмади, озми-кўпми томошабин ҳам театрга кириб турди. Энг муҳими, сўнгги йиллар драматургияси шакл ва мазмун томонидан янгиланди, жанр имкониятлари кенгайди. Санъаткорлар жаҳон драматургиясининг барҳаёт тажрибаларидан унумли фойдалана бошладилар. Бу йиллар анъанага кўра кўплаб шеърӣ драмалар дунёга келди. Э.Воҳидовнинг “Истамбул фожиаси”, А.Ориповнинг “Соҳибқирон”, У.Қўчқорнинг “Расулulloҳ котиби”, Р.Бобожоннинг “Юсуф ва Зулайхо” каби асарлари ана шу усулда битилган.

Драматургиянинг ривожланиши ва янгиланиши мавзу кўламининг кенгайишида якқол кўринди. Бу борада айниқса, тарихий мавзудаги сахна асарларнинг кўпайганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Тарихга муносабатнинг ўзгарганлиги, буюк аждодларимизнинг бадиӣ, илмӣ ва маънавий-маърифӣ меросини қадрлаш, тарихий манбаларни ўрганиш туфайли халқимиз ўзлигини англаш жараёнини бошидан кечирди. Айниқса, Амир Темур, Аҳмад ал-Фарғонӣ, Машраб сингари мураккаб тарихий шахслар ҳақида ранг-баранг жанрларда турли шаклдаги сахна асарлари дунёга келди.

Булар орасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Фотиҳи Музаффар ёхуд бир париваш қиссаси” номли тарихий драмаси муҳим ўрин тутди. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, О.Ёқубов драматургия борасида хийла тажрибали адиб. 60-йиллардаёқ “Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим”, “Юрак ёнмоғи керак”, “Чин муҳаббат”, “Олма гуллаганда”, “Бир қошона сирлари” деб аталган драмалари билан шуҳрат қозонган эди. Мана шу тажриба ва маҳорат санъаткорнинг сўнгги драмасида ўзининг яхши самарасини берган.

Аввало, шунини айтиш керакки, тарихий мавзудаги ушбу драма соҳибқирон Амир Темурга бағишланган. Муаллиф улуғ Амир ҳаётига оид тарихий фактдан унумли фойдаланиб, бадиӣ тўқимага асосланган жиддий тарбиявий сахна асари ярата олган. Драма марказида сарлавҳада урғу берилганидек, “Фотиҳи Музаффар” – Соҳибқирон Амир Темур билан унинг “энг сўнгги ва энг суюкли рафиқаси” Сулувкўз исмли аёл туради. Тарихдан маълумки, Амир Темур ўз никоҳига олган аёллар орасида энг гўзали, энг машҳури, энг оқиласи, энг вафодори, энг суюклиси, маслаҳатгўйи, энг ишонгани Чигатой улусига мансуб мўғул хонларидан бири Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним (уни саройда Бибихоним деб аташган) бўлган. Бу аёл аввал Амир Хусайннинг хотини бўлган. Уни енгиб, қатл этган Соҳибқирон маликалар орасидан Сароймулкхонимни танлаб олади. Аёл хон авлодига мансуб бўлганлигидан акли-фаросати, дидининг юксаклиги, иродалиги, сарой муҳити ва идора усуллари яхши билганлиги, фикрлаш доирасининг кенглиги, тадбиркорлиги билан бошқа маликалардан ажралиб турган. Бундан ташқари Сароймулкхоним ҳусн-латофатда, назокатда, эрга нисбатан хотинлик муносабатида, хулқ-атворида беназир бўлиб, тез орада Амир Темурнинг муҳаббатини қозонади. Сароймулкхоним айни чоғда мамлакатнинг ижтимоӣ-сиёсий, маданий-маърифӣ ҳаётидан яхши хабардор бўлган, Ватанини жон-дилидан севган, адолат учун курашган халқининг фаровон, юртининг обод бўлишини орзу қилган. Бу фазилатлари Амир Темурнинг ниятлари билан мос келганлигидан Соҳибқирон маликага бошқарувнинг сиёсий, ижтимоӣ, иқтисодӣ, маданий ҳаётига оид масалаларни ҳал этишда фаол қатнашувига изн берган, унинг доно маслаҳатларидан фойдаланган. Ҳарбий юришларида ҳам ҳар доим унинг ёнида бўлган. Амир Темур ўз никоҳига олганида Сароймулк 29 ёшда эди. Улар бир-бирига чексиз муҳаббат билан 35 йил яшадилар.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Амир Темур суюкли рафиқаси Бибихоним шарафига маҳобатли обида қурдирмоқчи бўлади. Минора қурилишига маликанинг ўзини масъул қилиб қўяди. Тенги йўқ меъмор ишни бошлайди. Албатта, масъул шахс сифатида Сароймулкхоним қурилиш майдонига тез-тез келиб туради. Усталар билан қурилиш лойиҳаси бўйича маслаҳатлашади. Айтишларича, меъмор маликага ошиғу шайдо бўлиб қолади. Ривоятни айтиб бераман: (рўмол устидан ўпиш, юздаги доғ, устанинг тақдири, қушлар патидан қанот қилиб учиб кетиш...)

Хуллас, мана шу факт О.Ёқубов учун ўзининг Амир Темур ҳақидаги фикрларини ифодалашга асос бўлиб хизмат қилади. Санъаткор бу ғоявий ниятини ўз ҳолича берганида маълум чекланишларга йўл қўйишга мажбур бўларди. Шунинг учун бадиий тўқимага мурожаат қилади ва Амир Темурнинг ҳийла “қариганда” топган бу маҳбубасини (“Энг сўнгги ва энг суюкли”) Сулувкўз деб атайди. Умуман, муаллиф бу драмада персонажлар исмига катта маъно юклайди: Тарихий Бибиҳоним асарга Биби Сардор – каттиқ қўл, жаҳлдор, золим, канизаклар Сарагул, Акчагул, навкар Қалқонбек шулар жумласидандир.

Драмада муаллиф бир томондан чин муҳаббатни, гўзалликни улуғлайди. Иккинчи томондан, бевафолик ҳар қандай одамнинг юзини шувит, ўзини шарманда қилади деган фикрни ифодалашни ният қилади. Сулувкўз меъморнинг шартини ноилож адо этиб, юзида доғ қолади (Меъмор маликани севиб қолади. Унинг оёғи остига йиқилиб, “жамолингизни бир кўрай” деб илтимос қилади. Сулувкўз унга юзини кўрсатади. Меъмор энди иккинчи шартини айтади: “битта бўса олай!”. У билადики, биринчи шартини бажарган аёл иккинчисини ҳам бажаради. Боз устига уста агар айтганимга унамасангиз “Қурилишни тугатмай, масжиди жомеъ пештоқидан ўзимни ташлайман!” деб кўрқитади. Қурилиш битмай қолса, Сулувкўз Амир Темур олдида нима деган одам бўлади? Ахир, суюкли эри, Соҳибқирон бу қурилиш тақдирини унга топширган-ку! Ноилож кўнади – парда устидан ўптиради. Аммо меъморнинг муҳаббати алангаи оташ экан, ёноғини куйдирди! Доғ қолди. Бу шармандалик ўлим билан тугади).

Амир Темур ҳақида яна Т.Акбархўжаевнинг “Замон ўғли”, Қ.Абдуғаниевнинг “Амир Темур ва Йилдирим Боязид” сингари драмалари ҳам яратилди.

Тарихий мавзуда яна Аҳмад Фарғонийга бағишланган бир неча асар пайдо бўлади. Булар: Ҳ.Расулнинг “Пири коинот”, И.Раҳимнинг “Алломанинг ёшлиги”, Ж.Жабборовнинг “Ал-Фарғоний”, Й.Сулаймоннинг “Осмонга сиғмаган муҳаббат”, Нуруллохон ҳожининг “Башар аллома” драмаларидир. Яна бир аллома, Имом ал-Бухорий ҳақида Ж.Расултоевнинг “Муқаддас зиё”, С.Эҳсоннинг “Муҳаддис”, М.Эргашевнинг “Саодат йўли”, У.Қўчқорнинг “Расулulloҳ котиби”, Р.Маъдиевнинг “Бир кечалик туш”, Т.Жуматовнинг “Имомал - Бухорий”, М.Ҳамидованинг “Бухорий муҳаббати” каби сахна асарлари дунёга келди. Булардан ташқари Й.Муқимовнинг “Мангу машъал” (Авесто ҳақида), Й.Муқимов ва Ҳ.Расуловнинг “Муқаддас Тахтизар” (Спитамен ҳақида), Р.Бобожоннинг “Юсуф ва Зулайхо”, У.Азимнинг “Алпомишнинг қайтиши”, Э.Самандарнинг “Жалолиддин Мангуберди”, “Аждодлар қиличи”, З.Муҳиддинов ва М.Ҳамидоваларнинг “Заҳриддин Муҳаммад Бобур”, Э.Хушвақтовнинг “Машраб”, Н.Қобилнинг “На малакман, на фаришта” (Машраб ҳақида), А.Суюннинг “Сарбадорлар” драмалари ҳам тарихий мавзудадир. Лекин уларнинг барчасини ҳам етук бадиий даражада ва қутилган ниятга эриша олган деб бўлмайди.

Бу даврда замонавий мавзуларда ҳам кўплаб драмалар дунёга келди. Бу борада Эркин Хушвақтов, Салоҳиддин Сирожиддинов, Усмон Азим, Санжарали Имомов, Холиқ Хурсандов, Насрулло Қобил, Комил Аваз, Тоир Юнусовлар самарали ижод қилдилар. Улардан баъзиларининг асарлари театрларнинг доимий репертуарига айланди ва томошабинларнинг ташналигини қондириб, театрларга қизиқишини орттирди. Зеро, театрнинг халқни маънавий-маърифий руҳда тарбиялашнинг энг самарали ва жонли воситаси эканлиги азалдан маълум. Сахна реал ҳаётнинг бадиий кўзгусидир. Шу маънода юқорида номлари тилга олинган драматурглардан Э.Хушвақтов айниқса, улоқда совринни олиб кетди. У кўпроқ халқ оғзаки ижоди материалларига, фольклор-этнографик мавзуларга, миллий урф-одатларимизда ўлиб бораётган удумларга мурожаат қилди.

Э.Хушвақтовнинг Ўзбекистон Миллий театрида бирин-кетин сахналаштирилган “Чимилдиқ”, “Қаллиқ ўйин”, “Қирмизи олма”, “Андишали келинчак” каби пьесаларига иложи борица ўзбек халқининг азалдан яшаб келган удумлари руҳини, моҳиятини сингдиришга, уларни янгича анъаналар билан бойитишга, ёш авлоднинг муносабатини очишга уринади. Кўп ўринларда бунга эришади ҳам. Аммо драматург ҳар доим ҳам ўз ниятини ифодалаш учун танлаган усул ва шаклларда ютуққа эришавермайди. Масалан,

“Чимилдиқ”, “Қаллиқ ўйин” драмалари аввало, енгил-елпи воқеалар асосига қурилгани, персонажлар ўртасидаги муносабатларнинг ўта сунъийлиги, урф-одатларимизнинг кадрилини кўтариш ўрнига ўзига нафрат уйғотади. Бу драмаларда ечим ҳам тамошабинни қониқтирмайди.

Назорат саволлари:

1. Драматургиянинг ўзига хослиги нимада?
2. Драматик тур жанрларини айтинг.
3. Комедия жанри ва ҳозирги давр.
4. Трагедия ва унинг таракқиёти.
5. Ҳозирги даврдаги трагикомедиялар ва уларнинг долзарблиги.

